

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети



# ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА ТАНҚИДЧИЛИГИ ТАРИХИ КУРСИДАН

Маъруза матнлари



Тошкент - 2000

80.2.  
73  
p-26

Абдуғафур Расулов

**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА  
ТАНҚИДЧИЛИГИ ТАРИХИ КУРСИДАН  
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

ToshDU  
O'zbek filologiyasi  
fakulteti  
KUTUBXONASI

Тошкент  
"Университет"  
2000

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
402P  
TOSHDU-TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Абдуғафур Расуловнинг “Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи курсидан маъруза матнлари ўзига хос қурилишига эга. Муаллиф адабиётшунослик ва танқидчилик назариясининг янги ютуқларига суянган ҳолда асосан 70-80 йиллар ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги асарларини таҳлил-талқин қилади. Илк бор А.Расулов рецептив (ўзлаштириш, қабул қилиш) эстетикаси хусусиятлари ҳақида тўхталади. Адабий танқиднинг ғоявий-эстетик, тарихий-функционал ёндашув қоидалари ҳақида ҳали назарий гаплар ўзбек танқидчилигида айтилмаган. Муаллиф ўз қурашларини далиллаш учун 70-80 йилларда Ўзбекистон матбуотида нашр этилган юзлаб адабий-танқидий мақола, адабий портрет, шарҳ, тақризларни таҳлил қилган. “Матн” деген номлари тилга олинган адабий-танқидий асарларни топиш, йиғиш ҳозир ўта мушкул.

Бу китобча нафақат талабаларга, балки магистратура, аспирантура босқичини ўтовчиларга ҳам наф келтиради.

## ТАЛҚИДЧИЛИКДА АДАБИЙ ТАЛҚИН МАСАЛАСИ

*Тонг отар чогида жуда соғиниб,  
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.*

Бу мисрлар Гафур Ғулумнинг “Соғиниш” шеърдан эканлиги ҳаммага маълум. Лекин Гафур Ғулум шеърларида Бедил рубойларига нисбатан, Бедил ижодидан келтирилган намуналарнинг қўлиги, Бедил номинан бот-бот тилга олинishiга кўпчилик унча эътибор бермайди.

Гафур Ғулум Бедил ижодининг ҳақиқий мухлиси эди: шоир жангчи устидан соғинса, Бедил ўқийди; руҳини кўтарган хушxabар эшитса, Бедил ўқийди; қалбини алам, изтироб чулғаса, Бедил ўқийди. Шарқ китобхони Бедил асарларини маънолар хазинаси, ҳар қанча талқин қилингани билан тубига етиб бўлмайдиган уммон деб биларди. Бедил-хонлик ўт тарихига, анъаналарига, намояндаларига эга. Шарқ адабиётининг навоийхонлик, фирдавсийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлигининг эътибори бедилхонлик шухратидан кам бўлмаган.

Кўпчилик санъаткорларга мухлислик тарихини битиш, анъаналарини ёритиш, машҳур мухлислар ҳаёти, ижодини ўрганиш адабий талқин ҳақидаги маълумотимизни кенгайтиради, назарий тушунчаларимизни системага солади. Адабий асар талқинида матннинг туғрилиги энг муҳим асос ҳисобланади. Талқинчи адабий матнга шунчалик сингиб, берилиб кетадики, у сўзларнинг жонли қиёфасини, феъл-атворини, мотивдаги обрў-эътиборини, гоёни ёритишдаги вазифасини ўқиб олади. Талқинчи сўзнинг ўзигинамас, алоҳида белги, нуқта муҳим аҳамият касб этади. Матншунослик тирик, жонли сўз - онтология ҳақидаги назарини ижодда келтирган. Шоҳ асарлардаги сўзларнинг мангу тирчилиги, ҳар бир давр, замонда янгича жилоланиши, ҳанузгача сезилгани маълумларни ифодалашни, умуман, санъат асарининг боқий умри сирларини онтология назариясининг вазифаларидир. Адабиёт тарихидан маълумки, матн сирларини мукамал билиш фақат маънолар хазинасини очувчилар - ҳақиқий талқинчилар учунгина зарур бўлмаган.

Адабий талқинида матн тугал мақсад эмас. Матн воситасида санъаткорнинг руҳияти, интилишу мақсадлари, шахс сифатидаги ўзига хосликларини ёритилган. Адабий асар матни - адабий-маданий тараққиётнинг кўрсаткичи. Ижодкор ўзигача яратилган маданий-адабий қадриятларни мунокабат бийдиради, маданий-адабий бойликни тўлдиришга қўша қўшади. Адабий талқинчи ўз фаолиятида - талқин жараёнида санъаткорларнинг халқнинг умумий маданий-адабий тараққиётига қўшиш ҳиссасини кўрсатиб беради: матнда учраган тарихий номлар, муҳим вазифаларни шарҳлайди. Адабий матнда ифодаланган маданий қатламни талқин этишда талқинчи - ижодкорнинг ёрдамчиси, китобхонини сўзга алуналишга бурувчи муаллим.

Мусулмон дунёсидаги бадий адабиётни талқин қилиш ниҳоятда мушкул эди. Бу адабиётдаги сайёр сюжетлар, адабий жанрларнинг мавзулари ижодкор эркини анча чеклаб қўяр эди. Колаверса, мусулмон оламида маданият, фалсафа, ахлоқ, санъату адабиёт ислом идеологиясининг таркибий қисми эди. Санъаткор аввалдан белгилаб қўйилган тартиб-интизомларга риоя қилиши, айни вақтда ўзининг санъаткор сифатидаги бадий концепциясини, гўзаллик оламини тасдиқлашни жоиз эди. Навоий, Бобур, Турди, Машраб, Муқимий, Фурқат сингари санъаткорлар ўз бадий оламларини ислом мафкураси ҳоким бўлган шароитда яратдилар. Лекин ўзбек адабиёти мугахассислари - адабиётшуносу танқидчилар улуг санъаткорлар яратган бойлиқни етарли талқин қилолмадилар. Ўтмиш адабиёти намуналарини ислом динини тамоман инкор қилиб, уни четга суриб қўйиб ўрганиш мумкин эмас. Ҳақиқий илмий талқин ислом динини маданият, фан, мафкура биринчи сифатида ўрганилгандагина ўз самарасини беради. Сталинизм даврида, турғунлик йиллари таркибда диний қарашлар мавжуд бўлган санъат, адабиёт асарларини ўрганиш, талқин қилиш мумкин бўлмади. Ўшш пайтларда мактаб ўқувчилари, талабалар мумтоз адабиётни, унинг намояндалари ижодини ўргандилар. Лекин ўтмиш адабиёти, классиклар ижоди ниҳоятда жўн, бир ёқлама талқин қилинар эди. Биз, масалан, Навоийни ҳаминша буюк, даҳо, тенгсиз санъаткор деб келганмиз. Лекин ўша буюклик, даҳолик таҳлиллар орқали ёритиб берилмаган эди. Сўнгги ўн йиллар атрофида ўтмиш адабиётимизнинг намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида муқаммал илмий асарлар яратила бошланди, ҳақиқий талқинлар пайдо бўляпти.

Сталинизм даври, турғунлик йилларининг маъмурий-бўйруқбўлик тартиблари йўқотилди: демократия, ошкоралик тантанаси учун имконият яратилди. Лекин сталинизм даврида шопма-шопарлик билан амалга оширилган баъзи ишлар ҳозирги кунларда ўзининг салбий оқибатини кўрсатмоқда. Инқилобгача араб ёзувини қўлаб келган халқлар аввал лотин ёзувига, ўн йил ўтгач, рус алифбосига ўтдилар. Рус алифбоси ўқини, ўқитини ишларини енгилаштирди, рус ва Европа адабиёти, тарихи, маданияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Айни вақтда... "Огонёк" журналида (1988, 45-сон, 22-24-бетлар) академик З.М.Буниётовнинг "Индамасликка ўрганмаганман" суҳбат-мақоласи эълон қилинди. Унда сталинизм, турғунлик йилларининг фан соҳасидаги зарарлари, қайта қуриш даврининг вазифалари ҳақида тўхталиб, хусусан, мана бу масалага диққат жалб қилинади: "Ҳозир, жамини тарихий концепцияларни қайта кўриб чиқиш пайти келганда, тарихчилар, жамиятшунослар қаршисида араб алифбосида битилган кўлаб ҳужжат материалларни ўқиш муаммоси пайдо бўлди. Муаммо муаммолигича қоляпти. Сабаби академия институтлари-ю олий ўқув юртидаги илмий ходимларнинг 95 фоизи эски ёзувни ўқий олмайдди. ...Ўн йил мобайнида ёзувнинг икки бор ўзгартирилиши озарбайжонлар қатори туркман, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозок, татар, бошқирд, нўғой, қалмиқ, болқар ва бошқа халқларни сунъий равишда, бўйруқ-йўли билан ўз тарихи, маданияти, адабиётини билишдан маҳрум қилди".

демократия таъкиб этилган, ошкоралик тўсиқлар билан ўралган асарлар ортда қолиб. Ҳар бир халқ ўз адабиёти, санъатини чуқур ўрганиши, талқин этиши имконига эга бўлди. Мутахассислар олдига санъат асарларини яратилган араб ёзувини ўрганиш, улуғ санъаткорлар асарларининг мукаммал текстларини нашр этиш ва уларни чуқур таҳлил, талқин қилиш вазифаси турибди.

Гиряккий этган адабиётларда йирик санъаткорларнинг деярли барча муҳим асарлари мукаммал талқин қилинган. Умрини Пушкин, Шоденир, Достоевский, Л.Толстой, Р.Тагор сингари санъаткорлар асарларини талқин қилишга сарфлаган фидойи олимлар бор. Битта шайх, шайхона, касса ёхуд роман ҳақида илмий-пазарий тадқиқот яратилган. Мисол тариқасида Ю.Боревнинг 1981 йилда чоп этилган “Баҳолаш ва талқин сифати”, “Мис чавандоз”ни ўқиш тажрибасидан” асарини санаётини мумкин. Тўғри, бизда А.Ҳайитметов, Азиз Қажумовларнинг Навоий дostonлари ҳақидаги илмий ишлари пайдо бўлди. Таҳсинга қарайдики бир неча илмий талқишлар бор. Лекин улар умумий адабий дискурснинг қаршисида ниҳоятда кам...]

Ўзбек адабиётининг нодир намуналари мукаммал талқин этилган адабиёткорлар ҳам унчалик кўп эмас. Адабий талқин объект беҳадо танқидчиликнинг амалга ошиши мумкин. Ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлга назар тинчлик, ҳақиқий санъат асарини яратган санъаткорларнинг ясарининг турли сабабларга кўра адабий жараёндан сиқиб чиқарилганлиги ҳар хил йўللар билан таъкиб этилганлигининг гувоҳи бўлаемиз. А.Кавирий, Чулпон, Фитрат, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари ёзувчиларнинг асарлари узок вақт ўрганилмади. Бу ёзувчиларнинг асарлари асарлар сошиологизм томонидан ясалган андозага тўғри келмас, қолипга тушиб қолди. Ёт синф намояндаси сифатида қораланган ўзбек ёзувчиларининг асарларида мураккаб шакл, мифологик услуб кам учрайди. Шунга қирмай улар асарларида синфий кураш, оддий халқ вакилининг отақчи куч сифатидаги фаолияти курсатилмаганлиги катта хато ҳисоб қилинади. Вульгар сошиологизм бадий асарда антогонистик синфлар курашига асосланган жамиятнинг ихчам шаклини кўришга интилади. Унинг қўлидаги андоза, қолип мана шу “микрoжамият”ни ўлчашга мўтадилланган эди. Ойбекдай зукко олим, санъат асарининг узига ҳақиқатларини тeран ағлайдиган ижодкор “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли асарида “Утган кунлар”, “Меҳробдан чаён”ни замон зайли нуқтан назаридан талқин қилишга мажбур бўлади. Мана, “Меҳробдан чаён” романи ҳақидаги Ойбекнинг баъзи мулоҳазалари: “Аммо Анвар жонли, речли, ҳаётий шароитда “жонли, мазмунли ҳаёт билан яшамайди” (153-бет), “Ҳазар қилган” ишни қабул этиб, Анвар зулм аҳллари ва гуҳматчилар билан бўладиган кураш йўлини бекитади” (156-бет), “Абдулҳи руҳонийлар гуруҳининг вакили бўлган Абдурахмон домла обривини қора буюқлар билан чизса-да, диннинг эксплуататор моҳияти бу билан чуқур очилмаган. Хонлик-феодал тузилиши системасида диннинг

реакцион роли, камбағал халқ оммасини эзиш учун ҳоким синфлар қўлида қуроллиги анча ёпиқ қолади”.<sup>1</sup> Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги рисоласини ўзга ракурсадан туриб ўқисангиз, “Қутлуғ қон”, “Навой” романининг муаллифи “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”даги бадий маҳоратни, санъаткорликни нақадар тирак англаганигини сезасиз.

Бульгар социологизм тугган хатарли йўл ўзининг фожиали ечимига келди - ўнлаб ҳақиқий санъаткорлар халқ душмани сифатида қамалди, сталинизм сиёсатининг қурбони бўлди. “Душманлар”ку йўқ қилинди, санъат асарлари энди ҳаққоний талқин қилиндими? “Сароб”, “Қутлуғ қон”, “Навой”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Қўшчинор” сингари асарларнинг аяғчи қисмати А.Қодирий романлари бошига тушган қора кунлардан кам эмас. Бу ҳақда Раҳмон Қўчқоровнинг “Уч сароб” (“Ёшлик” журналі, 1986, 6-сон), “Тарих ҳақиқати” (“Ёшлик” журналі, 1987, 6-сон), П.Қодиоров ва У.Норматовларнинг “Ҳақиқат ва сароб” (“Ёшлик” журналі, 1987, 10-сон), Муҳаммад Маматвалиевнинг “Жалолиддин ҳақиқат излайди” (“Шарқ юлдузи” журналі, 1988, 10-сон), мақолаларида, Н.Каримовнинг “Ойбек”, О.Шарафиддиновнинг “Абдулла Қаҳҳор” китобларида ишонарли маълумот берилган.

Бди } Бадий асарга сиёсий жиҳатдан ёндашиб ғоявий баҳо бериш, маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан қараб ижтимоий баҳолаш, ниҳоят, умуминсоний тушунчалар асосида муносабатда бўлиб эстетик баҳолаш мумкин. 1940 йиллардан бошлаб бадий асарга киёсий нуқтаи назардан баҳо бериш авж олди. Бадий-эстетик жиҳатдан бўш, лекин ғоявий жиҳатдан тўғри асарлар кўпайди. Ҳаётни ич-ичидан ёритиш, ҳақиқий реализмга риоя қилиш иллюстрация, “партия йуриғини изчил амалга оширини” билан алмаштирилди. Бадий асарларда долзарб масалаларни кўтариш, совет кишиларидаги ватанпарварлик туйғусини кўз-кўз қилиш кучайди. Уйғуннинг табиат ҳақидаги ажойиб асарлари бўла туриб “Нашир отанинг ғазаб”, “Бригадир Карим” қайта-қайта нашр этилди, дарсликлардан муҳим ўрин олди. Абдулла Қодирийнинг “Асрор бобо” ҳикояси ёмон асар эмас. Лекин ёзувчи ижодида дарсликлардан ўрин олганга қўшиқ бўлган бошқа, бадий-эстетик қиммати баландроқ асарлар топилди.

Санъат асарларининг сиёсий-ғоявий жиҳатдан баҳолашиб ёмон отиқ қилинашлиги мисолини “Ҳаёт ва тақдир” романи, “Тобутдан товуш” драмаси мисолида кўриш мумкин. “Литературная Россия” газетасида (1988, 11 ноябрь) Давид Фельдманнинг “Ҳибсага олинганча ва ҳибсага олинганча. Василий Гроссман қўлёзмасининг тақдири” мақоласи босилди. Унда “Ҳаёт ва тақдир” романи “Знамя” журналі редколлегияси аъзолари томонидан Г.Марков, С.Сартаков ва С.Щчиачев ишгирикада муҳокама қилиниб, сиёсий зарарли асар деб топилганлиги айтилади. В.Гроссман романини ҳаққоний баҳолашларини сўраб, марказий комитет секретари М.А.Сусловга муурожаат қилади. М.Суслов ёзувчи билан бақамти суҳбатда гапнинг дағалини айтади қўяди: “Асарингизни

<sup>1</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. XIV том. ЎЗР “Фан” нашриёти. Тошкент, 1979, 161-бет.

ўқиташлар борки, унинг биз учун сиёсий зарарли экашлигини айтдилар. Уни Федин, Леонов, Эренбург ва бошқаларга ўқитишдан маъни йўқ. Тақризчилар, эҳтимол, китобнинг бадий баҳосида янглишгандирлар, ammo унинг сиёсий қимматини белгилашда ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Мазкур сиёсий баҳо тўғрилигига менда шак-шубҳа йўқ. Китобингизни чоп этиш мумкин эмас, босилмайди ҳам”.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобугдан товуш” асари ҳам сиёсий-ғоявий айбловнинг қурбони бўлаёзди. Асар қийинчилик билан сахна юзини кўрди. Лекин 1962 йил 11 август куни “Ўзбекистон овози” газетасида Фафур Фулом, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Фуломнинг “Тобугдан товуш” ҳақида мақоласи босилди. “... мақолада Абдулла Қаҳҳорга жуда жиддий ғоявий айблар қўйилган. Лекин бу айбларни далиллашга келганда мақола муаллифлари адабиётимизни тўғри йўлдан чағғитадиган, уни ҳаётни буяб-бежаб кўрсатишга чақирадиган конфликтсизлик назариясини қайтадан тирилтиришга қаратилган назарий позицияда туришади. Улар “воқелигимиздаги ижобий нарсаларни тўғри ва юксак савияда акс эттириш, шулар мисолида кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш биринчи планда ва диққат марказида турмоғи лозим”, деб ҳисоблайдилар”.

Тургунлик йилларида ўзбек адабиётининг ютуғи булган “Олтин зангламас”, “Жаннат қидирганлар”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Жаннатга йўл”, “Оғир тош кўчса...”, “Рухлар исёни”, “Тавлашадиган вақтлар”, “Истамбул фожиаси”, “Авлюдлар довои” сингари асарлар гоҳ сиёсий-ғоявий ёндашувлар, гоҳ ҳар хил бўхтон, носамимий қарашлар туфайли турли чигириклардан ўтказилди. О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари асосан тасдиқловчи талқинларнинг яратилишига сабаб бўлди. И.Султон, М.Воҳобовларнинг “Юлдузли тунлар” ҳақидаги қарашлари деярли барча ажойиб талқинларда асосли инкор этилди. Мазкур романлар ҳақидаги тасдиқ-талқинлар ҳаётимиздаги, хусусан, адабиётимиздаги демократик қарашлар кенг илдиз отганлигини тасдиқлади. Ҳақиқий демократиянинг кўриниши - плюрализм ҳам ҳаётда, ҳам адабий-танқидий фаолиятда кўриниши зарур. Бизда икки кутбадаги: ё тамоман инкор қилувчи, ё бугунлай тасдиқловчи мақола-талқинлар, таҳлиллар пайдо бўлмоқда. Ҳаётга турли нуқтаи назарлардан қараш мумкин бўлганидай, бадий асарни ҳам турли ракурслардан туриб талқин қилиш мумкин.

Ўзбек адабиётида О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, О.Матжон, Р.Парфи, Т.Мурод сингари ижодкорлар сафи қанча кенгайса, китобхонни фикрлашга, умумжаҳоний муаммолар устида мулоҳаза юритишга ундовчи асарлар кўпаяди: танқидчиликда теран, миқёсли талқинлар учун имкониятлар яратилади.

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор. “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1988, 230-бет.



Шундай адабий талқинлар борки, улар китобхонни аср муаммолари, инсониятни ҳаяжонга солаётган жумбоқлар ҳақида уйлашга ундайди. Талқинлар борки, бадиий асар тўқимасига кириб боради, ижодкор маҳоратининг ута нозик томонларини ёригади. Бу ҳол шеъринг асарлар талқинида кўзга яққол ташланади. Кўпчилик китобхонлар халқ кўшиқларини яхши биладилар. Лекин жуда оз одам фольклор асарларидаги символ-рамзий образлар маъносини англайди. Фольклоршунос Шомирза Турдимов “Бирнинг минг жилваси”, “Ранго-ранг дунё” (“Ёшлик” журналі, 1987, 5- ва 8-сонлар) сингари бир қанча мақолаларини эълон қилди. Муаллиф халқ кўшиқларидаги ҳар бир предмет, ҳодиса, ранг рамз сифатида қўлланилиб, ўз маъносига эга эканлигини ишонарли кўрсатади. Мана, битта тўрғлик ва унинг талқини:

Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай,  
Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай.  
Аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай  
Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қўрғай.

Кўшиқларда “бозор” - севги муносабатларини реаллаштирувчи рамз. “Рўмол” (қўлрўмол) - оила рамзи.

Кўшиқ талқини: “Лирик қаҳрамон (маъшуқа) ошиққа, мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўз қилмай совчиларни жўнатаверинг (“Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай”, “аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай”). Умидим умидингиз. Фарзандларингиз кўп бўлсин (“Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай”). Шунчаки кунгил хуши деб келаётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз (“Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қўрғай”). Келтирилган тўрғликда олма илкин (рудимент) маънога - фарзанд маъносига эга”<sup>1</sup>.

Ш.Турдимовнинг “Бирнинг минг жилваси” - туркум мақолаларнинг сарлавҳаси. Ёшлар адабий талқинларга жиддий киришмоқдалар. Мунаққид Яшар Қосимов “Шеърлар ва талқинлар” туркумида бир қанча мақолаларини эълон қилди. Шулардан бири - “Тилла балиқча” нинг толеи (“Шарқ юлдузи” журналі, 1986, 12-сон). Мунаққид шеър текстини (сўзларнинг ўрни; қайси ўринда қўлланиши; қайси сўз қайсинисига зид қўйилган; сўзлардан яратилган картина, ҳолат; шеърдаги образлар - лойқа ҳовуз, тилла балиқча, балиқчани ҳовузга ташлаган кимса) синчиклаб ўрғанади. Митти шеърнинг бир олам мазмунини англаб етгач, мунаққид ўз қарашларини ўзга талқинчилар тушунчалари билан қиёслайди. Михаил Сафаров, Матёқуб Қўшжоновларнинг шеър талқинидаги сакталикларни Я.Қосимов бехато кўради. Ўз қарашини, тушунчасини М.Қўшжонов тушунчасига қиёсан ифодалайди: “Тилла” ва “лойқа” эпитетларига шеърда кучли поэтик-мантикий ўрғу берилганлиги бежиз эмас. Улар марказий - бошқарувчи сўз даражасига кўтарилган бўлиб, шоирнинг эътироз ва ғазабини керакли ишопга -

<sup>1</sup> “Ёшлик” журналі, 1987, 5-сон, 70-бет.

“лойқа ҳовуз” мухитига йўналтирган, шеъринг конфликтнинг икки қарама-қарши кутбини - “тилла балиқча” ва “лойқа ҳовузча” антиподларини шакллантирган. Аслида шеърдаги қолган барча чизги ва образлар ҳам - “ташландиқ ушук”, “хору хас, хазонлар”, “мудроқ тоғлар”, уларнинг “аччиқ хазони” ўз рамзий маънолари билан “лойқа ҳовузча”ни фош этишга, тилла балиқчанинг фожиасини кўрсатишга хизмат қилади” (183-бет). Я.Қосимов қанчалик синчиқлаб талқин қилгани сўйин балиқ ва ҳовуз образи катта маъно касб этиб, аниқ тасаввурни вужудга келтиради. Ёш мунаққид - шоир Чори Авазов А.Ориповнинг “Юзма-юз” шеърини талқин қилади. Лекин у, Я.Қосимов сингари, шеър руҳига, матн “ичига” шўнғиб кетмайди, асардаги таянч сўзлар - маънони ташувчи асосий кучларга эътиборни қаратмайди. Ч.Авазов шеърни парча-парчаларга бўлади-да, уларни шоирона шарҳлайди. Шарҳларда мунаққиднинг нозик диди, бадиий ижод сирларини теран ҳис этиши сезилади. Лекин Ч.Авазов “Юзма-юз”нинг туб моҳиятига етиб бормайди, А.Орипов руҳида ҳоким бўлган туйғунинг ҳолати, ҳаракатини охиригача зийраклик билан кузата олмайди. Хуршид Даврон шеърларини таҳлил қилган танқидчи М.Қаршибоев (“Поэтик фикр мезони”. “Ёшлик” журнали, 1987, 7-сон) яхшигина сўзшунос эканлигини исботлайди. Жонли, рангли сўзлардан яратилган шеърларни юзаки эмас, ич-ичидан англаши кишини қувонтиради. “Хуршид Даврон сўзларни сайратиб ёзадиган шоир эмас. У сўзларни ўйлатиб ёзади, - дейди М.Қаршибоев. Шоир шеърларида ташқи фикр излаш унинг шеърларига жуда жун муносабатдан бошқа нарса эмас. Аввало шеърдаги ички ҳаяжонни англаш керак, ундаги лирик кайфиятни юракка кўчириш керак” (76-бет). Танқидчилик майдонига кириб келаётган М.Қаршибоев, М.Номозов, З.Эпонова, М.Маматвалиев сингарилардаги фазилат шундаки, улар қайси шоир, ёзувчи асарини таҳлил қилишга киришмасишлар, аввало, ўша ижодкор руҳига чуқур сингишга, маълум фурсат унинг таъсирида бўлишга интиладилар. Санъаткор - шоир, ёзувчи таъсирига ихтиёрий берилиш ҳали уни асосли, чин тушунишмас, жўшқин, ҳароратли қизиқиш, холос. Туйғулар тўлқинининг ақл-идрок синовидан ўтган тушунчага айланиши шоир (ёзувчи) ижодини ўрганиш томон ташланган собит қадамдир.

324/ Ёзувчи асарини чуқур ўрганишда - етти улчаб бир кесишнинг ахлоқий-тарбиявий аҳамияти кучли. Устоз танқидчи О.Шарафидинов Сафо Очилнинг “Шеър масъулияти ва фикр равонлиги” мақоласига жавобан ёзилган “Бир тилда гаплашайлик” баҳс-мақоласида (ҳар иккала мақола “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1987 йил, 9 январь сонисида босилган - А.Р.): “...танқидчи асар ҳақида фикр юрита бошлашдан аввал шу асарнинг муаллифи даражасига кўтарилиши, ҳаётга унинг кўзи билан назар солиб, унинг қалби билан асарини ҳис этиб курмоғи лозим”, деб таъкидлайди. /

Адабий талқин қандай бошланиши ҳусусида танқидчи Лев Аннинский қизиқ фикрни айтди. Унингча, бадиий асар - сайд, танқид-

чи - сайёд: жон ҳолатда қочиб бораётган ов тутқич бермасликка, чалғитишга интилади, овчи бўлса, ҳар хил фирибларни, чарчокни енгиб, таъқибни давом эттиради. Мунаққид асар матнини жонли сўзлар олами, оҳанги, ранглар хилма-хиллиги, руҳий ҳаракат мароми сифатида англайди. Унинг мақсади руҳий ҳаракат манбаи - "жони"ни топиш. "Жон" - ёзувчини асар ёзишга ундаган концепция. Мана шу таянч асосни топиш, деб уқтиради Л.Аннинский, менинг бурчим, ҳамिशалиқ таҳликам, нон-насибам. Топсам, голибман, топмасам - мағлуб"<sup>1</sup>. Ёзувчини асар ёзишга ундаган мақсадни англаш - асарни чуқур таҳлил қилиш, бадиийлик сирларини намоён этиш ҳали талқин эмас. Шундай адабий-танқидий мақолалар борки, уларда ҳозирги шеърлар, проза асарлари билимдонлик, юксак нафосат, дид билан таҳлил қилинади. Ижодкор ҳам, бадиий адабиёт мухлиси ҳам, бундай мақолалардан кўп нарсани ўрганади. Масалан, Ботирхон Акрамов 60-йиллардан бери шеърят масалалари билан шуғулланади, ўнлаб мақолалар, "Шеърят гавҳари" (1979), "Оламнинг бутунлиги" (1988) китобларининг муаллифи. Бу мунаққиднинг билағонлиги, сўз сеҳрини ҳис қилиши, лирик асарларни асосли таҳлил қилиши таҳсинга сазовор. Лекин шеърят танқидчилигида 80-йилларда ярқ этиб кўзга ташланган Иброҳим Ҳаққулов мақолалари кишини кўпроқ ром этади. Хўш, бунинг сирини нимада? Нега у теда О.Шарафиддинов, И.Ғафуровлар қаторидан жой олди? Ган шундаки, ҳамма талқинчилар сингари Иброҳим Ҳаққулов бадиий асарнинг "жони"ни топгач, ёзувчи концепциясини англаб етгач, "жон"га ўз "жон"ини пайванд этади, мустақил концепциясини давом эттиради. Унинг "Бадиий сўз шукуҳи" (1987) тўпламинин, "Сўз дарди - сўзларни енгмоқ" ("Ёшлик" журнали, 1987, 12-сон), "Навоий азиз билган..." ("Ёшлик" журнали, 1988, 4-сон) сингари мақолаларини ўқисангиз, ижоди ўрганилаётган шоир (ёзувчи) ҳақидагинамас, талқин қилинаётган асар тўғрисидагинамас, талқинчининг ўз дунёси, мақсадлари, замон ва замондошларга муносабати билан яқиндан танишасиз. Иброҳим Ҳаққулов қалбида аланга бўлиб, у танқидчини беҳаловатликка, тиниб-тинчимасликка, ашлакандай зарур бир гапни айтишга ундайди. Талқинчи ўз руҳига яқин ижодкорлар асарларини талқин қилишга интилади. Абдулла Орипов, Жамол Камол, Рауф Парфи, Усмон Азимов сингари шоирлар асарларини, ижодини талқин қилган Иброҳим Ҳаққуловни англаш, тушуниш мумкин. Сал кам минг йил аввал яшаб ўтган Аҳмад Яссавий асарлари, ижоди танқидчини нега жалб қилди? Иброҳим Ҳаққулов аслида ўзбек мумтоз адабиёти мутахассиси, ўтмиш шоирлари ҳақида кўплаб мақола, портретлар ёзган. "Навоий азиз билган..." мақоласида мумтоз адабиёт, хусусан, Аҳмад Яссавий асарларидаги анъанавий, "туфроғ" образини кенг миқёсда ёритади. Аҳмад Яссавий ўз даври кишиси, ҳоким мафкура намояндаси эканлиги кўрсатилади, унинг кўплаб шеърлари таҳлил қилинади. Муҳими

<sup>1</sup> Л.Аннинский. Парадокс о критике. "Литературная газета", 1984, 4 январь.

шундаки, И.Ҳаққулов Аҳмад Яссавий асарлари таркибидаги кураш-чапликни, нодошликнинг турфа хил кўринишларининг фош қилинишини алоҳида таъкидлайди. Аҳмад Яссавий шеърларида “фано”, “фано бўлиш” кўп ишлатилади. Талқинчи “фано” сўзи маъносини атрофлича, чуқур талқин қилади. Мақола якунида талқинчи ёзади: “Яссавий ҳикматларидаги кўшгина поэтик образларнинг маъно таркиблари теран ва мураккаб. Шунинг учун уларни талқин этиш ҳам жўн эмас” (72-бет). Яссавий асарларининггина эмас, барча асарларни ҳақиқий талқин қилиш осонмас. Иброҳим Ҳаққулов Жамол Камолнинг “Файласуф билан суҳбат” шеърини талқин қилар экан, одамзонини иккига бўлиниши - “Биров ғолиб эса ўзи-ўзига, Биров шўрлик мудом ўз-ўзига кул” эканлигига диққатни жалб этади. “Ўзи-ўзига ғолиблар” - талқинчи идеали. Бундай одамларни у Р.Парфи, А.Оришов шеърлари талқинида қанча улугласа, “ўз-ўзига кул” шўрлик - типларни (161-бет) ҳамма мақолаларида, барча талқинларида аёвсиз фош этади. Мўминлик - ўз-ўзига кулликнинг бош белгиси.

Қизик, ҳақиқий талқин ёзувчини лол қолдириши, асаридаги янги маъно қатламни кашф этиши мумкин. Бадий асар баҳоланар экан, ёзувчи ва асар бир томон, баҳоловчи - танқидчи иккинчи томон бўлади. Талқин асосли, илмий бўлса, ёзувчи танқидчи томонга ўтади, асари ҳақидаги қарашларни берилиб тинглайди. “Танқидни фақат баҳолаш деб англаш маъносизлиқдир. Уни баҳоли қудрат талқин деб англамса, қатта маъно чиқади”<sup>1</sup>, - деб ёзган эди Л.Н.Толстой.

Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳамедов, Олим Отахоновларнинг танқидий мақолаларида талқин яна ҳам жозибалироқдир. Аҳмад Аъзам “Масъул сўз” (1987) тўпламида А.Қаҳҳор ҳикояларини, Мурад Муҳаммад Дўст қиссасини, Х.Даврон, Р.Парфи шеърларини талқин қилади. Хуршид Дўстмуҳамедов, Олим Отахоновлар бадий адабиёт оламидаги ҳақиқий, теран асарларни талқин қилишни ёҳуд ўша улкан адабиёт таъсирида жўн асарларни беаёв танқид қилишни ёқтирадилар. Х.Дўстмуҳамедовнинг “Ҳаётнинг вазмин живалари” (“Ёшлик” журнали, 1988, 4-сон) қатта мақоласида Темур Пўлатов асарларини талқин этади. Олим Отахонов “Адабиёт ва санъат” (1987) тўпламида босилган “Борса келмасдаги хазина” мақоласида ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида кучли мунозараларга сабаб бўладиган, ҳар хил фикр кўзғайдиган ўлмас асарлар яратилишини орзу қилади. У жаҳон ҳикоячилигининг айрим намуналарни мисолида талқин учун қанчалик кўи имкониятлар яратилиши мумкинлигини кўрсатади. Ниҳоят, О.Отахонов А.Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясини ҳаёлга келмаган ракурстан таҳлил қилади: ҳикоядаги “асосий ўғри... Қобилбобо. У ўз юрагидаги шижоатни, кураш туйғусини, зулмга исён аҳдини ўғирлаган шахс. У узоқ йиллар давомида мутасил шу иш билан шуғулланиб келган. Шунга кўниккан ва шундан бошқача яшашга ожиз. Нега бўлмасам, ҳикоянинг бирон ерида у поро-

<sup>1</sup> Л.Н.Толстой. Тўла асарлар тўплами. 48-том, Москва, 1952, 120-бет.

нинг билдирмайди?"<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор Қобилбобони, О.Отахонов талқинидагидай, ўғри деб уйлаб кўрганмикан? Абдулла Қаҳҳор 30-йилларда Ўз хикояларида, бошқа ўзбек ёзувчилари каторида кўпроқ ижтимоийлиги - ўтмишни фожя этувчи, янги тузумни гасдиқловчи сифатида иш кўрган. Муге, кашшок, хўрланган Қобилбобо, Туробжон, Сотиболди, қадокчи Ҳамроқул сингари кишилар образи орқали у давр, замон устидан худоса чиқарган. Абдулла Қаҳҳор ўта нозик санъаткор, руҳинг мусаввири эди. 60-йилларга келиб "Даҳшат", "Ўтмишдан эртаклар" асарларини яратди. Ўша, 30-йилларда ўтмиш ҳақида ёзилган хикояларда тасвирланган давр, ўша муге, кашшок, худодан кўркиб янаган кишилар. Нима ўзгарди? Қаҳрамонларнинг эркисиз замонга қарши исёни, эрка интиқлини кучайди. Унсиной, Нодирамоҳбегим, Савринисо, уста Абдуқаҳҳор... Буларда, Олим Отахонов Қобилбобода учратмагани - шижоат, кураш туйғуси, зулмга исён аҳди зўр. Адабий талқиндаги асосий дастур тарихийликдир. Шу тамойил унутилса, талқин табиатида сохталик, сунъийлик пайдо бўлади. Олим Отахонов "Ўғри"нинг қутилмаган талқини билан барчани ҳанг-манг қилиб қўйди. Муҳими шундаки, бу янги талқин замишида ёзувчига нисбатан аллақандай таъна сезилади. Абдулла Қаҳҳор Қобилбобо, Туробжонлар атрофида уста Кулол, Абдуқаҳҳор сингари қилни қирқ ёрадиган эркисизлик фожиясини чуқур англайдиган кишилар борлигини, Унсиной, Савринисо юрагида қат-қат армон тўлиб ётганини ҳис қиларди. Лекин 30-йиллар муҳитида Қобилбобо, Сотиболдилар образини яратиш, "осмон йирок, ер қаттиқ", "отнинг ўлими итнинг ўлими" эканлигини кўрсатиш маъқуллигини сезарди.

124 / Адабий талқин бадий асарнинг қандай тарихий шароитда, адабий жараёнда яратилганлигини аниқ кўрсатмоғи, ёзувчининг ўз даврининг кишиси эканлигини зинҳор, четлаб ўтмаслиги лозим. Айни вақтда талқинчи бадий асарни ўз даврининг кишиси, янгича эстетик талаблар намоёндаси сифатида талқин қилади. Олим Отахоновнинг "Ўғри" хикояси талқинида қайта қуриш даврининг ошқоралик хусусияти, демократик муносабатларни тўлиқ амалга ошириш белгиси акс этган. "Ўғри"нинг талқинчиси ҳозирги замон кишиси - мутелик, итоаткорликнинг душмани, индамаслик, аламу ҳақоратларни "қул" этиб ютиб кетувчиларнинг рақиб.

124 / Қўринадики, адабий асарни идрок этиш оддий жараён эмас. Ёзувчи - бадий бойлик яратувчи, китобхон - ўша бойликни истеъмол қилувчи. Лекин ёзувчи - яратувчи билан китобхон - истеъмолчи орасида яна бир куч бор. Бу - адабий талқинчи, идрок этувчи куч. Бу куч ҳам бойлик яратади. Идрок этувчи яратган бойлик ёзувчи яратган бойлик асосида пайдо бўлади. Бошқача айтганда, талқинчи ёзувчи бolidан ҳолва пиширади. Ҳозирги адабиётшунослиқда идрок этувчи эстетика

<sup>1</sup> Адабиёт ва санъат. Мақолалар тўплами. Фафур Булом номидagi нашриёт, Тошкент, 1987, 316-бет.

(рецептив эстетика) пайдо бўляпти. Рецептив эстетика бадий асарнинг ўзиштирилиши, идрок этилиши, адабий талқин сифатида қайта юзага келиши жараёниши ўрганади. Идрок этувчи эстетика (рецептив эстетик) ҳақида турли илмий тадқиқотлар яратилмоқда.

Идрок этиш эстетикаси герменевтика назариясига уланади. Герменевтика - кенгайтирилган фалсафий тизимнинг таркибий қисми бўлиб, талқин назарияси, маънони англаш ҳақидаги таълимотдир. Бу таълимотнинг Фарб ва Шарқ фалсафасида узоқ тарихи бор. Ю.Боревнинг "Баҳолаш ва талқин санъати" китобида, В.Хализевнинг "Талқин ва адабий талқин" мақоласида, Е.Гуренконинг "Бадий талқин муаммолари" китобида герменевтика тарихи, назариясига оид фикрлар ифодаланган. Герменевтика таълимотининг машҳур мактаблари, намояндалари-назариячилари булган. Талқин таълимоти узоқ давр мобайнида диний асарлар, Инжил, Куръон матни-шарҳи билан шуғулланган. Муқаддас китоблар талқинида бир қоида булган: талқинчи ҳеч қачон эркин фикрлашга, танқидий мулоҳаза юритишга журъат этмаган. Муслмон дунёси адабиётида талқиннинг уз назария, таълимотлари булган. Густав Эдмунд фон Грюнебаумнинг "Араб-муслмон маданиятининг асосий хусусиятлари" (Москва, "Наука", Главная редакция восточной литературы", 1981) китобидаги "Муслмон маданияти манбалари", "Муслмон дунёқараши ва муслмон фаи", "Ислом руҳининг муслмон адабиётида акс этиши" сингари мақолаларда Шарқ, муслмон халқлари адабиётларидаги талқиннинг ўзига хосликлари ҳақида фикр юритилади. Ўзбек адабиётшунослигида талқин назарияси ҳақида тадқиқотлар яратилмаган. Ўзбек санъатида бадий асар талқини масаласида киношунос, театршуносларнинг баъзи ишлари бор, ҳоло. Герменевтика ҳақида асарлар яратиш адабиётшунос ва тапқидчилар олдидаги вазифа бўлиб қолмоқда.

## ЭСТЕТИК ТАҲЛИЛ САРИ ТАШЛАНГАН ИЛК ОДИМЛАР

Ҳақиқий бадий асар ўқиб бўлинди: китобхон қалбида бир олам эзу туйғулар жонланади, онгида турли хил фикрлар пайдо бўлади. У узоқ вақт мана шу таассуротлар руҳида яшайди. Китобхон борки, асардан олган гуйғу-фикрларини маълум йўналишга бура олади - маънавий камолот йўлига кириб боради. Бадий асар туфайли пайдо булган янгича ҳолатларни "бошқара олмай" қоладиган укувчилар ҳам топилади. Санъат асари китобхонни гурурларга тўлдирса, эзу ишларга ундаса, ожиз ёхуд ўртамеёна асар унинг қалбида ғашлик пайдо қилади, асарни ўқишга сарфлаган вақтига ачиниш ҳиссини оширади. Мана шундай пайтларда китобхон чин маслаҳатчи, йўл кўрсатувчи ёрдамига мухтож бўлади. Мунаққид - китобхоннинг дўсти, маслаҳатчиси: пайтида ёзилган, асарни маромига етказиб таҳлил қилиб берган мақола китобхонга улкан наф келтиради.

Танқид пайдо бўлибдики, бадий асар таҳлили масаласи ҳаминша бахсли, тортишувлидир. Мунаққид бадий асар баҳонасида даврининг етакчи ғояларини акс эттириши, адабий жараёну ёзувчи ҳақида маълумот бериши етарлими? Мунаққид мақоласи юзлаб ҳар хил мақо-

лашардан, ахборотдан нимаси билан фарқ қилади? Бадий асар - сўзларга "жон" ато этиви олам. Жонли сўзлар орқали ифодаланган ғоялар, туйғулар китобхонга юқади, ўтади. Китобхонни яхши манюда бесаранжом қилиб қўйган манба - бадий асарнинг "жони". Танқидчининг истеъдоди, маҳорати асарнинг ғоясини, унда кўтарилган масалаларни сўзлар қатига, сатрлар орасига, боблару бўлимлар замирига яширинган, китобхон қалбига сеҳрли йўл билан ўтиб олган "жон" орқали ифодаланшидир. Машхур мунаққидларнинг бир, икки аср муқаддам ёзилган мақолаларини ўқисак, ғоялар гоҳо эскириб қолганигини англаймиз, лекин улардаги (бадий асардан ўтган) "жон" ҳануз ҳаракатда эканлигидан завқланамиз. Адабий-бадий танқид деганда даврнинг жиддий муаммолари жонли, таъсирли - тирик сўзлар орқали акс этишини тушунамиз. Ғоявий-эстетик таҳлил ҳамини танқидчиликнинг таянч асоси бўлиб келган. Афсуски, 30-50-йилларда адабий танқид ўзининг асосий вазифасидан бир мунча йироқланди. Танқидчиликдаги вулгар социологизм ғоявий-эстетик таҳлилга нутур стказди. Бадий асар таҳлили ўрнига тор, ноҳолис қарашлар, субъективизм хусусиятлари етакчилик қила бошлади. Ҳақиқий санъаткорлар вулгар социологизмнинг қурбони бўлдилар, шох асарларни инкор этиш кучайди. Шахса сиғиниш йилларида "конфликтсизлик назарияси", идеал қаҳрамон сингари ўйлаб чиқарилган сунъий қарашлар пайдо бўлди. Бу йилларда адабий танқид ўзининг асосий хусусияти - асардаги "тирик сўз" таъсирини акс эттиришни унутмаёзди. Ғоявий-тематик таҳлил танқидий асарларни туссиз, жонсиз қилиб қўйди.

1959 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ўзбек ёзувчиларининг, танқидчиларининг асарлари жиддий муҳокама қилинди. Танқидчи А.Г.Дементьев ўзбек танқидчилиги ҳақида куйидагиларни айтди: "Ўрток И.О.Султонов ўз мақоласида айтадики, биз - танқидчилар, бадий маҳорат таҳлилида ҳамон заифликка йўл қўймоқдамиз. Бу тўғри. Биз кўпинча санъатга ғоявий томондан ёндашамиз, бадий томонга, эстетик томонга кам эътибор берамиз, адабий асарни санъат ҳодисаси тарзида олиб текширмаймиз".<sup>1</sup> Ўзбек танқидчилигида ғоявий-эстетик томон юз буриш 50-йилларнинг ўрталарида юз берди. Матёқуб Қўшжонов "Бир танқидий-биографик очерк ҳақида" номли тақризидagi Н.Владимированинг "Зафар Дир ҳаёти ва ижоди ҳақида" китобидаги ғоявий-тематик таҳлил йўсинини кескин танқид қилади: "Ҳозирги кунда жамоатчилик шоир ва ёзувчиларимиз ижодининг ўзига хос томонини, асарларнинг бадийлик даражасини очиб берувчи, уларни бадий жихатдан чинакам таҳлил қилувчи илмий асарларга муҳтож, улар санъаткорларимизнинг характерлар яратинидаги, сюжет ҳамда композиция қуришдаги принципларини, асарларда олинган конфликтларни ечиш йўлларини, ниҳоят бу йўлда қўллаган бадий ифода воситаларини, асарларнинг бадий тил воситаларини кўрсатиб берувчи тўлақонли танқидий-биографик очерклар яратишни

<sup>1</sup> Маҳорат мактаби. Тўшлам. Тошкент, 1961. 610-611 - бети

кутмоқда”.<sup>1</sup> М.Кўшжонов танқидчиликда ғоявий-эстетик таҳлилнинг эътиборини оширишга алоҳида эътибор берди. Унинг аксарият мақола, тақризлари ғоявий-эстетик таҳлил намунаси бўлди. Мунаққид “Эстетик дидни ўстириш тўғрисида баъзи мулоҳазалар” (“Ўзбекистон овози”, 2 октябрь, 1958), “Эстетик дидни ўстиришга эътибор бериш лозим” (“Шарқ юлдузи”, 1958 йил, 9-сон) сингари мақолалар ёзди. Адабиётшунос А.Кулжонов “Матёқуб Кўшжонов” танқидий очеркида мунаққиднинг 50-йилларнинг охириларида ёзган қатор тақриз, мақолалари ғоявий-эстетик таҳлили билан танқидчилигимизда янгилик бўлгани ҳақида ёзади.

Ғоявий-эстетик ёхуд системали таҳлил “Синчалак” қиссаси ҳақидаги тақриزلарда аниқ сезилди. Озод Шарафиддиновнинг “Келажакка чорловчи қисса” тақризи уч қисмдан иборат. Биринчи ва иккинчи қисмда “Синчалак”нинг замонавийлиги ҳақида фикр юритилади. Учинчи қисм қиссадаги ғоя, замонавийлик қандай акс эттирилгани ёхуд ёзувчи маҳорати таҳлилига бағишланган. Илк таассурот шундайки, О.Шарафиддинов тақризида аниқ система йўқдай туюлади. Лекин тақриз ўқиб бўлингач, қизиқ ҳолат - А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”ни ёзишдаги маҳорати тўлиқ намоён бўлганлиги англашилади. Мана ўша тақриздан парча: “Синчалак” повести ажойиб бир куйга, латиф ва мунис бир кўшиққа ўхшайди: уни ўқишга бошлагач, ундан ажралиш қийин, у фақат фикримизни бойитибгина эмас, қалбимизга лаззат ва роҳат бағишлайди. Ҳатто кўпгина ўртамиёна асарларни ўқиб, адабиётдан анча ихлоси қайтиб қолган, шунинг учун ҳар бир янги асарни ишонқирамай қўлга оладиган одамлар ҳам, “Синчалак”ни ўқигач, баъдий адабиётнинг қудратли сеҳргарлик кучига тан бермай иложи йўқ”.<sup>2</sup> Озод Шарафиддинов тақризларида қизиқ бир хусусият бор: мунаққид тақриз қилинаётган асарга алоқаси йўқ масаладан гап бошлайди. Аввалига ҳайрон бўласиз: асар тўғрисида, ёзувчи ҳақида маълумот берилмайдими, тақриз қилинаётган асарнинг ютуқлари нимадалиги айтилмайди, мунаққидни тақриз ёзишга ушданга омиллар саналмайдими?... Тақриз ўқиб бўлингач, ўзингизда пайдо бўлган норозилик саволларига танқидий нуқтаи назардан ушга яна бир бор зехн солинг. Қизиқ ҳолат - асар, ёзувчи тўғрисида, китобхон қалбини ром этадиган чин санъат намунаси хусусида, ижодкор маҳорати ҳақида бор гаплар айтилибди. О.Шарафиддинов тақризи шунчаки мулоҳазалар, илмга алоқаси сезилмайдиган бадиёдай туюлади. Бу ҳам дастлабки сохта таассурот. Мунаққид асарга ҳам социологик, ҳам тарихий-маданий, ҳам қиёсий-типологик нуқтаи назардан ёндашганлиги сезилади: тақризлаги илмийлик нихоятда чуқур яширинганлиги англашилади. Тақризни турли савиядаги китобхон ўқиши, ўзига керак бўлган маънони олиши мумкин.

<sup>1</sup> “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1956 йил, 4 апрель.

<sup>2</sup> Қаранг: Илм ва ижод оламида. Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980, 149-171- бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбек адабиёти масалалари. Мақолалар тўплами. Ўзбекистон Давлат баъдий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1959, 120-бет.





Матёқуб Қўшжоновининг “Синчалак” деб номланган тақризи, табиийки, ғоявий-эстетик йўсинда ёзилган. Бу тақризда тамоман бопқача услубга дуч келамиз. Унинг кўзга ташланадиган биринчи хусусияти - хажмининг катталиги. Рус революцион танқидчилари текодида, қолаверса, ўзбек танқидчилигида бундай рисола - тақризлар бор. М.Қўшжонови “Синчалак”ни характерлар психологизми, ҳаёт проблематикасининг акс этиши нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Шунга кўра М.Қўшжонови тақризи назарий-рисолавий характерга эга эканлигини таъкидлаш керак. М.Қўшжонови тақризида повестнинг энг қизиқарли ўринлари айтилади: китобхон мақолани зерикмасдан, завқ билан ўқийди. Лекин мазкур тақриз мазмуни наридани-бери сўзлаб бериш эмас. Ёзувчи асар ёзар экан, аниқ ғояни илгари суради. Танқидчи ҳам ўз мақоласида изчил ғоя, концепцияни илгари суради. М.Қўшжонови қисса воқеалари, қаҳрамонларини ўз ғояси нуқтаи назаридан ифодалайди. Танқидчи ички манتيқ масаласини ҳаминиша диққат марказида тутлади. Мантиқ ва изчил ғоявий асос танқидчи мақолаларига алоҳида кўтаринкилик бахш этади. Китобхон мақоладаги ички тартиб-интизомни, энг кичик деталдан ҳам катта маъно изланишини кузатади. М.Қўшжоновининг “Синчалак” тақриз-монографияси ёзилганига 35 йилдан ошди. Ундаги фикр, туйғулар бизни ҳануз ром этади. Тўғри, тақриз композицион жиҳатдан бирмунча тарқок. Унда ҳаёт проблематикаси, айниқса, гуманизм масаласи нисбатан юзакироқ ёритилган. Лекин тақризда жуда нозик кузатишлар мавжуд. Турғунлик йилларида яратилган “Гирдоб”, “Мерос”, “Нур борки, соя бор” сингари яхши асарларда бир хусусият сезилади: энг жиддий муаммолар катта раҳбарларнинг аралашуви билан осонгина ҳал қилиб кўя қолинади. “Синчалак”да ҳам шундай оғиш учун имконият бор эди: райком секретари Тоҳиржон Носиров Саидани кўллаб-қувватлаб турса, Қалаандаров дарҳол “синган” буларди. Ёзувчи атайини шу йўлни танламади. Аксинча, Саидани қийин муаммолар гирдобига солиб кўйди. М.Қўшжонови қиссадаги Носиров образи вазифасини мана бундай ифодалайди: “Носиров назарида Саида муҳим бир фандан имтиҳон топширган кишини эслатади. Унинг дард-войига кулоқ солиш Носиров назарида унга ҳалакят бериш, уни тўғри йўздан адаштиришдек бир гап эди. Бу имтиҳондан Саида қанча мустақил ўтса, Носиров назарида у шунча куч йиғар, топширилган ишдан ўзини шунча дадил тутар эди”.<sup>1</sup> М.Қўшжонови тақризида синчиклаб таҳлил қилиш хусусияти кўзга ташланади: мунаққид китобхон эътибор бермайдиган оддийгина деталларнинг катта мазмунини очиб беради. М.Қўшжоновининг ушбу тақризи яна бир хусусияти билан диққатни тортади: мунаққидда фикр кучли, бадиий дил юксак, лекин у сўзларни ташлаш, жумла тўзишларда - ҳақиқий матн яратилишида бирмунча оғиш эканлигини вақти-вақти билан кўрсатиб қўяди.

<sup>1</sup> М.Қўшжонови. Ҳаёт ва маҳорат. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашрияти, Тошкент, 1962, 75-бет.

Ҳомил Ёкубовнинг “Синчалак” тақризи О.Шарафиддинов, Матёкуб Қўшжонов тақризларидан кўлам фарқ қилмайди. Тақриз поэтикасига матн ости маъносига эътибор берган китобхон муаллифнинг конфликт ҳақида билдирган фикрларига қўшила олмайди. Ҳ.Ёкубов Саида ва Қаландаров муносабатларига алоҳида эътибор беради, қисса кон- флик- ти ҳақида ўз қарашини билдиради. Тақризни яна бир бор синчиклаб ўқиб кўринг-а. Наҳотки А.Қаҳҳор ҳаётии фақат “ок” ва “қора” рангда акс эттирган бўлса! Қиссанинг қиммати шундаки, муаллиф “оқ” билан “қора” ўртасидаги қанчадан-қанча ранглар товланишини кўрсатади. Бошқача айтганда, Саида ҳам, Қаландаров ҳам мураккаб характерлар! уларни фақат ижобий ёки салбий қилиб кўрсатиш зинҳор мумкин эмас. Ўзига бино қўйган, ҳар ким ўз иззатида туриши керак, деган ақидага риоя қилувчи Қаландаров одамларни шунчалик яхши билади- ки, ўз касбини, деҳқончиликни шунчалик севадики, Саида унга ҳурмат, ҳавас билан қарай бошлайди. Саида ҳар бир ишнинг юз томонини ўйлаб, ҳар бир гапни қатор маъноларни кўзлаб гапирса-да, баъзан “хомлик” қилиб қолади. Тожихоннинг мўмин-мулоим эри - Ҳамидул- ланй бир гап билан “мулла” қилиб қўймоқчи бўлади-ю, кутилмаганда ўзи қаттиқ лат ейди. “Синчалак” - ранглар жиноси, оҳанглар товлани- ши, кайфиятнинг баланд-паст бўлиб туриши - мураккаб инсоний муно- сабатлар ҳақидаги қисса. Ҳомил Ёкубов тақризида: “Синчалак”да Саи- да билан Қаландаров характерлари ўртасидаги тўқнашув янгилик би- лан эскилик ўртасидаги конфликт ва курашнинг ифодаси сифатида бутун ўткирлиги, мураккаблиги ва кўпқирралиги билан тасвирлан- ган<sup>1</sup> лиги ҳақида ёзилган. Янгилик билан эскилик кураши... Биз “янгилик” деганда қанчадан-қанча ўткинчи, умри қисқа нарсаларни тушунмадик, “эскилик” деганда қанчадан-қанча муқаддас тушунча, нар- салардан кечиб юбормадик. Ҳозирги кунда бир пайтлар “эскилик” деб улоқтирилган тушунчаларни қайта ўрганишимиз-ку, яроқсиз дейилган нарсаларнинг янги қирраларини кўряшимиз-ку... Эскилик билан янгилик ўртасида тўқнашув эмас, аслида, бир-бирини тўлдириш, бойитиш ёти- ши керак. “Синчалак”даги “тўқнашув” Саидани қанчалик бойитди, Қаландаровни хавфли “ижтимоий касалликдан” кутқарди. Ҳомил Ёку- бов қисса тузилмаларининг “социалистик реализм принципларига” мос келишига эътиборни тортади, “асарнинг ғоявийлиги унинг пафоси би- лан белгиланиши”ни айтади. Мазкур тақриз мохир мунаққиднинг янги материал қаршисида драматик ҳолатга тушганини кўрсатади. Ҳ.Ёкубов - билағон, бадий диди юксак мунаққид. Айни вақтда 30-40-йиллар- даги танқидчиликнинг “қолиллари” унинг табиатига сингиб қолган. Ғоявийлик масаласи ўз-ўзидан кескин кураш масаласини, қахрамон- ларни “ок”у, “қора”га ажратишни, ёзувчи позицияси ҳақида узил-кесил хулоса чиқаришни тақозо қиларди. Ғоявий-эстетик таҳлил санъат ола- мига чуқур кириб боришни, ёзувчини ажиб сеҳр эгаси сифатида кўрсати- шини тақозо қила бошлади. 50-йилларнинг ўрталаригача мунаққид

1 Ҳ.Ёкубов. Адабий мақолалар. Фафур Гулом номидаги нашриёт, 1970, 196-бет.



ғоявий кураш майдонининг содиқ жангчиси сифатида кўринган булса, энди ундай санъат оламининг билағони бўлиш, тўқалликдан завқланиш, бу туйғуни китобхонага юктириш каби белгилар ҳам кутубна бошланди.

Системали таҳлил фақат битга асарга бағишланган монографик тақризлардагинамас, муаммоли ва шарҳ мақолаларда ҳам кўпа тапиланади. Озод Шарафиддиновнинг “Замон, қалб, поэзия”, “Ниҳоллар” мақолаларида поэзиянинг ижтимоий-эстетик таҳлили кўпа тапиланади. Мунаққид “Замон, қалб, поэзия” мақоласида инсонни тула ва мукамал тасвирлаш лозим, деган принципдан келиб чиқиб, ўзбек поэзиясини таҳлил қилди. Ўша давр поэзиясида кўр-кўроналик ва сўзбозлик бир хил (кўпчунча шодон, байрамона) кайфиятларни акс эттириш, ҳақиқий шеър билан назмбозликни қориштириб юбориш сингари камчиликлар мавжуд эди. Танқидчи ўша давр поэзиясини таҳлил қилар экан, шеърятимизни замон талаби даражасига кўтарамиз деган шиорга амал қилди. Ўргамиёна, замон талабига жавоб бермайдиган шеър машхур, номдор шоир томониданми, ёхуд адабиётга эндигина кириб келаётган ниҳол-ижодкор томонидан ёзилганидан қатъи назар танқидчи изчил йўналишдан оғишмайди. Озод Шарафиддинов поэзиямизнинг соғлом танасидаги касалликлар-у яралар, камчиликларни рўй-рост кўрсатиш билан чекланмай, уларни даволаш йўлларини аниқ-равшан кўрсатади. Мунаққид поэзия танқидчилигида биринчилардан бўлиб интеллектуал поэзия, унинг хусусиятлари, намояндалари ҳақида фикр юритди. Интеллектуаллик, тадқиқотчи таъкидича, мушоҳаданинг кенг ва теранлиги, фикрнинг етук ва янгилигидадир. Инсонни мукамал тасвирлаш учун санъаткор уни турли ҳолат, кайфиятларда тасвирлаши лозимлиги айтилади. “Замон - қалб - поэзия”да инсонни фақат хушнуд, кўтаринки кайфиятда тасвирлаш одат тусига кириб қолганлиги, ваҳоланки поэзия инсонни лозим бўлса, тушкун, драматик вазиятларда, уйчан ҳолатда тасвирлаши табиий ҳол эканлиги кўрсатилади.

• Озод Шарафиддинов танқидчилик майдонига қадам қўйиши биланок эртанги поэзия ғамини еди - ёш иждоқорлар асарларини синчковлик билан ўрганди. “Ниҳоллар” мақоласи, “Замон - қалб - поэзия” сингари тадқиқот характериға эга. Унда мунаққид эртанги поэзия хусусиятларини излайди, ёшлар ижодидаги янгиликларни таъкидлайди. О.Шарафиддинов ёшлар шеъриятидаги ижобий тенденцияларни таъкидлагани ҳолда, уларнинг ижодий ўсишиға монелик қилаётган камчиликларни лўнда-лўнда кўрсатди.

Матёқуб Қўшжонов бадий проза поэтикаси масалалари билан жиддий шуғулланди. Унинг “Бадий асар композицияси ҳақида мулоҳазалар”<sup>1</sup>, “Сюжет ва характер”<sup>2</sup>, “Конфликт ва ҳаракат”<sup>3</sup>, “Бадий об-

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат. Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1962, 130-бет.

<sup>2</sup> М.Қўшжонов. Ойбек маҳорати. “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1965.

<sup>3</sup> Ўша китоб.

раз”<sup>1</sup> сингари тадқиқотларида бадиий асарнинг муҳим бир компоненти-га эътибор берилди. Борди-ю, муаллиф қўйилган масалани асар туқимасидан “узиб” олиб талқин қилганида биз уни вулгарликда, бадиият қонунаридан йироқликда айблаётган бўлар эдик. М.Қўшонов композиция, сюжет, образ, конфликт сингари масалалар ҳақида фикр юритар экан, мазкур компонентлар бадиий асар деб номланган яхлитлик, бутунлик, “жонли тана”нинг муҳим томонлари эканлигини ҳамиша ҳис қилади. Муаллиф конкрет масала ҳақида ёзади-ю, ҳамиша асар яхлитлигини ҳис қилади. Шунинг учун ҳам М.Қўшоновнинг проблематик мақолалари системали таҳлил йўлида ёзилганлигини таъкидлаймиз. “...Бадиий асардаги ҳар бир қисм, ҳар бир боб ва ҳар бир қўри-ниш муайян бадиий мақсадга - марказга эга бўлади ва ёзувчи ўз эътиборини ана шу марказга жалб қилади. Бироқ бу марказ ўз сифат хусусиятлари билан эстетик бўлмаса, бадиий кучга эга бўлмайди”.<sup>2</sup> Системали таҳлил мунаққидни эстетик категориялар, бадиият қонуниятлари ҳақида ҳулоса чиқарувчи назариячига айлантиради. И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшонов, О.Шарафиддинов сингарилар ижодида шу белги кўзга аниқ ташланади. И.Султоновнинг “Адабиёт назарияси”<sup>3</sup>, Ҳ.Ёқубовнинг лирика, лирик қаҳрамон ҳақидаги тадқиқотлари<sup>4</sup>, М.Қўшоновнинг “Бадиият қонуниятлари”<sup>5</sup>, О.Шарафиддиновнинг “Биринчи мўъжиза”, “Йиллар ва йўллар”<sup>6</sup> илмий-проблематик ишлари мисолида фикримизни тасдиқлашимиз мумкин.

50-йилларнинг иккинчи ярмида бошлаб лирика ҳақида мақолалар ёзила бошланди. Ҳомид Ёқубовнинг “Лирикада конфликт”, “Лирикада замондошимиз нафаси”, Тўхтасин Жалоловнинг “Поэзиямизнинг жушқинлиги ва дириклиги учун”, О.Шарафиддиновнинг “Лирика ҳақида мулоҳазалар”<sup>7</sup> сингари мақолалари чоп этилди. Мазкур мақолаларда мунаққидларнинг замон руҳидаги ўзгаришларни назорат қилиш ҳис этганликлари - кечаги поэзияни танқидий кўз билан баҳолаганликлари, эртанги ўзбек поэзиясига катта умидлар билан қараганликлари аниқ сезилади. Кишилар қалбида тош бўлиб қотиб қолган иншончислик, шубҳа, омонатлик туйғуси йўқола борди. Худди шу йилларда эстетиканинг назарий муаммолари бўйича жиддий баҳслар давом этди. Бу илмий-назарий

1. М.Қўшонов. Ижод сабоқлари. “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1973.

2. И.Султонов. Адабиёт назарияси. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1980.

3. И.Султонов. Адабиёт назарияси. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1980.

4. Ҳ.Ёқубов. Сайланма. I жилд. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1983.

5. М.Қўшонов. Сайланма. II жилд. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1983.

6. О.Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1979.

7. Ҳ.Ёқубов. Сайланма. I жилд. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1983.

8. О.Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1979.

тортишувларнинг натижаси шу бўлдики, гузалликни фақат инсоннинг яратувчи кудратига боғлаб қўйиш шарт эмас, эстетик гузалликлар тасвири санъаткор имкониятларини мукаммал намоён бўлишига имкон яратади.

Илмий-техника тараққиёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, фазонинг ўзлаштирилиши инсон руҳиятида, унинг гузаллик ҳақидаги тушунчалари соҳасида буюк ўзгаришларни вужудга келтирди. Она-табиатнинг улугворлиги, гузаллиги, рангларга бойлиги фазогир кўзи билан кўрилди, баҳоланди. Тўхтасин Жалолов Уйғун лирикасида “Рассом кўзи билан қараб, шоир қалби билан ҳис этилган, ақл ва идрок билан суратга олинган дилбар табиат лавҳалари”<sup>1</sup> ҳануз таҳлил қилинмагандан куйинади. О.Шарафиддинов “Замон-қалб-поэзия” тадқиқотида поэзиянинг объекти кенгайиб бораётганлигини таъкидлайди: “Сунгги йилларда эстетика проблемалари ҳамманинг эътиборини жалб қилаётгани ҳам бежиз эмас. Хуллас, шоирлар ҳаёт ҳақиқатига амал қилиб, бугунги инсон образини яратар экашлар, унинг ўсиб бораётган юксак эстетик дидига, гузаллик туйғусига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу тамойил шеърларда меҳнат гузаллигини, инсон гузаллигини, ҳаёт гузаллигини тасдиқлаш тариқасида намоён бўлаётир”.<sup>2</sup> 60-йиллар танқидчилигида ижтимоий-эстетик таҳлилга интилиш кучайди. Адабиётшунослик масалаларига тарихий-типологик нуқтаи назаридан ёндашиш тенденцияси сезилди. Бу ҳол танқидчиликда биронта конкрет соҳа билан шуғулланиш афзаллигини кўрсатди. Наср, шеърят, драматургия соҳаларининг ўз танқидчилари, болалар адабиёти масалалари билан шуғулланувчилар пайдо бўлди. “Тор мутахассислик” танқидчилик учун унчалик наф келтирмайди. Мунаққид бадиий ижоднинг барча соҳалари билан бирдай шуғулланиши мақсадга мувофиқдир. 60-йилларда танқидчилик соҳасига кириб келган ёш мунаққидлардан У.Норматов, С.Мамажонов, И.Ғафуров, Н.Каримов сингарилар ҳам проза, ҳам поэзия, ҳам ижодий биография соҳасида бирдай қалам тебрата бошладилар. Мухими, бу мунаққидлар ижодида бадиий асарни яхлит олган ҳолда системали таҳлил қилиш сезилади. Ижтимоий-эстетик таҳлил асар матнини чуқур ўрганишга ундайди, матн замзамаси ҳақида илмий ҳулоса чиқаришга сабаб бўлади. 1960 йил 10 майда “Туркистон” газетаси У.Норматовнинг “Муқаллас” тақризини чоп этди. Мухими ҳундаки, ёш мунаққид қиссадаги маром, оҳанга эътибор берди. Асар хотимасида воқеалар оқими тезлашиб кетгани, қаҳрамонлар характериға мос келмаган ўзгаришлар юз берганини танқид қилади. Бошқача айтганда, О.Ёқубов қиссасидаги камчилик унинг ич-ичидан келтириб чиқарилган. Иброҳим Ғафуров танқидчиликка гузаллик тарғиботчиси сифатида кириб келди: у илк китобидаёқ “Гузалликнинг олмос

<sup>1</sup> Т.Жалолов. Поэзиямизнинг жўшқинлиги ва лириклиги учун. “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1956 йил, 7 март.

<sup>2</sup> О.Шарафиддинов. “Замон-қалб-поэзия”. Ўз адабиётнашр, Тошкент, 1962.

қирралари”ни таҳлил қилишга киришди. Ёш мунаққид бадий асар тўқимасидаги санъатга эътибор беради: диалог жинваларидан завқланади, туйғулар ҳаракатидан мароқланади, сўзнинг характери очишдаги қувватига қўйил қолади. Иброҳим Ғафуров илк мақолалариданок бадий асар табиатидаги гўзалликлар олами китобхонга етказишга одатланади. Ёш мунаққидда сўзни кашф этиш, унинг бекиёс гўзалликларини ифодалаш майли кучли бўлди. Унинг биринчи китобидаги “Бу - буюк неъмат”, “Соҳирлик”, “Баҳрамаңдлик ҳақида” сингари сарлавҳачалар ҳам фикр кўзгайди, ҳам сўзга ҳайратомуз назар ташлашни ўргатади. Иброҳим Ғафуровнинг илк мақолаларида гўзаллик, санъат сиридан завқланиш кучли эди. Бора-бора мунаққид асарларидаги гўзаллик фикр-фалсафа билан тўқис бўлди, кўламли мушоҳада билан бойиб борди.

Ўзбек адабиётида яратилган ҳар бир мукамал асар жиддий гортишувларга сабаб бўлди. Асқад Мухторнинг “Чинор” романи ўзбек танқидчилари учун “синов” бўлди. Роман ҳақида М.Қўшжонов, Л.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, С.Мирвалиев, У.Норматов, П.Шермухамедов, О.Тоғаев ва бошқалар мақола, тақриз ёздилар. “Чинор” тўрисида ёзилган мақолалар марказида Н.Худойбергановнинг “Бадий ҳақиқат учун”<sup>1</sup> монография тақризи ва О.Шарафиддиновнинг “Ижоднинг катта йўлида”<sup>2</sup> портрет-мақоладаги мулоҳазалар туради. “Бадий ҳақиқат учун” мақоласида “Чинор”ни синчковлик билан таҳлил ўрнини тавсиф, воқеалар шунчаки баён қилиб берилган ўринлар талайгина эканлигини кўрсатади. Тақриз-монографияда Н.Худойберганов ижодига хос талай хусусиятлар кўзга ташланади. Чунончи, муаллиф ҳар бир воқеа тасвири, характерлар ифодасини изчил мантқик нуқтаи назаридан текширади. Мантқикийлик - илмий ишнинг фазилати. Лекин санъат асари - роман, қисса, хусусан шеърят ҳамиша ҳам ўта изчил, ҳаётдагидай мантқикка тўғри келавермайди. Санъат асаридаги шартлилик, ижодкорнинг услубий изланишлари натижасида пайдо бўлган композицион ўзига хослик сингарилар мунаққиддан зийраклик, топқирлик, назокат билан иш кўришни тақозо этади. Н.Худойберганов бир қанча ўринларда романдаги каттакичик камчиликларни тўғри таъкидлайди. Масалан, романда Акбарали фожиасига сабаб бўлган ҳодисадаги сунъийлик (Бектемирга Акбарали пиджагини “кийдириб қўйиш”), Ориф характери тасвиридаги табиийликка раҳна кетиши, боши айланаётган киши ҳолатини тасвирлашдаги хатолик, роман тилидаги сохталиклар ишонарли кўрсатилади. Лекин автор ғоясини англаб олишни истамасликдан пайдо бўлган “камчиликлар” борки, уларни қабул қилиш қийин. Бизда, масалан, оҳанг бўйича таҳлил деярли ривожланмаган. Акс ҳолда Н.Худойберганов романдаги

<sup>1</sup> Норбой Худойберганов. Кашфиётлар йўлида. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, Тошкент, 1972, 71-119- бетлар.

<sup>2</sup> О.Шарафиддинов. Истеъдод жилоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, Тошкент, 1976, 153-182- бетлар.

мана бу “камчилик” ҳақида ёзмаган бўларми. Шу ерда яна бир мантқиқий ноаниқликка, аниқроғи, фикрий едрама-қаринчиқка йўл қўйилган. Гап Толстойнинг “Абдулахаднинг ўзбек тилида Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўқигандан сўнг: “Ажаб, бу буюк мутафаккир-ку! У сизда машҳурми?” деб сўрагани ҳақида кетаётди.

Шундай бўлиши мумкинми? Ўзингиз ёзасиз: “Аттан, мен тушунолмас эканман, - деди арузнинг мусиқийлигига мафтуун бўлган Лев Николаевич. - Аммо нимасинидир англамаяпман.” Тишининг узини тушунолмаса, лекин “ниманидир англаса-ю”, қандай қилиб Яссавий “буюк мутафаккир” деб ҳукм чиқара олади, Лев Николаевич.

Н.Худойберганов “Чинор”ни синчиклаб ўрганади, микроанализ йўлидан боради. Микроанализ - асар тўқимасидаги нозик ўринларга эътибор бериш, оддий китобхон ҳаёлига келмайдиган нуқталар мазмунини ёритиб бериш. Синчиклаб таҳлил қилиш - танқидчиликнинг камолотидан, бадиий асарни яхлит организм сифатида кўра олганидан нишона. Лекин Н.Худойберганов синчиклаб таҳлил қилиш жараёнидаги ишни пировардига етказа олмаган. Микроанализ - қисм орқали умум ҳақида теран хулоса чиқаришдир. Мунаққид қисм, нуқталарни ўрганган-у, улардан яхлит мантқиқий хулоса чиқара олмаган.

Озод Шарафиддинов А.Мухтор ҳақидаги портрет-мақоласида “Чинор”га алоҳида аҳамият беради, роман босилиб чиққач, “айрим танқидчилар унга анча-мунча эътирозлар билдиришгани”ни айтади. Сўзсиз, О.Шарафиддинов бу ўринда Н.Худойбергановни ҳам назарда тутяпти. О.Шарафиддинов фаолиятида нозик бир хусусият бор, у бошқа ҳамкасбларига нисбатан теран фикр юритади, асар моҳиятини ўзгаларга нисбатан тез ва тўғри аниқлайди, унинг хулосаси бадиийлик қонуниятларига мос келади қўяди. Н.Худойберганов асар қисмлари, бўлимлари ҳақида жуда кенг фикр юритади, Озод Шарафиддинов “Чинор” ҳақида яхлит, лўнда хулосага келди: “Чинор”га анъанавий нуқтаи назардан ёндашиб бўлмайди, чунки бу асар жанр эътибори билан ҳам адабиётимизда янги ҳодисадир, - деб ёзади мунаққид. - Тасвирий санъатда мозаика деган гап бор: рассом турли-туман шиша парчаларини ёки рангдор тошларни бир-бирига мослаб шундай жойлаштирадики, охирпировардида яхлит бир сурат пайдо бўлади. Бундай суратга яқиндан қарасанг, шиша парчалари ёки тошлар аралашкуралашга, тўғри келгандай жойлаштирилганга ўхшаб кўринади, маълум масофадан қараганда эса, уларнинг жойлашишида муайян тартиб борлиги ва шу тартиб туфайли сурат ҳосил бўлаётганига амин бўласан”.<sup>1</sup> Адабий жараёнда қизик бир қонуният бор. Ҳар бир танқидчи асар, ёзувчи ижоди, адабий жараён ҳақида ўз қарашларини баён қилади. Мунаққид асарларида унинг ўз қарашлари, принциплари, баҳолаш мезонлари англашилади. Айни вақтда қайсидир танқидчилар

<sup>1</sup> О.Шарафиддинов. Истеъдод жилolari. Фафур Фулом номидаги нашриёт, Тошкент, 1976, 179-бет.

асари, ёзувчи ижоди, адабий жараён ҳақидаги энг тўғри хулосаларни чиқарадилар. Бир даврда, бир хил муҳитда яшаб ижод қиладиган мунаққидлараро мусобақа, ижодий баҳс ечимини кутган муаммо - гоҳ у асар баҳоси бўлсин, гоҳ ёзувчининг муносиб ўрнини белгилаш бўлсин, гоҳ адабий-тарихий жараён хусусиятларини аниқ, лўнда ифодалаш бўлсин - атрофида қизийди. Баъзи мунаққидлар тинимсиз меҳнатлари, ҳар бир асар, ҳар бир янгиликни синчиклаб кузатиб боришлари билан ҳурмат қозонадилар. Баъзи мунаққидлар адабий-тарихий жараён моҳиятини чуқур англайдилар, назарий умумлашмалар чиқарадилар. Мана бундай мунаққидлар ўз муҳитларининг етакчиси, йўлбошчиси бўлиб таниладилар.

Ў60-йиллар танқидчилигида ўртача адабиётга муносабат жиддий муаммога айланди. Маълумки, адабиёт тараққиётининг барча босқичларида ўртача адабиёт бўлган, адабий жамоатчилик унга нисбатан аниқ позицияда бўлган. 60-70 йиллар адабиётидаги ўртача адабиёт ўзбек танқидчилиги тарихида чуқур из қолдирди. “Шундай бир вазият пайдо бўлди: қўлидан унча-мунча ёзиш келадиган имконияти бор ҳар қим, хусусан, раҳбарлик лавозимидаги кишилар, қайси мутахассисликда, қайси соҳада иш олиб боришдан қатъи назар, ўзини адабиётга урди. Бу жараён ҳам қизиқ рўй берди - битта-иккита мақола, кейин очерк ёзиб қуришди. Атрофдагилар “балли!” дейишди. Улар “ёзиш қўлимдан келар экан” деб қисса ва роман деб номланган жанрларга ҳам қўл уришди. Атрофдагилар яна “офарин!”, “офарин!” дейишди, чапак чалишди. Шундай қилиб адабиётда офаринбозлик бошланди, - деб ёзади Матёқуб Қўшжонов “Қайта қуриш ва ўзбек романи” мақоласида. - Тез фурсатда муҳаррирлар, директорлар, раислар, секретарлар адабиёти пайдо бўлди. Газета ва журналларнинг кўзга биринчи ташланадиган бетлари уларнинг асарлари билан банд бўлди. Баъзи кимсалар бу хилдаги юкори лавозимли ёзувчиларнинг асарлари қачон чиқишини кутиб юришди. Айрим пайтларда қўлёзма, қоралама асосида ошиғич мақоалар ёзилди. Асарнинг ўзи чиқмасидан олдин шу асарга ёзилган тақрирлар чиқиб улгурган пайтлар ҳам бўлди”.

“Муҳаррирлар, директорлар, раислар, секретарлар адабиёти” танқидчилик тараққиётида мудҳиш роль ўйнади. Уртача адабиёт ҳар томонлама рағбатлантирилди. Бу адабиёт ҳақиқий кашфиёт, шох асарларнинг яратилиши йўлида ғов бўлди. Ўртача адабиётнинг ўртача танқидчилиги урчиқ бошлади. Бу танқидчилик ташқи жиҳатдан системали таҳлилнинг ўзидай бўлса-да, унинг беш-олтита сийқа принциплари пайдо бўлган эди. Ваҳоланки, кашфиёт, шох асар бетақрор бўлганидай, танқидчилик ҳам уни янги принциплар билан баҳолаши, таҳлилининг турли хил кўринишларини қўллаши лозим бўларди. “Улуғбек ҳазинаси”, “Юлдузли тунлар” сингари романлар, “Менинг юлдузим”, “Ёшлик девони”, “Тирик сайёралар” (Эркин Воҳидов), “Рухим”, “Юртим шамоли”, “Онажон” (Абдулла Орипов), “Ёнаётган

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Қайта қуриш ва ўзбек романи. “Шарқ юлдузи”, 1988, 1-сон, 170-бет.



дарахт" (Омон Матжон), "Садоқат" (Х. Худойбердиева) сингари шеърӣ тўшламлар ўртамиёна адабиёт "қоидаларига" мос келмагани учун ҳам вақтида ўз баҳосини ололмади.

"Амалдорлар адабиёти" танқидни - "хизмат-беминнат"га айлантқиришга интилди. Ҳар бир ёзувчи ўз атрофига 3-4 тадан танқидчи тўшлашга: "ўзини" мақташиш, рақибларини "уриб" ташиланга интилди. Адабий-танқидий мақолаларда анъанавий кириш қисм - энг катта амалдор ёзувчи асарларини бир амаллаб тилга олиб ўтиш одаги пайдо бўлди. Бора-бора "анъанавий кириш қисм" кишиларни қониқгирмай қўйди. Ўртамиёна адабиёт, унинг яратувчилари ҳақида проблематик мақолалар, портретлар, монографиялар ёзиш бошланиб кетди. Энг катта амалдор асарлари ҳақидаги "тадқиқот-у мақолаларга" нафосат, гўзаллик сингари сузларни қўшиб сарлавҳа қўйиш одат тусига кирди. Ёмони шунда эдики, танқидчиликда изланиш, кашфиётлар йўлини ахтариш етарли даражада бўлмай колди. Шунгача етиб борилдики, адабиётшуносликнинг энг жиддий проблемалари ўртача адабиёт намуналари асосида "ёритила бошланди". Бундай ишларда назарий асос билан амалий мисоллар ўртасида сира мос келмайдиган зиддиятлар кўча "манаман" деб ташиланиб турди.

Ўртамиёна адабиёт эстетик, илмий-назарий баҳолашларга нисбатан ҳар хил мукофотларни аяло курди. Ўртамиёна адабиёт айна ривожланган пайтда мукофотлар номи, мукофотланганлар сони ортанда ортиб борди. Лазиз Қаюмов "Аср ва наср" асарида 1973 йилги унвонлар, мукофотлар, шишондор у мукофотланганлар ҳақида қуйидагиларни ёзиш: "Партия, ҳукумат ва халқимиз Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларининг ижодий меҳнатини юксак баҳолаб, уларнинг қатор вакилларини халқ ёзувчиси, шоири, аргисти ва рассоми деган фахрий унвонлар, Ҳамза, Беруний, Бердақ мукофотлари билан тақдирлади. Ёзувчи Асқад Мухтор, адабиётшунос ва танқидчилардан Воҳид Зоҳидов, Георгий Владимиров ва бошқа урғоклар 1973 йилда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор булдилар. Марҳум Ходи Заринов, Мансур Афзалов, шунингдек Тура Мирзаев, Шоназар Шоабдурахмонов, Музайяна Алавия, Зубайда Хусайновлардан иборат фондкорист олимлар гуруҳаси ҳам 1973 йилда Беруний мукофоти лауреати булди. Шоирлардан Гулчехра Жураева, Барот Бойқобилов ва танқидчи Иброҳим Фафуров мукофотландилар.

Бу фактларнинг бари республикамиз адабиёти ва санъати Ўзбекистон шўролар партияси марказий комитети раҳбарлиги ва ғамхўрлигида нақадар ўсганлигини муносиб равишда кўрсатиб туради".<sup>1</sup> Унвон, мукофот, маптикан, бадий тафаккур соҳасида бурилиш ясаган, кашфиёт булган асарлар, ижодкорларига, илм-фан бобида янги йўналиш бошлаган, ўз илмий мактабига пойдевор қўйган олимларга берилиши керак. Инсоф билан айтганда, 1973 йилда мукофотга сазовор булган асарлардан

<sup>1</sup> Лазиз Қаюмов. Аср ва наср. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат напшиёти, Тошкент, 1975, 233-бет.

нари борса иккита ёки учтасигина ҳозиргача ўз қимматини сақлаб қолган. Турғунлик йилларида унвоц, мукофот олганлар сони узлуксиз кўпайди. Аммо ўша унвоц-у мукофотларга сабаб бўлган асарларнинг аксарияти китобхон қалбидан жой олмади, вақт синовидан ўтолмади. Бошқача айтганда, санъат ва адабиёт соҳасида ҳам йўқни йўндириш - кўшиб ёзиш иллати авж олди. “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”, “Ғолиблар” романлари ўртамиёна асарларнинг урчиб кетишида “томизғи” бўлди. Наридан-бери ёзилган хом-хатала асарлар кўпайиб кетди...

√ Танқидчиликдаги “мослашувчилик” ўртамиёна асарларнинг урчишига йўл очди; бадий ижод соҳасидаги интилиш, изланишни маълум даражада сусайтирди; танқидчиликда ўртамиёна асарларни “тахлил” қилишда қўлланиладиган сўйқа принциплар қатъийлаша борди. “Тинимсиз шаҳар”, “Одам қандай товланди”, “Фидойилар”, “Оқибат”, “Генерал Равшанов” (И.Раҳим), “Қалб қаноти” (Ё.Шукуров), “Қора марварид” (Ю.Шомансур), “Осмон устун” (Д.Нурий), “Дурдона” (Ё.Хаймов), “Сенга интиламан”, “Тошкентликлар”, “Машраб” (Х.Фуллом), “Чиниқиш”, “Илдишлар ва япроқлар” (Мирмуҳсин), “Афросиёб гўзали” (М.Қориев), “Момақалдирик”, “Наврўз” (Н.Сафаров) сингари асарларга ҳам ижобий тақризлар босилди, улар ҳақида бошланган баҳс-тортишувлар узоққа бормади. Бадий проза соҳасидаги талабчанликнинг сусайиши, изланиш, ижодий мусобақанинг сезилмаслиги Ж.Абдуллахонов, Ў.Умарбеков, У.Назаров, Самар Нуоров, Йўлдош Сулаймон, Эмиржон Усмонов, С.Сиёев, Омон Муҳтор сингарилардаги имкониятларнинг тула юзага чиқмаслигига сабаб бўлди. Мазкур ёзувчилар асарларига ҳам ўртамиёна тақриз, мақолалар ёзилди: улар ижоди сиңчиклаб текширилмади. Туғри, О.Шарафиддинов “Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси” тақризида Ў.Умарбековнинг “Дамир Усмоновнинг икки баҳори” қиссасини жиддий таҳлил қилиш орқали ўртамиёна асарлардаги битта муҳим хусусиятни ёритиб берди: “Санъаткор ҳаётни кузатар экан, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг реал нисбати ва таққосларидан келиб чиқмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалдан мавжуд қолишлардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмаса, силлиқлаб таращламаса бўлмайдиган кўринади. Санъаткор ичидаги аллақандай муҳаррир унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришидан тийиб туради, бундай ҳолларда асарда асл ҳақиқатининг ўзи эмас, балки шаклан ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан олис турадиган ясама нусхаси пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда. Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиксираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим - бир чимдимдан намоён этиш - бадий асарни қўламдан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>О.Шарафиддинов. Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси. “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1979 йил, 14 сентябрь.

Прозада шундай асарлар яратилдики, уларда ҳаёт ҳақиқати барча мураккабликлари билан акс этди, қаҳрамонлар тақдирини, улардаги руҳий драмалар китобхонни тамома романга этди. Бу ўринда П.Қодировнинг “Мерос”, Ҳ.Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор”, Ҳ.Усмоновнинг “Гирдоб” ва шунга ўхшаш китобхон диққатини жалб этган асарларни назарда тутамиз. Мазкур асарларда ҳаётнинг зиддиятлар бутун тўлалиги билан акс этирилади, қаҳрамонлар ўртасида давом этаётган жиддий кураш борлиғимизни чулғайди. Китобхон ижобий кучлар ғалабасини истайди, аммо салбий кучларнинг қўли баландлиги, сохталик ютиб кетиши аниқлиги сезилиб қолади. Шунда кўрилмаган ечим пайдо бўлади: катта лавозимдаги партия ходими муаммони ижобий кучлар фойдасига ажрим қилади. “Мерос”, “Гирдоб”, “Оқибат” асарларида ўша улуғ, ҳурматли одамнинг ким эканлиги аниқ кўринади. Ҳ.Ҳошимов романида муаммони обком секретари ҳал қилади. Кўринадикки, мазкур асарларда ҳам схематизмнинг яна бир кўриниши намойиш бўлди. Адабий танқид бундай асарлардаги ютуқларни, ҳаётчилик, ҳаққонийликни маромига етказиб таъкидлади-ю, улардаги “ғаройиб счим” ҳақида наридан-бери, сезилар-сезилмас гапириб ўтди. Ваҳоланки, танқидчилик ҳаётчилик, бадиий конфликт ва унинг ечими ҳақида бир овоз билан гапирини лозим эди.

60-70 йилларда ҳаёт ҳақиқатини акс этиришнинг яна бир тенденцияси уч бера бошланди. Бир қанча ёзувчилар чет элларга сафар қилдилар, хорижий халқлар ҳаёти билан танишдилар. Адабиётимизда капиталистик дунё ҳаётини ёритувчи туркум шеърлар, ҳикоя, очерк, сафарномалар пайдо бўлди. Қизиғи шундаки, ўз ҳаётимизда учрайдиган каттис ҳодисалар, кишилар табиатидаги иллатлар нарийги дунёга нисбат бериб яратилган асарлар пайдо бўлди. “Юқорига” таъзим қилиб “наста” дўқ-пўниси, найрангни ишга соладиган ўртадаги одамлар кам эдимиз? Экинзорларга самолётдан дори сепаётганларга қарши турк дехқони исён кўтариши мумкин-у, ўзбек ёки украин дехқони ерининг, одамларнинг захарланишига қарши бош кўтариши мумкин эмасми? Бундай усул ҳам ҳақиқатни айтишдан чўчишнинг оқибати, схематизмнинг янги бир кўриниши.

✓ Турғунлик йилларида ўзбек танқидчилиги тўхтаб қолмади, аксинча, кўплаб мақолалар, китоблар чоп этилди. Танқидчилар сафи кенгайди. Турғунлик йиллари танқидчилик асарларининг сифатига, асосий моҳиятига таъсир этди. Адабий танқид бадиий ижоднинг тенгҳуқуқли қисми эканлиги эътироф этилади. У ўз йўли, концепцияси, ҳаётга, китобхонларга таъсир этиш ҳуқуқига эга: адабий танқид бадиий асарлар воситасида ўз функциясини амалга оширади. Бадиий асарларга асосланиш деганда зинҳор ёзувчига қарамликни тушунмаслик керак. Шундай ҳолат пайдо бўлдики, бадиий ижод бирламчи, адабий танқид иккиламчи деб қарала бошланди. Аниқроғи, амалдор ёзувчи ва мақтовчи танқидчи тушунчаси пайдо бўлди. Бундай қарашни барча танқидчи-

ларга қўллаш қанчалик ўринсиз бўлса, фақат амалдор ёзувчи мақталди деган фикр ҳам қатъий эмас. Мақтов мақолаларнинг пайдо бўлиш сабаблари жуда кўп. Танқидчиликда шундай “осойишта” ҳаёт кечирила бошладики, Матёқуб Қўшжоновнинг “Давр талаби ва ижод масъулияти” деб номланган Иброҳим Раҳимга очиқ хати, О.Шарафиддиновнинг “Шеър кўп, аммо шоир-чи?” муаммоли шарҳи, Н.Худойбергановнинг баъзи мақолалари саратондаги момақалдиқдай ғайритабиий туюлди. Ваҳоланки, адабий танқид ҳамиша нотинч, безовта соҳа бўлмоғи, камчиликларни рўй-рост айтиши лозим.

60-70 йилларда ўртамиёна асарларни мақтан, адабиёт майдонида юрган қаламқашларни улуғлаш ниҳоятда авж олди. Бу даврда ёзилган мақола, тақриз, табрикларга баландпарвоз сарлавҳалар қўйиш, сифатловчилардан ҳаддан ташқари саҳийлик билан фойдаланиш авж олди. 1972 йилда “Шарқ юлдузи” журнали 42 та, 1973 йилда 25 та, 1974 йилда 43 та, 1975 йилда 20 та, 1976 йилда 10 та, 1977 йилда 7 та, 1978 йилда 22 та юбилей мақола босди. “Офаринбозлик” шунчалик авж олдики, камтар ёзувчилар, ҳақиқий асарлар мушакбозлик ёдусида тамома панада қолдилар. 80-йилларнинг бошларида мадҳиябозлик ўша-ўша авж олди. Асар нима ҳақида, ким тўғрисида, қандай ёзилгани эмас, қайси амалдаги ёзувчи томонидан битилганлиги бўлиб қолди.

Эстетик таҳлил, асарни яхлит ҳолда урганиш вульгар социологизмнинг илдизини қирқди. Бадий асарга муъжиза сифатида қараш, санъатнинг рангин оламига кириб бориш, табиийки, сохта, юзаки муносабатларни четга суриб қўйди..., лекин уни туб илдизи билан суғириб ташламади. Вульгар социологизм асарга андоза, аввалдан белгилаб қўйилган ўлчов билан ёндашади. Асарнинг бадий қиймати, ижодкорнинг изланишлари андозачилик қурбонига айланади. Қизиғи шундаки, вульгар социологизм уртамиёна асарларга эмас, санъатда янгилик бўлган, бетакрорлиги билан ажралиб турган кашфиётларга “қаттиқ тикилади”. Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” пьесаси ҳаётдаги ўзгаришларни поэтик кузатиб, эртанги кун учун хавф яратаётган нуқсонни олдиндан кўриб яратилган эди. Драматург ғоясини халқ англаб етди, зийрак танқидчилар асар моҳиятини ёритишга интидилар. Лекин Ғафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Ғуломларнинг “Ўзбекистон овози” газетасида (1962 йил, 11 август) босилган мақолалари вульгар социологизмнинг айнан кўриниши эди. Муаллифлар воқеликнинг пьесадаги талқинини инкор қилдилар-у, узларининг изчил қарашларини ифодаламадилар. Улар мазкур асар шўро тузумига бўҳтон, бунёдкор халқига тўхмат эканлигини бор овоздан айтдилар.

Асқад Мухтор - устозлар қаторидан жой олган адиб. Унинг ёш дўстларига аталган талайгина мақола, хотира, бадиалари бор. 1971 йилда А.Мухторнинг “Ёш дўстларимга” номли китоби чоп этилди. Ундаги “Замондошимиз” мақоласи ёшлар шеърляти таҳлилига бағишланган. Муаллиф бошқа шоирлар қатори А.Орипов шеърляти ҳақида

тўхталади: ёш шоирнинг изланишлари, тонилма образлари, фалсафийликка ингилиш сингариларни маъқуллаб туриб, “Куз ҳаёллари”, “Муҳаббат” шеърларидаги лирик қаҳрамон “замондонимиз белгиларини йўқотганини”, “гўлғониб азоб тортувчи мавхум бир инсонга айланганини” ёзади.<sup>1</sup> Бугина эмас. “Абдулланинг яқинда қаттиқ таъқид қилинган 2-3 шеъри мана шундай ғоявий, ҳаётий ориентацияни йўқотиш пайтларида ёзилган бўлса керак. “Лайлак”, “Жаннат” каби шеърлар ҳақиқатан ҳам ғоявий хато шеърлар, жамоатчилик буни тўғри баҳолади... Мана шундай ғоявий чалғишлар, қўпол хатоликлар қаердан келиб чиқади? Ёшларни мана шу ҳақида бош қотиришга даъват қилмоқчиман”<sup>2</sup>, - деб ёзади Асқад Мухтор. Асарга ижтимоий-гносеологик, тарихий-маданий, ижодий-генетик, онтологик нуқтаи назардан ёндашгач, уни ҳар хил таҳлил орқали англаб етгач, баҳо берип, хусусан ғоявийлиги ҳақида узил-кесил гапириш мумкин. Абдулла Орипов турғунлик палласи яқинлашаётган бир пайтда, ижодий тараққиётида бурилиш бўлаётган вақтда, ниҳоят, турмушимизда мушакбозлик, ялтироклик, офаринбозлик дамлари авжга минаятган пайтларда “Тилла балиқча”, “Куз ҳаёллари”, “Лайлак” сингари бадийи қашфиёт даражасига кўтарилган шеърларини ёзиши табиий ҳол эди.

Профессор Очил Тоғаев “Гулистон” (1983, 8-сон) журналида босилган “Севги ва садоқат” мақоласида ўзбек шеърятининг нодир асарларидан бирига айланган “Аёл” (А.Орипов) шеъри вульгар-утилитар андоза билан таҳлил қилинади. Олимнинг таъкидлашича, Лев Толстойдай улуғ санъаткор ҳам “Ҳазрат Сергей” қиссасида узоқ йиллар давомида узлатда турмуш кечирган одам умри поёнида ҳаёт завқига юз бурганини курсатади. Олимнинг даъволари ҳар қанча мантқиқли бўлмасин, “Аёлнинг уруш келтирган жудолик, алам-изтиробларнинг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини янада чуқурлаштириш, келажак авлодларнинг нуфузига зарар етказиш эмасми?! Бошқача айтганда, узлатта чекиниб, ҳаёт кечиринг авлодлар аро асрий алоқа - ворислик кўпригига раҳна солмоқ демакдир”, - деган хулосаси кишини ажаблантиради. Эстетик, бадийи нафосат - маънавият бойлиги соф амалиёт, моддийлик тарозусида ўлчанмайди. “Аёл” шеърини интонацион таҳлил қилиб кўрсангиз, ҳар бир сўз, мисрада шоирнинг мушфик бевага улкан ҳурмати, садоқати сезилиб турганини англайсиз. Шоир наздида умрини беиз ўтказган, майда-чуйдаларга бебаҳо бойлик - ҳаётни алмаштирганларнинг бари бир тараф-у, севгилиси муҳаббатига содик қолган бева бир тараф.

Бадийи адабиётга вульгар-социологик муносабатда бўлишнинг нисбатан янги мисолларидан бири М.Ваҳобовнинг “Тарих ҳақиқатига зид бориб” (“Правда Востока” газетаси, 1986 йил, 4 декабрь) мақола-

<sup>1</sup> А.Мухтор. Ёш дўстларимга. “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1971, 127-ва 129-бетлар.

<sup>2</sup> А.Мухтор. Ёш дўстларимга. “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1971.

сидир. Муаллиф “Юлдузли тунлар” романидан (П.Қодиров) ғоявий хато излайди. А.Қаюмовнинг ўтмиш маданиятининг машҳур намоёндалари ҳақида ёзилган асарларида ўтмиш идеаллаштирилатганини “башорат қилади”. М.Ваҳобов бадий асар “оламини” тушунмайди, ҳис этмайди - у талқин, таҳлил орқали хулосалар чиқармайди: у ёки бу асар, у ёхуд бу ёзувчи ғоявий жиҳатдан етук эмас деган андозада - хулосани айтади қўяди. Вульгар социологизм ҳаминша ғоявий камчилик излаган. Қувонч шундаки, М.Ваҳобов мақоласида илгари сурилган “ғоялар” асоссиз эканлиги бир овоздан қораланди.

“Ўзбек адабиёти тарихи очерки”нинг яратилиши адабиётшунос олимларни янги ишларга рағбатлангирди. 1967-1972 йилларда “Ўзбек адабиёти тарихи” яратилди. Уч том, тўрт китобдан иборат бу тадқиқот жиддий мулоҳазаларга йўл очади. “Очерк” XX съезддан кейинроқ ёзишга киришилган бўлиб, авторлар коллективида яратиш иштиёки, съезд қарорлари асосида ижод қилиш рағбати кучли эди. Иккинчидан, “Очерк” яратувчилар зиммаларидаги масъулиятни жиддий ҳис этдилар. “Очерк”даги даврлар обзорини, портретларни ёзишга авторлар чертиб-чертиб танланди. “Ўзбек адабиёти тарихи”ни яратган авторлар сопи кўп, савияси ҳар хил. “Тарих”да қамров кўлами ниҳоятда кенг: ўзбек адабиётининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқининг адабиёти ва ҳам-корлигидан тортиб ўзбек адабиётининг тарихий тараққиётида адабий журналлар ролигача; адабий-маданий хроникадан тортиб адабий тур-лардаги ички тараққиётгача эътибор берилган. Мухими, “Тарих” да ўттиз битта ёзувчининг очерк-портрети яратилади. Эллик йилдан сал ортиқроқ муддатда 31 та классик ёзувчига - ўзбек адабиёти осмонидаги ёруғ юлдузга эга бўлиш қандай бахт?! Худди шу ўринда “Тарих” яратилган пайтдаги ижтимоий-сиёсий-адабий ҳаёт кўз унгимизда барча мураккабликлари билан намоён бўлади. 70-йилларнинг нари-бериси турғунлик палласига кириш дамлари эмасми? Адабиётда мадҳия-бозлик, кўтар-кўтар “касали”нинг авж олиши шу пайтлардан бошланди. “Тарих”даги аксарият шарҳларда асарлар, авторларнинг номларини унутиб қолдирмасликка интилиш сезилади. “Ўзбек адабиёти тарихи”ни яратишга тажрибасиз, савияси апча паст авторлар кўплаб жалб қилинган. Мана шуларнинг ҳаммаси “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг ўртамиёна асар бўлиб қолишига, илмий-назарий жиҳатдан “Очерк”дан ўнчалик илгарилаб кетмаганига сабаб бўлди. “Ўзбек адабиёти тарихи”да юксак назарий даражада ёзилган обзорлар, мукамал портрет-мақолалар бор. Лекин асарнинг умумий савияси етук материалларга соя ташлаган. “Очерк”ларда таъкидланган камчиликлар “Тарих”да тўғриланган дейиш қийин. Унда далиллар, воқеалар, саналар, ҳар хил қарорлар саноғи кўпу, асарлар таҳлили етарли эмас. 20-йиллар адабиётининг намоёндаларидаги руҳий-маънавий кураш, янгиликка интилиш,

ижодий баҳс ёригилмайди. Бу даврда “ок” ва “кора” ранг кураши аниқ сезилади.

“Адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасида О.Ҳошим, С.Хусайн, А.Саъдий, О.Шарафиддинов ва бошқалар майдонга чиқдилар. Отажон Ҳошим назария соҳасида, Сотги Хусайн адабий танқид соҳасида, Абдурахмон Саъдий ва Олим Шарафиддинов мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар яратиш юзасидан анча иш қилдилар”<sup>1</sup>, - деб ёзилишидаёқ юзакилик, бир ёқламалик айнан сезилиб туради. Бирон танқидий мақолани келтириш, уни таҳлил қилиш муаллифлар ҳаёлига келмайди. “Улуғ Ватан урушидан сўнгги давр ўзбек адабиёти” (1945-1956) обзоридида ижтимоий-сиёсий-адабий ҳаёт, ёзувчининг ижод жараёни ҳақида бирон жумла йўқ.

Ўзбек адабиётшунослари 5 томдан иборат “Ўзбек адабиёти тарихи” устида иш олиб бордилар. Рус тилида яратилган бу тадқиқотнинг биринчи томида 1917-1941 йиллар адабиёти ҳақида фикр юритилади.<sup>2</sup> А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан яратилган бу жиддий тадқиқотнинг илк томи 1961-1962 йилда яратилган “Очерк”дан, 1967-1972 йилларда яратилган “Тарих”дан фарқ қилиб, илмий-назарий теранлиги, қамров қўламининг кенглиги билан диққатни жалб қилади. 1917-1929 йиллар адабиёти ҳақида фикр юритилар экан, 29 ижодкор ҳақида маълумот берилади. Биз ўзбек классик адабиёти билан ўзбек адабиёти орасида “кўприк” бўлган Завқий, Аваз Ўтар, Сўфизода, Абдураззоқ Фақирий, Муҳаммад Баёний, Нозима Хоним, Авлоний номини тилга олар эдик-ку, лекин улар ижоди ҳақида алоҳида тўхталмас эдик. Биринчи том композициясидаги ўзига хослик Ҳамза, Айний, Қодирийга портрет-мақола берилмаганлиги, уларнинг 20-йиллар адабий жараёнидаги ўринларини таъкиллаб кўрсатилганлигида кўринади. Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту сингари зиддиятли ижодий такдирга эга бўлган ижодкорлар ҳақида анча материал берилган. Улар ижодидидаги камчиликлар кўрсатилган. Янги тузумга хизмат қиладиган асар, таржималари саналган. Оддий китобхон сезмаслиги мумкин, ammo тажрибали мутахассис мураккаб йўлни босиб ўтган ижодкорлар биографиясидаги салбий томонлар пафос билан айтилганлигини, алоҳида урғу билан таъкидлаганлигини сезиб қолади. Фулом Зафарий, Мехтарбод, Хуршид сингари ижодкорлар нимаси биландир Ҳамза, Қодирий, Сўфизода, Авлонийлар авлодига яқинроқ эканлиги сезилса, А.Мажидий, Ш.Сулаймон, Олтой, Ғайратийлар Ойбек, Ғафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорга яқинлиги айтилади. Биринчи бўлимнинг биринчи бобини ёзган Х.Ёқубов нима сабабдан Хислат, Мискин, Алавий ҳақида ҳеч нарса демаганлиги қизик туюлади. Ишдаги “Редколлегиядан” деган

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. I том. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1967, 47-бет.

<sup>2</sup> История узбекской литературы. В пяти томах. Том I. Изд-во “Фан”, Ташкент, 1987.

ахборотда икки томлик “Ўзбек адабий танқиди” чоп этилганлиги сабабли танқид ҳақида алоҳида боб берилмади”, - дейилган. Лекин биринчи томда танқид ҳақида “Очерк”дагидан, 1967 йилдаги “Тарих” дагидан кўра кўпроқ, илмийроқ материал берилган. Бошқача айтганда, Ҳ.Ёқубовнинг “Ўзбек адабий танқиди ва адабиётшунослигининг ривожланиш йўллари”<sup>1</sup> номли бамаъни тадқиқотининг асосий ўринлари мазкур “Тарих”нинг биринчи томига “едириб” юборилган. “Сароб”, “Кутлуғ қон” сингари асарларнинг мураккаб биографияси ҳақида гап очилади. Навоий, Чўлпон ижоди атрофида бўлиб ўтган баҳслар ҳақида маълумот берилади. Биринчи томда ўзбек адабиёти тараққиётининг тенденциялари, адабий жанрларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши хусусида анчагина мулоҳазалар айтилади.

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида бадий асарга яхлит система сифатида қараш, уни гоъвий-эстетик таҳлил қилиш асосий йўналиш сифатида кўрина бошлади. Системали ёндашув танқидчиликдаги вульгар-социологик таҳлил, мадҳиябозлик сингариларнинг ўткинчи, асосиз эканлигини кўрсатди. Гоъвий-эстетик таҳлил ҳар хил нотўғри ёндашув ва таҳлиллар билан курашда ўз мавқеини мустаҳкамлаб борди. Ҳозирги танқидчиликда ҳам системали таҳлил ўз мавқеини мустаҳкамламоқда, асар таҳлилидаги ҳар хил оғишларга қарши курашмоқда.

Системали таҳлил ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлга яхлит бир муносабатни, ёндашувни вужудга келтирди. Чорак аср давомида “Ўзбек адабиёти тарихи очерки”, “Ўзбек адабиёти тарихи” рус ва ўзбек тилларида яратилди. Ўзбек адабиётшунослари “Қўпмиллатли адабиёт тарихи” номли фундаментал асарнинг яратилишида иштирок этиб, адабиёт тарихини умумлаштиришдаги тажрибаларини орттирдилар.

## СЎЗДА ТАРИХ ИХТИЛОФИ БОР

### (Бадий адабиётнинг ижтимоий-функционал вазифаси)

Янгича тафаккур деган тушунча моҳиятини теранроқ ўйлаб кўриш керак. Инсон конкрет бир соҳада ўз имкониятларини юзага чиқаради. Лекин у чиндан ҳам “дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқади”. Бир пайтлар куйди-пишди одамларга нисбатан: “дунёнинг ташвиши бошида”, дейиларди киноя, пичинг аралаш. Ҳозирги пайтда дунёнинг у бошидан кириб бу бошидан чиқиш унчалик жиддий иш эмаслиги, дунёнинг тапвиши билан яшаш зарурий бир ҳолатга айланаётганлиги оддийгина бир ҳақиқат. Бир пайтлар жонли адабий жараён дейилганда конкрет тушунча англашилган: бир миллий адабиётдаги ўсиш-ўзгариш, ички курашлар, янгилликнинг пайдо бўлиши, талабга жавоб беролмай

<sup>1</sup> Ҳ.Ёқубов. Сайланма. I жилд. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, Тошкент, 1983, 244-337- бетлар.



қолган йўналишларнинг четга чиқиб қолиши сингарилар тушунилган. Ҳозирчи? Адабий жараёни макон ёки замон билан чеклаб бўладими? Ўзбек китобхони бир пайтнинг ўзида ҳам Навоий, Пушкин, Шолохов, Хайриддин Султонов, Чингиз Айтматов, Шекспир, Лион Фейхтвангер, Фафур Гулом, Васил Быков, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарларини ўқимайдими? Китобхон даражаси шунчалик ўсган бир пайтда: адабиётшунос ўтмиш адабий мерос устида сўзлайди, адабий танқид жонли адабий жараён устида сўз юртади... Адабиётшунослик асосан мутахассисларга қарата сўзлайди. Адабий танқид оммага, ҳаммага қараб сўзлайди, - деб "вазифа таксимлаш" жўнлик, жонли адабий жараёндаги ҳолатларни англаб етмаслик бўлмасмикан? Ҳозир соф адабиётшунослик билан шуғулланувчи олим ҳам омма билан сўзлашишга интилмоқда. Танқидчи эса жаҳон адабиётидаги муҳим ўзгаришлар билангинамас, ўтмиш адабиёти билан ҳам жиддий шуғулланмоқда. Бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик функцияси ҳақида фикр юритар эканмиз, мунаққиднинг ҳозирги жаҳон-адабиёти, ўтмиш адабиёти билан қизиқиши, шуғулланиши масаласига эътибор берамиз. Мунаққид истеъдодли, гўзаллик туйғуси ниҳоятда юксак бўлишлиги ҳақида бот-бот гапирамиз. Танқидчи ҳар қанча истеъдодли, гўзалликни нозик ҳис этадиган бўлса-ю, машҳур санъаткорлар яратган, яратаётган шоҳ асарлардан хабардор бўлмаса, унинг тили узун, сўзи ўткир бўлмайди. Мунаққид китобхонга нимадир бериш учун ниҳоятда кўп ўқимоғи, билмоғи жоиз. Билимдонлик, ўқи-мишлиликда танқидчи манман деган китобхондан илғор бўлмоғи, ёзувчи билан бемалол баҳсу мунозарага кириша олмоғи керак. В.Г.Белинский рус адабиётида пичоққа илинадиган зўр асарлар яратилмаган 1840-йилларда Шекспир, "халқ шоири" бўлишга биринчи даввогар И.Н.Крылов, Эжен Сю асарлари ҳақида ёзди. Унинг диққатидан Гомернинг "Илиада"си, "1001 кеча" эртаклари, Гёте асарлари четда қолмади. Машҳур танқидчи ўз имконияти даражасида ўтмиш адабиёти, жаҳон адабиёти билан танишди.

Бадиият оламининг машҳур санъаткорлари, ўлмас асарлари ҳеч қачон унутилмайди. Ҳар бир халқ, ҳар бир замон машҳур санъаткорлар, мангу асарлардан узица фойдаланади.

Ҳозирги ўзбек китобхони бой мумтоз адабиётни ўзлаштиради. Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Машраб, Фурқат асарлари янги замон китобхони томонидан ўзгача қабул қилинди. Классик адабиёт билан бир қаторда, ҳозирги ўзбек адабиёти, ўтмишда яшаган шарқ ва ғарбнинг машҳур санъаткорлари асарларидан баҳраманд бўлади. Шоирнинг қуйдаги мисралари бугунги ўзбекининг қалбини, маънавий оламини ҳаққоний ифодалайди:

Менга Пушкин бир жаҳону  
 Менга Байрон бир жаҳон,  
 Лек Навоийдек бобом бор,  
 Кўксим осмон, ўзбегим.

Китобхон маънавий оламига бойлик бўлиб кираётган яна бир манба бор. Бу - ҳозирги жаҳон адабиёти. Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек китобхони замонавий ўзбек ёзувчилари асарларидан ташқари ўтмиш ўзбек адабиётини, Шарқ ва Ғарб адабиётининг етук асарларини, ҳозирги жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини ушлаштиради. Мазкур манбалар китобхон қалбини бойитишга, унинг усиб-ўзгаришига хизмат қилади.

Мунаққид ўтмишнинг машҳур санъаткорлари, ўлмас асарлари ҳақида ёзар экан, ўз даврининг ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини ҳисобга олади. Бошқача айтганда, ўлмас асарларни ўз даври талаблари нуктаи назаридан талқин қилади. Мангу асарларнинг сеҳри шундаки, улар ҳамisha гузалликка ташна кишилар эҳтиёжини қондирадилар: гиёҳсиз тоғ, сувсиз қудук, гавҳарсиз садаф мисоли бўлиб қолмайдилар. Сўзнинг қудрати, мангу тириклиги азалидан донишмандлар диққатини жалб этган. Яшовчан, тирик сўз маъносини англатувчи онтология илк бор фалсафий оқим сифатида пайдо бўлди. Даулаб Вольф, кейинчалик Гегель бу таълимотни маромига етказиб ишладилар. Ҳозирги ғарб фалсафасида субъектив идеализм, ангостицизм ўрнига онтологияни ривожлантириш тенденцияси кучли. Биз фалсафий таълимотни эмас, адабиёт-шуносликда унчалик чуқур ишланмаган онтологик (юнонча "яшовчан", "тирик сўз") ёндашув принципи ҳақида фикр юритамиз. Ю.Боревнинг "Баҳолаш ва талқин санъати" китобида онтологик принцип ҳақида сўз юритилади. Муаллиф, бадий асарнинг яшовчанлигини ички зиддиятлар белгилайди, деган ғояни тасдиқлайди. Асар структурасидаги зиддиятлар - мангу ҳаракатлар манбаи деганда моддийлик ва маънавийлик, шахсийлик ва ижтимоийлик, маъно ва муносабат, идеал ва реаллик, ниҳоят бадий образларнинг яхлит системаси тушунилади. Бундан ташқари, бадий асар борлик, дунё моделини ташкил этувчи бир қанча қатламлардан иборатки, улар замида ҳам доимий ҳаракат давом этади.

Тирик, яшовчи сўз тушунчаси ўзбек адабиёти учун ёт эмас. Алишер Навоий асарларида, хусусан, "Ҳамса"ни ташкил этган дostonларнинг орасида сўз хусусида айtilган махсус боблар бор. Буюк Навоий сўзни жонга - ҳаракат манбаига ўхшатади:

Жон ўлуб ул, рух анинг қолиби,

Ким танида рух - анинг толиби.

.....

Сўздин ўлукнинг танида руҳи шок,

Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.

("Ҳайратул аброр", XIV боб).

Алишер Навоий сўзни рух, жонга айлантириш ҳаммининг қўлидан келмаслигини жуда яхши билади: "ниҳон сўз" топиш, "шамъи жонсўз" ни ёритиш, "шабистонга зиё" таратиш учун бошқа заррин ливойи бўлиши зарурлигини уқтиради. ("Фарҳод ва Ширин", IX боб).

Алишер Навоий сўзнинг мангу яшовчанлигини, бир замонда маъқул бўлмаган сўзлар бошқа бир замонда манзур бўлишлигига ишора қилади:

Сўзда тарих ихтилофи бор,  
Аҳли тарихнинг хилофи бор.  
Буки мен айлагум дурур мастур,  
Булмади эркин ул замон манзур.

("Сабъаи сайёр", XI боб)

Алишер Навоий сўзни улуғловчи, унга мангу умр бахш этувчи муъжиза назм эканлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, бадий асаргина сўзни ҳамиша тирик тутади:

Дафтари назмида чу шерозадур,  
Гул варақи гулшан аро тозадур,  
Узди чу шерозасини дафтари,  
Ел учурур ҳар варақин бир сари.  
Назм анга гулшанда очилмоғлиги,  
Наср қаро ерга сочилмоғлиги.  
Булмас эъжоз мақомида назм  
Булмас эди тенгри каломида назм.

("Хайратул-аброр", XIV боб)

Буюк Навоий сўзни тананинг жони дейиш билан чекланмайди. Сўз танани салим, гўзал қиладиган куч. Мангу яшайдиган вужуд сўз туфайли пайдо бўлган. Ниҳоят, ҳар бир кимса сўзлаш туфайли маънию шакл тонади. Бошқача айтганда, бадий асар мангу яшайдиган, ўз шакл-шамойили, феъли атворига эга кишига ўхшайди. Улуғсифат сўзлардан - дури манзум ташкил топган "тирик вужуд" ҳар бир замонда ўзига хос ранг билан тобланади, авлодларга хизмат қилади. Алишер Навоий Хисрав Дехлавийнинг "Лайли ва Мажнун"ини таърифлар экан, ҳар бир сўз, ҳаттоки, нуқта абадий яшашга хизмат қилишини айтади:

Ҳар нуқта бу саҳфада балос,  
Рухсор уза холи дилрабос.

("Лайли ва Мажнун", V боб)

Шоҳ асар санъаткор номини ҳам адабийлаштиради. Бадийят оламида шоҳ асарлар мўл, мангу барҳаёт ҳуқуқини олган санъаткорлар кўп. Айтиб ўтганимиздай, ҳар бир давр шоҳ асарлардан ўзича фойдаланади. Улуғ санъаткорларни ўзича эъзозлайди. Мана, Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари беш юз йилдан бери ўрганилади, неча-неча авлод китобхонларга хизмат қилади. Буюк Навоий ижодига муносабат жиддий тадқиқот мавзуси, биз Навоий асарларининг сўнгги 20-25 йил ичидаги талқини, ўрганилиши тарихи ҳақида гапиришимиз мумкин. Муҳими шундаки, кенг китобхонлар оммасининг Навоий ижодига, асарларига қизиқиши ортди. Адабиётшунос олимлар, мунаққидлар А.Навоийнинг бадий санъатини талқин қилишга киришдилар. Мақсуд Шайхзо-

да 40-йиллардан бошлабоқ А.Навой ижодини чуқур ўрғатишга киришган эди. 50-йилларнинг охири, 60-йилларда унинг Навой ижоди ҳақидаги унга яқин мақоласи эълон қилинди. Хусусан, "Устознинг санъатхонасида" деб номланган тадқиқот жиддий аҳамиятга эга. М.Шайхзода Навойнинг бадиий маҳоратини изчил, кўпчилиқка англашиладиган усулда ёритиб берди. Тадқиқотда Алишер Навойнинг поэтик асарлари "ўз замонасининг адабиёт қоида ва назарияларига, "иъми бадеъ" усулларига риоя қилиб яратилганлиги"<sup>1</sup> айтилади, таношиб, тазод санъатлари ҳақида кенг маълумот берилади. Кейинчалик Навой поэтикаси масалалари бошқа қағор тадқиқотларда ёритилди. Мухими шундаки, ҳозир китобхонлар оммаси, филолог талабалар Навой асарлари ҳақида кенг фикр юрига оладилар.

Тўхтасин Жалоловнинг "Хамса талқинлари" асари 50-йилларнинг ўрталарида яратилди. Бу асарнинг муҳим томони шундаки, муаллиф Навой "Хамса"сидаги давримизга ҳамоҳанг томонларни ёритишга ҳаракат қилади. Т.Жалолов асарида эркин талқин, "Хамса"ни оддий китобхонга тушунтириб бериш истаги сезилиб туради. "Лайли ва Мажнун" дostonи талқинининг хотимасида мунаққид миллийлик масаласига тўхталинади. Узок ўтмишда, устига-устак Арабистонда бўлиб ўтган воқеалар орқали А.Навой миллий характер яратганлиги, даврнинг муҳим муаммоларини акс эттирганлиги ҳақида ёза туриб, мунаққид Пушкиннинг асарларига В.Г.Белинский берган баҳони келтиради: "Пушкиндан аввал рус поэзияси Европа поэзиясининг қобиляятли ва содик тақлидчисигина эди, шунинг учун Пушкин аввалги рус поэзиясининг ҳамма асарлари мустақил илҳом эгасининг эркин асарларидан кўра кўпроқ ҳам нарсаларга ва нусха кўчиришга ўхшар эди. Бу тўғрида Навой ҳам ғоят қимматли фикрлар баён қилади. У, "Хамса"даги ҳар бир дostonнинг ё муқаддимасида, ё хотимасида, мен бу дostonга турк руҳи бердим деб фахрланади"<sup>2</sup>. Т.Жалоловнинг "Навой, Пушкин асарлари ҳақидаги фикрлари заминида шоҳ асарларга сира ҳам тақлид бўлмайди, даҳо санъаткорлар ўзга халқлар ҳаётидан олиб ёзган асарларида ҳам ўз халқининг миллий хусусиятларини акс эттиради" деган ғоя ётади.

60-йилларда Навой ҳаёти ва ижоди ҳақида Иззат Султоннинг "Навойнинг қалб дафтари" ва В.Зоҳидовнинг "Улуғ шоир ижодининг қалби" асарлари пайдо бўлди. Ҳар икки асар анча мураккаб ёзилган. Лекин уларни тор мутахассисларга мўлжалланган дейиш ноҳоиздир. И.Султон ўз асарини тамоман янги шаклда яратган. "Бу китоб Алишер Навой ҳақида шу вақтгача ёзилган асарлардан ўзгача, - деб ёзади муаллиф сўз бошида, -... Ростдан ҳам Алишер Навой бугун биз билан

<sup>1</sup> М.Шайхзода. Олти томлик. IV том. Ғазал мулкининг султони. Тошкент, Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт, 1972, 221-бет.

<sup>2</sup> Т.Жалилов. Нафосат оламида. Тошкент, Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт, 1974, 47-бет.

Ўзи ҳақида суҳбат қилиши мумкин. Бунинг учун биздан унга фақат муҳлисона бир хизмат даркор: ажойиб бадиий асарларида, илмий тадқиқотларида, хотираларида ва замондошларига ёзган саноксиз хатларида Навоий ўз даври, ўз ҳаёти ва умуман, ҳаёт ҳақида, ўз ижоди ва умуман ижод, ўз шахси ва умуман инсон ҳақида кўпгина фикрлар айтган; буюк шоир ҳаётининг гувоҳлари... ёзиб қолдирган асарларда ҳам улуг сиймонинг ижоди, ҳаёти, сўзлари, кишилар билан муносабати ва муомаласи, хулқи ва сажияси (табиати) ҳақида аниқ фактлар қайд этилган. Агар ана шу фикрлар ва маълумотлар бир жойга жам этилиб,... бир ипга чизилса, буюк инсоннинг ўзи ҳақида ўзи айтган иқрорномаси ва шаҳодатномасидек бир асар майдонга келади".<sup>1</sup> И.Султон асарининг фазилати шундаки, муаллиф аниқ мақсад нуқтаи назаридан Навоий ва унинг замондошлари асарини кунг билан ўқиб чиққан. Биз кўпинча Навоий ва унинг асарларини таърифлар эдик. Энди бўлса, Навоий яратган бадиият оламига дадил кириб боряпмиз. Ўзимизни қизиқтирган масалаларни ёритяпмиз. И.Султон А.Навоий ҳақидаги машхур драманинг муаллифларидан бири, буюк шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолалар автори эди. "Навоийнинг қалб дафтари"да И.Султон китобхонни Навоий асарлари "ораси"га олиб кирди, Навоий ҳақидаги тарихий манбалар билан бевосита таништирди.

В.Зоҳидовнинг асари Навоий ҳақида муаллиф томонидан яратилган кўплаб асарларнинг якуни сифатида пайдо бўлди. Мазкур китобда жиддий масалалар ҳал қилинади. Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Муаллиф жиддий масалаларни содда, оддий қилиб тушуштиришга интилади. Навоийнинг фалсафий қарашлари жуда мураккаб. Шундай бўлса-да, В.Зоҳидов масалани оддийгина ифодалашга интилади: "Ҳам Кузанли Николай, ҳам хусусан Жордано Бруно, Спиноза дунёга илмий қарашнинг ривожланишида жуда катта роль ўйнаган эдилар.

Алишер Навоийнинг дунёқараши, фалсафаси билан Кузанли Николайнинг, Жордано Брунонинг ва қисман Спинозанинг дунёқарашлари, фалсафалари орасида анчагина масалаларда моҳиятан умумийлик бордирки, бу ҳолат ҳам XV асрда, Шарқда яшаган Навоийнинг буюклигини, ўз асрдан нақадар илгари кетганлигини кўрсатади..."<sup>2</sup>

70-йилларда А.Навоий ижоди ҳақида талайгина асарлар яратилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан яратилган беш томлик "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг иккинчи томи (30 босма табоқ) тўлалигича Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди-га бағишланди. Олимлар Навоий яшаган ижтимоий муҳитни, шоир лирикасини, дostonларини, илмий-назарий, биографик асарларини

<sup>1</sup> И.Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги нашриёт, 1969, 5-бет.

<sup>2</sup> В.Зоҳидов. Улуг шоир ижодининг қалби. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1970, 281-бет.

жиддий таҳлил этдилар. Бу асар Навоий маҳоратини, буюк истеъдодини конкрет таҳлиллар мисолида кўрсатса-да, мутахассисларга, филология билан шуғулланувчиларга мулжалланганлиги сезилиб туради. "Муфрадот", "Муҳокаматул - луғатайн" асарлари арузнинг вазн, рунк, схемалари ҳақидаги мулоҳазалар, табиийки мутахассислар диққатини жалб қилади. Азиз Қаюмовнинг "Фарҳод ва Ширин" сирлари (1979), "Садди Искандарий" (1975) рисоалари шоҳ асарлар талқинига мисол бўлади. Биз Алишер Навоий дostonларидан парчалар ўқишга, айрим ҳикоятлар хусусидаги қарашларни ўзлаштиришга ўрганган эдик. Ойбек, Й.Султонов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов сингари олимлар Навоий асарларини чуқур ўзлаштирган, улар ҳақида аниқ концепцияга эга бўлган ҳолда баъзи асарларни талқин қилишга киришдилар. Азиз Қаюмовнинг Навоий дostonлари ҳақидаги рисоаларни китобхон учун пихоятда тансиқ. Лекин бу асарларда адабиётшунос олим қарашлари, тадқиқот йўли етакчилик қилади. Танқидчи шоҳ асарларни ўз даврининг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаназаридан таҳлил қилади: асардаги шу кун учун муҳим бўлган муаммоларга диққатни қаратади. Бу жиҳатдан Азиз Қаюмовнинг "Алишер Навоий" номли биографик асари диққатга сазовор. "Ажойиб кишилар ҳаёти" туркумида чоп этилган бу асар "Ёш гвардия" нашриётида 1976 йилда чоп этилди. Бу асар кўпроқ ёш китобхонларга мулжалланганлиги сезилиб туради. Муаллиф Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли, оммабоп ҳикоя қилиш йўлини танлайди. "Алишер Навоий" кенг китобхонлар оммаси диққатини жалб этди.

Профессор Азиз Қаюмов 80-йилларда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Фурқат ҳақида биографик асарлар яратди: халқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти хусусида кенг китобхонлар оммасига зарур материаллар берди. Илмий техника тараққиёти тобора авж олаётган ҳозирги пайтда ўрта асрларда яшаган, фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломалар ҳақида ёзиш зарур эди. Бошқача айтганда, илм-фаннинг юксак даражада ривожланишига Беруний, Ибн Синолар муносиб ҳисса қўшганлар. Интернационализм, халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда Фурқат сингари интернационалист санъаткор ҳақида ёзиш, улар асарларини кенг тарғиб этиш зарур эди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек классик адабиётининг етук намоёндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг китобхонлар оммасига мулжалланган, ҳозирги адабий жараён билан узвий боғланиб кетадиган мақола, бадиа рисоалар яратилмоқда. Адабий танқид кенг китобхонлар оммаси руҳиятидаги ўзгаришларни, адабий-эстетик талабларни назик ҳис этади. Халқда классик адабиётни, етук санъаткорлар ҳаёти ва ижодини, шоҳ асарлардаги ўлмас ғояларни англаб етишга қизиқиш кучайган. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган "Қаро кўзим", "Жони зоримни", "Айлағач...", "Куйида йиллар эдим...", "Шифои васл

кадрин..." (Фузулий), "Жамолинг соғиниб..." (Бобур), "Ўртар" (Машраб) сингари қушиқларни жон қулоғи билан тингламайдиган ўзбеки учратиш амримаҳол. Сунгги йилларда мазкур қушиқларнинг матнига, улардаги ғоявий-бадий гузалликларга қизиқиш ортди. Газета ва журналлар "Бир қушиқ (ғазал) талқини" рукнини очдилар. Эркин Воҳидов Алишер Навоийнинг бир неча ғазалларини нозик, теран талқин қилиб берди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, гузалликни ҳис қилувчи барча кишилар бу талқинларни тула уқиб олди. "Ёшлик" журналида Алишер Навоийнинг "Қаро кўзим" (1987 йил, 2-сон), "Ҳар лабинг..." (1987 йил, 6-сон), "Каманд учига еткурмас..." (1987 йил, 7-сон) ғазалларининг Нажмиддин Комилов томонидан қилинган талқини берилди. Мазкур талқинлар Навоийнинг буюк санъаткор эканлигини аниқравшан кўрсатди. Ҳар бир ғазал бадийликнинг юксак намупаси, пурмаъно хазина мисоли. Мазкур талқинларда Навоийнинг дунёқараши, бадий маҳорати узвий бирликда, боғлиқликда акс эттирилди. Шох асарларнинг бош фазилати шундаки, уларда маъно қат-қат бўлади. Ижодкор маҳорати шунда кўринадики, у маъноларни, ўлмас ғояларни сиқик сатрларга, кичиккина ғазалга жо қила олади. Талқинлар пуши исботладики, Навоий ғазалларининг ҳар бир мисраси шунчалик пухта, зички, уларга нарвон қўйиб "пастга тушиш", маънолар қатламини бир-бир ўрганиш мумкин. Н.Комилов талқинларида синчиклаб таҳлил қилиш (микроанализ) кўзга аниқ ташланади. Ғазал маъноси кенг сиқик бир дунё. Талқинчи бу дунёдаги ҳар бир белги, нуқтага синчиклаб назар солсагина маънолар оламини қамраб ола билади.

Мунаққид - жонли адабий-тарихий жараённинг фасл иштирокчиси, аниқроғи, уфқи кенг йўналишларга йўл очувчи, адабий ҳаракатдаги вазиятни синчиклаб кузатиб борувчи. Айни вақтда мунаққид адабиёт тарихидаги машҳур санъаткор, ўлмас асарнинг доимий мухлиси бўлиши мумкин. Иброҳим Ғафуровнинг "Ўттиз йил изҳори" тушпамидан Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Сабъан сайёр" достонлари ҳақидаги тўрт мақоласи ўрин олган. Мазкур мақолалар тарихий-функционал ўрганишга ёрқин мисол бўла олади. Мунаққид "Хамса"ни бугунги китобхон тушунчаси, қараплари нуқтаи назаридан баҳолайди. Сир эмас, диди шаклланаётган ёки ўқувчи-китобхонлар "Хамса"даги достонлар қаҳрамонлари руҳиятида рўй бераётган жараён, ҳолақларни ҳазм қилолмайдилар. Иброҳим Ғафуров "Лайли ва Мажнун" достони ҳақидаги мақоласини ота ва ўғил ўртасидаги адабий суҳбат тарзида қурган. Ўғилнинг "Ота, нега Қайс тез-тез хушидан кетиб қолаверади? Одам шунча кўп хушидан кетиши мумкинми? Мен ҳеч хушидан кетган одамларни кўрмаганман. Айтинг, нега шундай?", - деган саволни "Лайли ва Мажнун" достони мавзусида дарс ўтадиган ўқитувчи доим ўқувчидан эшитади. Афсуски, аксарият ўқитувчи ўқувчини қониқтирадиган жавоб бермайди. Иброҳим Ғафуров ўғил саволига жавоб берган: достон моҳиятидаги ғояни ифода этган. Лекин, очиги, ўғилга берилган жавоб мени қониқтирмайди. Эҳтимол, мунаққид ошиқ

қалбли инсон ҳақида кенгрок, Навоий қарашлари асосида жавоб бергани маъқулрок бўлармиди? Балки инсон туйғуларида асрлар оша ўзгариш бўлганлиги, илмий-техника тараққиети кишиларни сертуйғу эмас, ақли, ўта уддабурон қилиб қўяётгани ҳақида тўхталиш лозимиди? Ҳар ҳолда ўғилнинг лўнда, шу куннинг руҳида тўла акс этган саволи старли, қониқтирарли жавобга эга бўлмайди.

Иброҳим Ғафуров Навоий "Ҳамса"си ҳақидаги мақолаларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олади. Инсон ўзгариб кетди, янги одам пайдо бўлди. Янгича қарашлар инсон борлигини қамраб олди, деб лоф урамиз. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, инсон руҳиятини абадий тушунчаларга муносабати унча ҳам ўзгариб кетгани йўқ. Шоирнинг тоши мунаққидга отилганига ҳамиша қойил қоламаи:

✓ Эй, мунаққид, сен ғазални  
Кўҳна деб камситмагил,  
Севги ҳам одам Атодин  
Қолган инсон қонида.

(Эркин Воҳидов)

Инсон қонида мавжуд, ҳали узоқ-узоқ умр кўрадиган фазилату қурсурлар талайгина. Абдулла Орипов "Ижоднинг безовта онлари" суҳбат мақоласида қуйидагиларни ёзади: "Агар мен Данте билан суҳбатдош бўлиб қолсам, нима ҳақида гаплашар эдим? У менга энг яхши замондош бўларди. Асар бундан олти юз эллик йил бурун ёзилган. Шундан бери одамлар ўзгармабди. Аксинча, ишлатлар кучайибди. Дантедан порахўрлар, ўғрилар, ҳасадгўйлар, лаганбардорлар ва ҳоказо-ҳоказолар кўрқиб келадилар. Шунинг учун ҳам бу асар доим актуал".<sup>1</sup>

Иброҳим Ғафуров "Ҳамса" дostonлари ҳақидаги мақолаларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олган экан, Навоий билан замонамизни, замондошларимизни улайдиган энг яқин йўлни танлайди. Мунаққид инсон табиатидаги фазилатларнинг Навоий томонидан топиб-топиб тасвирланганига диққатни жалб қилади. Фарҳоднинг мурувватлари ҳақида фикр юритар экан, Навоий қаҳрамони билан илғор замондошимиз аро яқин боғлиқликни кўради. "Фарҳод ўзи эришган ва биз йигирманчи аср одамларига ҳам ибрат-фазилатлари билан ғоятда мароқли қаҳрамондир... Фарҳод ишқнинг абадий сўнмас алангаси. Ширини эса, шу аланганинг қизил гунчасидир.

Не бахтки, улар бизга, адабиётимизга XX асрда ҳамон фусункор шуълаларини ёғдириб турадилар. Шуъла умри барбод бўлмагай".<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Ижоднинг безовта онлари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. 1987, 4-сон, 76-бет.

<sup>2</sup> И.Ғафуров. Ўттиз йил изхори. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1987, 38-бет.



"Дунё кезувчиларнинг доноликлари" мақоласи "Сабъаи сайёр" дostonига бағишланган. Муаллиф мазкур дostonда Навоийнинг даҳo санъаткорлигини ёрқин намoён бўлганлигини ёзади. Буюк Навоий кoинот, мангу ҳаракат, абaдий зиддиятлар ҳақида, Низомий, Деҳлавий дostonлари тўғрисида, ўзининг дoston яратишдаги мақсадлари хусусида ёзади. И.Ғафуров Навоий дostonларида учраган "Сабъаи сайёр"да кўзга аниқ ташланган хизрваш пир образини ажойиб галқин қилади. Хизрваш пир - Навоийнинг генийси. Санъаткорлик даҳоси Навоийни улуғлайди, уни сеҳрли бадиият осмонига олиб чиқади. Навоий хизрваш пир билан ҳаёт ва ижоддаги ўстoди образини бир-бирига улаб юборади. Навоий ўз дostonи билан Низомий ва Деҳлавий дostonлари аро фарқни исботлайди. Дostonда Баҳром Гўр характери асосий ўринни эгаллайди. Иброҳим Ғафуров Баҳром образининг адабиётдаги генезиси хусусида гап очади. Баҳром характеридаги хусусиятлар, мураккабликлар ҳақида гапиргач, "Навоий... Баҳромнинг ишқ изтиробларини тасвирлашга, ишқнинг айрилиқ азобини ёритишга қарата... Навоий учун хиссий-эмоционал кечинмаларини тасвирлаш, уларни оқим тарзидо ифодалаш биринчи даражали аҳамият касб этади",<sup>1</sup> - деб ёзади муаллиф. Баҳром характерини ёритиб бериш танқидчининг мақсадига айланади. Баҳромнинг етти саройда етти мусофирдан тинглаган ҳикоясида ҳам асосий мақсад диққатдан кочмайди. Ҳикоятларнинг қаҳрамонлари, воқеалари характер ичра образлар, олам ичра оламлар сифатида намoён бўлади. Характер тахлили Баҳром устидан чиқарилган куйидаги ҳукм билан якунланади: "Баҳром ҳаётининг сўнги дамлари ер юзини охулар ва қулонлар, тирик махлуқларнинг қонига ботирди. Навоий ер юзини қонга ботириш картинасини бутун машъумлиги билан чизади. Улуғ сиймо яратади. Ўз даври оқимларини ҳам, келажак наслларни ҳам хушёр булишга огоҳ этади. Унинг назарида қон тўкувчи эмас, қон тўкувчи - қонга ботувчи, қон ботқоғида дом-дараксиз ғойиб бўлувчидир".<sup>2</sup> Иброҳим Ғафуров Навоий санъатига махлиё бўлиб, дostonни, қаҳрамонлар характерини тахлил қилаётган эди. Қарангки, мунаққид кутилмағарда Баҳром образи хусусидаги гапни бизнинг ҳозирги замонга буради. Ҳаёлимиздан "Қиёмат" (Ҷ.Айтматов) романидаги тўс-тўполон - сайғоқларнинг қирилиши, Авдийнинг қийнаб ўлдирилиши ўтади. Жаҳоннинг турли худудларида давом этаётган урушлар, ёвузликлар; одамларнинг силласини қуритаётган турфа хил одатлар ёдимизга тушади. Шох асарларнинг янги замон, авлодларга хизмаги деганда худди мана шуни назарда тутамиз. Ўлмас асарларнинг янги замонлар муаммолари билан боғланиб кетиши - уларнинг ижтимоий-эстетик функциясидир.

<sup>1</sup> И.Ғафуров. Ўттиз йил изҳори. Ғафур Гулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1987, 49-бет.

<sup>2</sup> Уша асар. 55-56-бетлар.

Иброҳим Ғафуров Навоий дostonларини Фарҳод, Баҳром образларини шундай таҳлил қиладики, китобхон ҳаёлидан ҳозирги кун масалалари, замондошларимизнинг мукамал қиёфаси ўтиб туради. Афсуски, Навоий дostonларининг етук қирралари очиб берилган мақолалар шаклида номукамаллик сезилади. Иброҳим Ғафуров Навоий асарларидаги шакл ва мундарижа мутаносиблиги ҳақида берилиб ёзди-ю, ўзи мақолалар шаклига етарли эътибор бермайди. "Фарҳод ва Ширин" ҳақидаги фикрларни битта мақолага жойлаш мумкин эди. "Сабъан сайёр" дostonи ҳақидаги мақола муаллиф фикрларини "сиғдира" олмади. Баҳромнинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари тингланган ҳикоялари ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмайди. Гап ҳикоятлар мазмуни, таҳлилида эмас, албатта. Иброҳим Ғафуров ҳикоятлар воситасида Баҳром характерини ёритади. Сўнги уч кеча ҳикояси, агар муносиб жанр танланганда, Баҳром характерининг яна бир қатор хусусиятларини ёритган буларди.

Алишер Навоий асарлари бизнинг замонамизга, келажак авлодларга яна ҳам унумлироқ таъсир этмоғи учун нималарга эътибор бериш керак? Бу ҳақида адабиётшунослигимизнинг икки навқирон вақили сўзларига қулоқ тутайлик: "...Навоий ижоди қадимги Шарқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетган. Хўш, қадимги Шарқ фалсафасини ўрганмасдан туриб Навоий қарашларини тушунишимиз мумкинми? Йўқ, албатта. Навоий осмондан тушмаган. У ўша фалсафа заминида ўсиб, вояга етган. Шарқ фалсафий тафаккурининг энг илғор йўналишларини ижодий ривожлантирган, бойитган. Буни англамасак, "Навоий беҳад буюк!"дан нарига ўтолмаймиз".<sup>1</sup> (Мусурмон Номозов). "Давр ва ижодкор фалсафасини билмай туриб, маданий мerosнинг мағиз-мағизигача англаш мумкин эмас. Биз тарихни яхши билмаймиз, жумладан халқимиз мураккаб тарихий тараққиётга эга эканлигини ҳар доим ҳам тўлиқ ҳис этавермаймиз. Тўлиқсиз тасаввур тарихий шахсларга бўлган ёндашувимизни ҳам кемтик қилиб қўяди. Биз умуман, ўзбек классик адабиётининг ўзига хос хусусиятларини атрофлича билмаймиз. Рамзлар, қаҳрамонлар, Шарқ афсоналарисиз Навоийни ҳам чуқур билиб бўлмайди."<sup>2</sup> (Афтондир Эркинов).

Ўзбек классик адабиётида ўлмас санъаткорлар, шоҳ асарлар кўп. Лекин машҳур санъаткорлар ижоди, мангу асарлар ҳар хил баҳона-ю сабаблар билан ўрганилмади. Тараққиётнинг шундай палласига кўтарилишдики, халқнинг ижтимоий-эстетик тушунчаси шунчалик ўсдики, ўтмишда яратилган буюк асарларни ҳозир бемалол қош этишимиз мумкин. Халқ, китобхонлар оммаси ўша асарлардаги ўзига зарур, замона зайлига мос томонларни бемалол ажратиб ола билади. Адабиётшунос, танқидчиларимиз машҳур санъаткорлар, етук асарларни шу кун талабларига эҳтиёжлари асосида таҳлилу талқин қилиб бера оладилар.

<sup>1</sup> "Ёшлик" журнали, 1988 йил, 2-сон, 72-73-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Бегали Қосимовнинг "Излай, излай топганим...", Нажмиддин Комиловнинг "Ибн Сино ва Данте", Шариф Юсуповнинг "Фуркат йулларида" асарлари адабиётшуносликка доир тадқиқотлардир. Лекин уларда масалаларни 80-йиллар талаблари, замон ва замондошлар тушунчаси, қарашлари асосида ёритиш тенденцияси кучли. Бошқача айтганда, мазкур тадқиқотларда улуғ санъаткорларнинг XX аср охириларидаги эътибори, шоҳ асарларнинг ҳозирги авлод маънавиятига таъсири масаласи алоҳида маъно қатламини белгилайди.

Гоҳо шундай бўладики, утмишда яратилган биронта шеър, ёхуд дostonни ўқиб, ўз замонамиз хусусиятлариши очик-ойдин кураётгандай, утмишда ҳам яхшилик ва разолат, қувонч ва қайғу ҳудди бизнинг кунларимиздай ёнма-ён юрганини сезасан. Муҳаммадали Қўшмоқовнинг "Зоти қулзум Турди" ("Шарқ юлдузи" журнали, 1987, 12-сон) бадиаси турғунлик йиллари деб номланаётган босқич тугалланиши билан яратилиши, "Субҳонқулихон асрида хон, унинг қуллари, амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ қушбегининг иноқ бўлиши; Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий мухаммас ёзгани", дostonнинг нозик таҳлил қилиниши кишини ром этади. Замондошимиз онгини эгаллаб бораётган янгича тафаккур кечаги ҳаётга, бюрократик муносабатлар илдиз отиб кетган бошқарув усулига қарши гиғ кўтармоқда. Қарапқи, М.Қўшмоқов Турди дostonини таҳлил қилиш орқали, "Оламни сел агар тутса, баланддур жойим", "Арқ ичин маҳкам эдиб, айладим ўзимга ятоқ" дейдиган амир-амалдорлар билан замонавий тўралараро боғлиқлик ягона илди топади. Турди шеърларида замонасидан - порога аждаҳодек оғзини очиб турган, "Камчилар солиб, халқнинг бўйни, бегини қонатган" беклардан халқ додини эшитадиган Хисрави одил шоҳ йўқлигидан нолийди, "дили тиғи ситамдин пора булган халқ" аҳволига ачинади. Янгича тафаккур классик адабиётимизнинг нодир асарларини янгича таҳлил қилиб беришга туртки бўлади деб ишонамиз.

Ўзбек классик адабиётининг етук намояндалари замондошимиз маънавиятида қанчалик жиддий урин эгалласа, жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари яратган шоҳ асарлар бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо асарлари ўзбек китобхони томонидан қанчалик эъзозланса, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Фузулий, Маҳтумқули сингари сўз санъаткорлари асарлари халқимиз томонидан севиб ўрганилган, ўрганилмоқда. Кизиги шундаки, жуда кўп китобхонлар "Шоҳнома" дostonи, Фузулий ғазаллари, Бедил рубойлари, Саъдий, Ҳофиз, Маҳтумқули қушиқлари ўз ўзиники эканлигига шубҳа қилмаган, мазкур санъаткорлар асарлари Навоий, Машраб, Фазлий, Муқимий, Завқий асарлари сингари қадрланган. Руҳий, маънавий қардошлиқ форсий ва туркий тилларда яратилган асарларни ўзаро яқинлашгирган: туркий тилда ғазал битган деярли барча шоирлар форсча шеърлар ёзганлар. Фақат ўзбек форс-тожик шоирларигина эмас, мусулмон дунёсида яшайдиган турли миллат ёзувчиларининг адабиётларида ғоявий-фалсафий асослар, поэтик санъатлар, мавзулар, сюжетлар ўзаро яқин. Бу ҳақда Венада туғилган, 30-йил-

ларнинг охиридан бошлаб АҚШда яшаган Густав Эдмунд фон Грюнебаумнинг (1909-1972) "Араб-мусулмон маданиятининг асосий белгилари" китобида тулиқ маълумот берилган. Бу китобда араб адабиёти намояндалари ҳақида фикр юритилса-да, мусулмон дунёкараши ва мусулмон илми, араб назариясида сайёр сюжет концепцияси, мусулмон адабиётида ислом руҳининг акс этиши сингари проблемалар мавжуд. Китобга кирган мақолаларда Шарқ мусулмон адабиётидаги традицион сюжетлар, туркий адабиёт намуналарида учрайдиган образлар, мавзулар ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек адабиётшунослари форс адабиётининг йирик намояндалари, ўлмас асарлари ҳақида тадқиқотлар яратмоқдалар. Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, профессор Шоислом Шомухамедов 60-йиллардан бошлаб форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари, шох асарларини ўзбек китобхонлари орасида кенг тарғиб қилиб келмоқда. Олим аксарият мақолаларида форс-тожик адабиётидаги интернационал руҳни алоҳида таъкидлайди. Бу адабиётни турли миллат вакиллари яратганлигини алоҳида кўрсатар экан, ҳозирги адабиётшуносликдаги хато бир тенденцияни қаттиқ қоралайди:

"Фирдавсий қайси миллатга хос, Фаробий ким?" - деган савол метафизикларча қўйилган суроқ эмасмикан? Маданиятимиз даҳоларини таллашиш ўрнига бу фактларни тарихий ҳаққоният билан шарҳласак, ҳозирги кунда ёшларни интернационализм руҳида тарбиялашимизга ҳам, халқлар орасида дўстлик, тинчлик, тотувлик, бир-бирига ишонч ҳисларини тарбиялаш ишимизга ҳам фэйз қўшмасмикан.

Ҳозир чет эл пантуркистлари, паниранистлари ва бошқа "пан"лар орасидагина эмас, ахён-ахёнда бўлса-да, бизнинг ижодий интеллигенциямиз орасида ҳам шундай кайфиятлар сезилиб қолади. Албатта, ҳар бир халқнинг ўз маданий анъанаси, ўз адабиёти бор. Буни инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо қандай бўлмасин "классик" қовлаб топиш тенденцияси ҳам, шундай уришишларга берилиб кетиб, маданиятимиз, адабиётимиз, манба ва маншаидаги умумийликни кўрмаслик ҳам масаланинг илмий ва тарихий моҳиятини чуқур англамасликдир".<sup>2</sup>

Маълумки, Ғарб адабиётининг Гёте, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Горький, Есенин, Тихонов сингари санъаткорлари форс-тожик адабиёти классиклари ижодига юксак баҳо берганлар, ўзлари ҳам улар услуби-ю жанрида асарлар ёзганлар. Шарқ халқлари орасида форс-тожик адабиётига ҳурмат шунчалар юксак бўлганки, Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Бедил, Ҳофиз асарларини мукамал билган, юксак маҳорат билан талқин қила олганлар сони доим ортиб борган. Ҳар бир давр, замон ҳисси бу туганмас бойликдан ўз имкони, тушунчаси даражасида фойдаланган. XX аср арафасида китобхонларнинг янги-янги авлоди пайдо бўлмоқда. Улар ҳам форс-тожик адабиёти хазинасига

<sup>1</sup> Г.Э.Фон Грюнебаум. Основные черты арабо-мусульманской культуры. М.: "Наука", 1981.

<sup>2</sup> Ш.Шомухамедов. Хазиналар жилоси. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1981, 317-318-бетлар.

мурожаат қиладилар. Туғри, форс-тожик адабиёти классикларининг асарлари сусайиб боришга - ҳимоячига зор эмас: уларни асрлардан-асрларга парвоз қилдирган "қанот" ҳам, ўқувчи билан яқинлаштириб, қулфи дилини очадиган қалит ҳам моҳиятда, бадиий ўзакни тапқил қилган зарраларда. Лекин шундай бўлсада, Рудакию Фирдавсийга, Хайёму Бедилга, Саъдию Ҳофизга замон паспоргининг берилишида Шоислом Шомуҳамедов сингари олимларнинг тавсияномалари зарур. Ш.Шомуҳамедов яратган илмий-назарий, илмий-оммабон асарлар асосини "Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм" деб номланган тадқиқот белгилайди. Олим форс адабиёти классиклари ижодида хур инсон улуғланганлигини, етук одамлар абадий мавзулар атрофида мушоҳада юритганликларини таъкидлайди. Машҳур санъаткорлар улкан мақсадлар билан яшовчи буюк инсон образини яратдилар.

Даҳо санъаткорлар инсон умрининг безағи - эзгу ишлар мангу қоладиган яхшиликлар ҳақида ёздилар.

Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,  
Яхшиси яхши иш бўлсин ёдгор.

(Фирдавсий)

Тананг ҳам кетажак, бору йўғинг ҳам,  
Тахтлидир яхши ном қолдирган одам.

(Ҳофиз)

Абдурахмон Жомий битга рубоийда инсон умрининг мазмунини чи-зиб беради:

Ёдда тут дунёга келган чоғингда,  
Ҳамма кулар эди, фақат сен гирён.  
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,  
Ҳамма йиғлаб қолсин, сен эса хандон.

Даҳо санъаткорлар - улар шарқлими, ғарблими, оқ юзлими, қора танлими, мусулмонми, мажусий ё христианми - юксак ғояларни куйлаганлар. А.Жомий эндигина туғилган гўдакнинг йиғисига ҳамманинг қувончини қарши қўяди: йиғи ва қувонч. Вильям Шекспирда ҳам йиғлаб туғилган гўдак образини учратамиз. Аммо донишманд Шекспир бу образни янги маъно билан бойитади. Яхшиси, шу ўринда Саъдулла Аҳмаднинг "Эдип" деб номланган бамаъни китобидан кўчирма келти-рамиз:

"Шекспир Лондонда "Лорд камергер труппаси" театрида актёр ва драматург бўлиб иш бошлайди. 1599 йил ёзида труппа Темза дарёси-нинг жануб қирғоғида ўзи учун янги "Глобус" театрини куради. Янги театр кўп қиррали призма шаклида солинган бўлиб, кираверишига ер шарини елкалаб олган паҳлавон - Геркулеснинг сурати солинган эди. Шунга кўра, театрининг номи ҳам "Глобус" ёхуд "Ер шари"... деб атал-

ган. Яна театр пештоқиға: ("Бутун дунё ролга кирмоқда" маъносини ҳам билдирувчи) "Дунё найрангбоздир" деган сўзлар ҳам ёзилган эди-ки, буларнинг ҳаммаси Шекспирдан чиққан ақл, деб тахмин қилинади. Чунки у "Тамлет"да дунёни зиндонга менгзайди; гурков тили билан, Англияда ҳамма ҳам жинни - девона", дейди; "Кирол Лир" -

Туғиларкан биз йиғлаймиз, чунки ҳаётнинг  
Саҳнасида аҳмоқларнинг ролин уйнаймиз, -

деб айтади<sup>1</sup>. Кези келганда шуни айтиш керак-ки, Саъдулла Аҳмад Шекспир асарлари, Софоклнинг "Шоҳ Эдип"и таржима ва саҳна талқинлари ҳақида ёзади. Муаллиф Софокл асарининг замонлардан замонларга ўтиб келишини қисқагина ёзади-да, Шукур Бурҳон Эдипи ҳақида батафсил фикр юритади. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг миллий адабиётларга таъсири масаласини хусусан "Шекспир ва Пушкин" мақоласида маромига етказиб ёритиб беради. Биз Пушкиннинг даҳо санъаткорлиғига шубҳа қилмаймиз. Қарангки, Пушкин Шекспир ге-нийсининг мухлиси бўлган, бир неча тарихий фожиаларини Шекспир асарларининг таъсирида ёзган.

Биз жаҳон адабиётининг улмас сиймоларини ёрқин юлдуз, сайёра-ларга қиёслаймиз-у, бу юлдузларнинг ўзаро боғлиқликлари, тортилиш қонуниятлари ҳақида гапирмаймиз. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг Пушкинга таъсирини очган бўлса, жуда кўп танқидчилар Пушкиннинг жаҳон ёзувчиларига таъсирини, рус шеърятни даҳосининг асарлари шу кунларда қандай буюк вазифаларни бажараётганликлари ҳақида ёз-моқдалар. Шоҳ асарларининг ўзлаштириш масаласи, халқнинг эстетик маълумоти муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Халқнинг эстетик маълумоти-ни ўстиришда таржимоннинг ҳиссаси мунаққиднинг хизматидан ор-тиқ бўлса борки, кам эмас. Таржимонлик фақат таржима қилиш, шу санъат сирларини эгаллашгина эмас. Таржимон ўтмиш адабиётини, жаҳон адабиётининг етук билимдони, халқнинг ижтимоий-эстетик та-лабларини назорат қилувчи шахс. Танқидчининг диди, билимдонлиги қайси асарни қачон таржима қилиш лозимлигини англашида билинади. Иброҳим Ғафуров, масалан, саргузашт, детектив асарларни қоғириб таржима қилиши мумкин эди. Лекин у Достоевский асарларини тар-жима қилиш зарурлигини англаб етди. Ўзбек китобхони ўта мураккаб психологик асарларни англаб етадиган даражага кўтарилди. П.Мериме, Стендаль, Ж.Боккачо, М.Булгаков, Ги де Мопассан, Хемингуэй, Сент-Экзюпери сингари санъаткорларнинг асарлари китобхон учун мураккаб бўлмай қолди. Қ.Мирмухамедов, Х.Турабеков, О.Шарафиддинов ва бошқа таржимонлар ҳам ўзлари таржима қилган шоҳ асарлар, улар-нинг ҳозирги китобхон маънавий дунёсидаги ўрни ҳақида бемалол

<sup>1</sup> Саъдулла Аҳмад. Эдип. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1988, 108-бет.

мақола ёзишлари мумкин эди. Бу ишни таржимашунослик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар бажармоқдалар. Лекин менимча, таржимашуносларимиз таржимада танлаш ва мутаржим концепцияси масаласига эътибор бермаяптилар. Биз таржимон деганда ўз адабиётини ўзга адабиётларнинг мангу асарлари ҳисобига бойитувчиларнигинамас, ўз адабиётининг нодир асарларини ўзга халқлар билан баҳам кўрадиганларни ҳам назарда тутамиз. Шоир ва таржимон Ҳамид Исмоилов ўзбек шеърятининг етук асарларини рус тилига таржима қилади. "Муз қучоғида юлдуз" мақоласи билан Х.Исмоилов пишиқ танқидчи эканлигини исботлади. У Чўлпон ижодига, шахсига бўлган совуқ муносабатлар ҳақида ёзар экан, Чўлпоннинг рус адабиётига, рус санъаткорларига, ўлмас асарларга нисбатан жўшқин мухаббатини кўрсатиб берди. Ҳақиқий интернационалист бўлган Чўлпоннинг миллатчи сифатида маҳв этилганлиги кишини таажжублантиради, сталинизм моҳияти ҳақида теранроқ ўйлашга ундайди".<sup>1</sup>

Тарихий-функционал урганиш фақат ўтмиш адабиёти ва жаҳон адабиётининг етук санъаткорлари, мангу асарларгагина нисбатан қўлланилмайди. Бу принцип ҳозирги ўзбек адабиётига нисбатан ҳам бемалол қўлланиши мумкин. Ўзбек адабиётига машҳур санъаткорлар, шоҳ асарлар талайгина. Лекин ҳақиқий санъаткорларнинг хизматлари ҳамиша кўнгилдагидай эъзозланадими? Шоҳ асарлар яратилиши биланок халқ қўлига етиб боради-ю, ҳамиша унинг хизматида бўладими? Пушкиннинг даҳо санъаткорлиги, замондошларга, подшо ва унинг атрофидагиларга яхши маълум эди. Лекин амалдорлар Дантеснинг қўлидаги ўлим қуролини уриб туширмадилар. Машраб оддий одам эмаслиги, унинг юрағида сеҳрли ўт борлиги, дорга осипга буюрганларга аён эди. Немис-фашистлари Юлиус Фучик, Муса Жалил деган оддий жангчиларни эмас, санъаткорларни ўлдираётганликларини яхши англардилар. Ҳамзанинг рақиблари уни ўлдириш билан халқни катта истеъдоддан маҳрум қилаётганликларини тушунардилар. Хуллас, санъаткор ҳамиша аниқ сиёсий позицияга эга бўлган шахс. Шоҳ асарда ҳам сиёсий, ахлоқий, эстетик қатлам мавжуд бўлади. Ундаги сиёсий йўналиш, ахлоқий масалалар даврлар ўтиши билан эскириши мумкин. Аммо шоҳ асарнинг эстетик таъсири ҳамиша ортиб боради. Янги ўзбек адабиётининг етук санъаткорлари ижтимоий сиёсий ҳаётда фаол иштирок этдилар. Уларнинг асарлари турли тушунчадаги, турли маданий-эстетик савиядаги кишилар томонидан турлича талқин қилинди. Бадиий асар талқинчиларининг савияси, тушунчаси, маънавий эстетик бойлиги даражаси санъаткорлар тақдирида муҳим роль ўйнади. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан то 50-йилларнинг иккинчи ярмигача сиёсий хушёрлик масаласи, аниқроғи, ҳар бир кишидан сиёсий айб

<sup>1</sup> Ҳамид Исмоилов. Звезда подо льдом. (О русской культуре в творчестве Чулпана). Журнал "Вопросы литературы", 1988, №4, стр.212-225.

топишга интилиш, шубҳа билан қараш ниҳоятда авж олади. Сталиннинг сиёсий хушёрлик масаласи, аниқроғи, ҳар бир кишидан сиёсий айб топишга интилиш, шубҳа билан қараш ниҳоятда авж олди. Сталиннинг синфий курашининг кескинлашиб боравериши зарурати ҳақидаги назарияси<sup>1</sup> адабиёт тараққиётига жиддий зарба бўлди. Адабиётнинг кўплаб намояндалари халқ душмани ниқоби остида озодликдан маҳрум этилдилар. Улар яратган асарларни йўқ қилиб юборишга ҳаркат қилинди. А.Қодирий, Усмон Носир, Боту, Чўлпон, Фитрат сингари санъаткорлар нотўғри сиёсий қарашнинг қурбони бўлдилар. А.Қодирий, Усмон Носир, Боту сингариларнинг асарлари 25-30 йил, Чўлпон, Фитрат асарлари 50-60 йил давомида халққа "хизмат қилиш" вазифасини ўтамади. 30-йилларда туғилган авлоднинг маънавий дунёси ўнлаб шоҳ асарлардан баҳраманд бўлмади шаклланди. Қарангки, мана шу авлод балоғатга етиб, замон юқини елкасига олиш палласини турғунлик йиллари деб аталди. Кўйди-чикди, маънавий-ахлоқий тубанликлар, порахўрлик, бюрократизм шу йилларда авж олди. Мана бу камчиликларда маънавий дунёдаги кемтикликнинг ҳиссаси йўқ деб бўладими?

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар адабиётшунослигида вульгар социологизм авж олди. Ёзувчининг асарлари фақат замон, жорий сиёсат нуқтаи назаридан "баҳолана бошланди". Истеъдодли мунаққил Олим Шарафиддинов - "Ўзбекистон овози" газетасининг 1927 йил 14 февралда босилган "Ўзбек шоирлари. Чўлпон" мақоласида шоир асарларини замонасозлик руҳида, сохта талқин қилади. Чунончи шоирнинг "Қушнинг ҳадиғи" шеърисида революцияга қарши фикр йўқлиги айтилади-да, шоирнинг русларга қарши чиққанлиги таъкидланади<sup>2</sup>. Шу муаллифнинг "Ўтган кунлар" тақризида Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари саёз, бир ёқлама талқин қилинади. Шундай ҳолни М.Шевердиннинг "Биринчи ўзбек романи" тақризида ҳам учратамиз. Сотти Хусайн "Шарқ ҳақиқати" газетасининг 1929 йил июнь, июль, август, сентябрь, октябрь ойларида "Ўтган кунлар" ҳам ўтган кунлар" монография тақризини чоп эттиради. Тадқиқот-тақризда "Ўтган кунлар" романининг сиёсий, ахлоқий томонлари кенг ёритилади-ю, унинг эстетик қиммати хусусида асосли фикр айтилмайди. Тўғри, гап О.Шарафиддинов, М.Шевердин, Сотти Хусайннинг Абдулла Қодирийга муносабати ҳақида эмас. Ўша даврда бадиий асарга бир томонлама қараш, санъаткорнинг синфий, партиявий муносабатига урғу бериш кучли эди. Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги монографиясида Ҳамид Олимжоннинг Фитрат тўғрисидаги мақоласида ўша давр адабиётшунослигининг руҳи аниқ сезилади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда, жумладан, П.Федосеев "Тарих фани адабиётнинг актуал масалалари" мавзусида ўтказилган конференцияда сўзлаган нутқида тўхталинади. "Литературная газета", 1988, 18 май, 4-бет.

<sup>2</sup> Х.Исмаилов. Звезда подо льдом. "Вопросы литературы", 1988, №4. стр. 217.



"Сароб" (А.Қаҳҳор), "Кеча ва кундуз" (Чулпон), "Қутлуғ қон", "Навоий" (Ойбек), "Қўшчинор" (А.Қаҳҳор) сингари халқ ҳурматиға сазовор бўлган асарлар дастлаб бир ёқлама, сохта таҳлил қилинди.

50-йилларнинг охири, 60-йилларда шоҳ асарларни бадий бойлик сифатида баҳолаш кучайди. Шу пайтда А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, У.Носир, М.Шайхзода, Миртемир асарлари И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиоров, Н.Шукуров сингарилар томонидан ижтимоий-эстетик йўналишда таҳлил қилинди. Бопқача айтганда, санъаткорлар ижодини ўрганишда янги давр бошланди. "Ўтган кушлар", "Меҳробдан чаён", "Сароб", "Қўшчинор чироқлари", "Навоий" сингари машҳур асарлар янги авлод китобхошларига таъсир этиб, уларнинг маънавий дунёсини бойитга бошлади. 80-йилларда Ойбек ижоди янгича талқин қилина бошланди. 50-60-йилларда биз кўпроқ носир Ойбек маҳорати ҳақида асосий гапларни эшитдик, жиддий мақолаларни ўқидик. 80-йилларга келиб Ойбекнинг илк шеърляти, 60-йилларда яратган лирик асарлари янгича талқин қилинди. Н.Каримов, И.Ғафуров мақолаларида Ойбекнинг лирик шеърлари ҳақида оҳорли фикр айтилди. Хусусан, Иброҳим Ғафуров "Шеърлят - изланиш демак" рисоласининг "Ғаол инсон ва ижтимоий оптимизм" бобида Ойбек поэзиясини бир бутун ҳолда таҳлил қилади, шоирнинг илк лирикаси ҳақида кенг тўхталнади: 20-йилларда ўзбек шеърлятига турли ўзига хос сўзлар, образлар, рамзлар, шеърлий усуллар кириб келган эди. Мана шу нарсаларнинг бари Ойбекнинг романтик услубига ҳам хос. Ойбек ўз романтик услубининг табиатига ва йўналишига кўра қуёш, қуш, чечак, шарк, сл, эрк, ҳурлик сингари сўзлар, тушунчаларини, шулар билан боғлиқ образларни кўп қўллайди.

Ойбекнинг мана шу даврда яратган шеърлярининг ҳар бир қатори, ҳар бир образи, кечинмалар тасвирида унинг ўзини топишга, лирикасининг мундарижаси ва ғоявий йўналишини аниқлашга интилгани сезилиб туради. Ойбек лирикаси табиатга жуда яқин эканлиги, табиатдан саховатли қалб билан чексиз илҳомлар ола билиши, тўғрироғи, табиатни худди шеър каби қабул қилиш қузатилади. Унинг табиат нафаси кирмаган, табиат билан боғланмаган шеъри йўқ ҳисоб. Ойбек лирикасида "мен" шахси ҳар бир сўзда, кечинмаларда, руҳий ҳолатларда табиат билан боғланади, табиат билан юракдан суҳбатлашади, сирлашади. Унда табиатни ҳис қилиш жуда кучли. "Мен" кечинмаларига табиат мумтоз ва такрорланмас эмоционаллик бағишлайди<sup>1</sup>. Янги тадқиқотлар Ойбекнинг санъаткор сифатида бетакрорлигини, мураккаблигини кўрсатди. Ойбек поэзиясида табиат тасвири асосий ўринни эгаллаган экан, санъаткор прозасида тасвирланган характерларда индивидуал, табиий белгилар шунчалик жиддий акс этган бўлиши керак. Ойбек прозасини, ундаги характерларни янада жиддий ўрганиш танқидчилик,

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Шеърлят - изланиш демак. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. Тошкент, 1984, 106-бет.

адабиётшуносликнинг бу галдаги вазифасидир. Адабиётшунос Н.Раҳим-жонов "Давр ва ўзбек лирикаси" тадқиқотида Миртемир, Асқад Мухтор сингари шоирлар ижодида табиат тасвири масаласини ёритди. Аникроғи, у ўзбек шеърятини янги проблема нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, етук санъаткорлар, шоҳ асарлар мангу янаш ҳуқуқини оладилар. Улар ҳар бир даврга, янги авлодга янги-янги томонлари, қирралари билан хизмат қилаверадилар. Ҳозирги китобхон ўз халқи адабиётининг атоқли ёзувчилари, машҳур асарларини билиш билан қаноатланмайди. У бадий адабиёт тарихида яратилган ўлмас асарларни ўқиб, ўзлаштириб боради. Бугунги китобхоннинг қамрови кенг. У жаҳон адабиёти тарихий жараёнини кузатади. Етук китобхон ўтмиш адабиёти намуналаридан, жаҳон адабиётининг шоҳ асарларидан янги маънолар излайди, уларни янгича талқин қилиш йўллари излайди. Қувонч шундаки, жаҳон адабиёти тарихида мангу нур сочадиган ёрқин юлдузлар - ўлмас санъаткорлар, шоҳ асарлар ниҳоятда кўп.

## АДАБИЙ ТАҢҚИДДА БИОГРАФИК УСЛУБНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Адабий танқидчиликда биографик асар, биографик жанр, биографик ёндашув, биографик услуб деган иборалар бот-бот қўлланади. Жаҳон адабиётида машҳур инсонлар образи воситасида тарихий тараққиёт қонуниятлари, жамият руҳияти ёритиб берилган талай асарлар мавжуд. Алишер Навоийнинг "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад"<sup>1</sup>, Ромен Ролланнинг "Бетховен ҳаёти", "Микеланджело ҳаёти", "Толстой ҳаёти"<sup>2</sup>, Андре Моруанинг "Анатоль Франс", "Марсел Пруст", "Франсуа Мориак", "Ромен Роллан", "Антуан де Сент Экзюпери"<sup>3</sup>, Константин Фединнинг "Горький ҳамиша даврамизда"<sup>4</sup> сингари асарлари биографик жанрда яратилган. Биографик асар, адабий портрет ва танқидий-биографик тадқиқот, аслида узаро яқин ҳисобланарди. Лекин мутахассис адабий портрет билан биографик асарларни, ҳолат (жизнеописание) билан танқидий тадқиқот орасидаги фарқларни аниқ сезади. Биз мазкур қисмда танқидий-биографик тадқиқот ёхуд илмий-биографик усул ҳақида сузлашамизда, жанрлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни кейинроқ сурамиз. Бадий асар системали таҳлил қилинар экан, унга гносеологик, қиёсий-тарихий, ижодий-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар XIV том. Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт, Тошкент, 1967, 73-102-бетлар.

<sup>2</sup> Ромен Роллан. ...Жизни великих людей. Ереван, "Айастан", 1987, 167-406-бетлар.

<sup>3</sup> Андре Моруа. Литературные портреты. Москва, "Прогресс", 1967.

<sup>4</sup> Константин Федин. Горький среди нас. "Молодая гвардия", 1967.

генетик, онтологик ёндашувлар қатори, асар мазмунини ёритишда санъаткор тақдири муҳим роль ўйнаши ҳисобга олиниб, унга биографик принцип нуқтаи назаридан ҳам ёндашилади. Ҳозир бизнинг мақсадимиз биографик ёндашув эмас. Лекин баъзи мутахассислар биографик ёндашув билан биографик услубни бир-бирига яқин қўядилар. Юрий Боревнинг таъкидлашича, XIX аср ўрталарида ижод қилган Шарль Сент-Бёв ҳам биографик ёндашув принципини қўллаган, ҳам биографик услубга асос солган<sup>1</sup>. В.С.Барахов "Адабий портрет" тадқиқотида Сент-Бёвнинг биографик услуби ҳақида ёзар экан: "Луначарский Сент-Бёв "портретларини" нозик таҳлили, образли услуби туфайли бекорга қадрламаган эди. Айни пайтда у Сент-Бёвнинг биографик услубидаги чекланганликни ҳам ҳақли равишда таъкидлаган эди"<sup>2</sup>, - дейди. Қасрдаки, Сент-Бёв ҳақида гап борар экан, унинг бизнинг асримиздаги издоши, биографик портретлар устаси Андре Моруа номи тилга олинади. А.Моруа ижодининг танқидчиси Ф.Наркирьер "Моруа - адабий танқидчи" номи сўзбоши мақоласида қизиқ фикрни айтади. Моруа қайси ёзувчи ҳақида ёзмасин, биографик услубига асосланиб, унинг барча асарларида ёзувчи шахсигина акс этади, деган фикрни олға суради.<sup>3</sup> Моруа, ўз устози Сент-Бёв сингари, ҳамма гапни ёзувчи шахсигагина келтириб боғлайди. Қизиғи шундаки, Моруа у ёки бу асар таҳлилида ёзувчи шахси доирасидан четга чиқиб кетади, давр ҳақида қизиқарли мулоҳазалар айтади. Бошқача айтганда, ёзувчи шахси масаласи ниҳоятда кенг, теран маънони акс эттиради. Улкан санъаткор ҳамиша ўз даврининг фарзанди, айни вақтда у улкан шахс сифатида ўзи яшаб турган муҳитга, ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаётга ўз таъсирини ўтказади. Улкан санъаткор билан ижтимоий муҳит ўртасидаги муносабатлар ҳамиша мураккаб кечади, драматизмларга бой бўлади. Биографик тадқиқотларда кескин муносабатлар, драматик ҳолатларга акс этади. Лекин улар ҳеч қачон соддалаштирилмаслиги, сийқалаштирилмаслиги, енгиллаштирилмаслиги жоиз. Биографик тадқиқотдаги ҳар бир далил, деталь, чизги, Сент-Бёв таъкидлаганича, зимистон тунда ярқираган юлдузга ўхшайди. Мана шундай юлдузлар буржи аниқ мақсад сари етаклайди. Биограф-олим ҳар бир фактни асраб-авайлаши, уни жонли тананинг тирик хужайраси сифатида ўз ўрнига қўя билиши жоиз. Тадқиқотчидаги ўз касбига муҳаббат ҳар бир топилмадан беҳад қувонишда, у китобхонга қанчалик завқ-шавқ бахш эта олишини олдидан ҳис қилишда сезилади.

<sup>1</sup> Ю.Борев. Искусство интерпретации и оценки. Москва, 1981, стр. 56-57.

<sup>2</sup> В.С.Барахов. Литературный портрет. Ленинград, Издательство "Наука" Ленинградское отделение, 1985, стр.44.

<sup>3</sup> Ф.Наркирьер. Моруа - литературный критик. Китобида: А.Моруа. Литературные портреты. Издательство "Прогресс", Москва, 1971.

50-йилларнинг охирларидан ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари илмий биографик-монографик тадқиқотлар яратишга жиддий эътибор бердилар. Кўкун адабий муҳитида яшаб ижод этган шоирлар ҳақида қатор ишлар яратилди. Худди шуңдай ишлар Хива ва Бухоро адабий муҳити материаллари асосида майдонга келди. Илмий биографик асарлар яратиш адабиётшунослигимиздаги етакчи тенденциялардан бирига айланди. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўнлаб ижодкорлар ҳақида мақолалар, илмий биографик асарлар вужудга келди. Гоҳ у, гоҳ бу ижодкор биографиясининг муаммолари ҳақида қизғин баҳслар давом этяпти. Масалан, саксонинчи йилларда Фурқат биографиясининг муаммолари ҳақида Ф.Каримов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Х.Расул, Ш.Юсуповларнинг мақолалари, китоблари чоп этилди, улар ўргасидаги баҳслар моҳияти ёритиб берилди. Ижодкор ҳаёти ва ижодининг муаммолари ҳақидаги баҳслар биографик услубнинг зарурлигини исботлайди. Ёзувчи биографиясини тиклаш, асарларини чоп этиш соҳасидаги ишлар турли усулларда давом этади. Шундай бўладики, ёзувчи ижоди, биографиясининг битта факти юзасидан ҳам қизғин баҳс бошланади, турли концепциялар тўқнашади. Тадқиқотчи бирон ижодкор биографиясига оид материалларни илмий тасдиқлаш, асарларни чоп эттириш мақсадида мураккаб саргузаштларни бошидан кечиради. Бу ўринда заҳматкаш адабиётшунос Тўхтасин Жалолов фаолиятини эслаш кифоя. Адабиёт муҳлислари Т.Жалоловнинг "Ўзбек шоирлари" ва "Нафосат оламида" асарларини яхши биладилар. Тадқиқотчи асримизнинг 20-йилларигача яшаб ўтган ўзбек шоирлари ҳақида илмий асар яратиш учун қанчадан қанча шаҳару қишлоқларни кезди, юзлаб турли феъл-атвордаги кишилар билан мулоқотда бўлди. Олим саргузаштларининг ўзбек қизиқарли асарга материал бўлади. Т.Жалолов яратган бадий-адабий, илмий-тадқиқий, танқидий асарлар қимматини зинҳор камситмаган ҳолда, "Самар Бону" асари олим ижодининг чўққиси дейишга журъат этамиз. "Самар Бону" - бадий саргузашт, илмий тадқиқот, назарий таҳлил, танқидий қиёс ва топологиясининг жамулжами. "Самар Бону" тадқиқотини қимматли томонларидан бири шундаки, олим Хувайдо, Самар Бону, Сирожий, Салоҳиддин Сокиб - бир пажарадаги тўрт шоир ижоди ҳақида фикр юритади. Бир авлоддан тарқалган тўрт шоир ижодини турли проблемалар нуқтаи назаридан текшириш қизиқ хулосаларга олиб келиши мумкин. Т.Жалолов тадқиқотларида, хусусан, "Самар Бону"да далил, деталга алоҳида эътибор бериш сезилиб туради. Тадқиқотчи ҳар бир далил, ашёдан имкони борича кенг умумлашма чиқаришга интилади. Ниҳоят, олим-тадқиқотчи адабий факт-далилларни ниҳоятда авайлайди, уларни "заҳа" қилиб қўймасликка, "жони"ни қийнамасликка интилади. Бошқача айтганда, Т.Жалолов ижодида биографик тадқиқот яратишнинг бир йўналиши кўзга таппланади. Шундай тадқиқотлар борки, уларда жонли манбалардан олинган материаллар билан илмий манбалардан, китобларни "титиш" орқали топилган да-

лилар бирлаштириб юборилади. Адабиётшунос Шариф Юсуповнинг Фуркат ҳаёти, адабий ижтимоий муҳити хусусидаги изланишлари ажойиб илмий хулосаларга олиб келди.

60-йилларга келиб ўзбек адабиётининг сиймолари ҳақида монографиялар яратиш, илмий-биографик тадқиқотлар устида ишлаш кучайди. Ҳамза, Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Яшинлар ҳақида танқидий-биографик очерклар ёзилган, кўплаб мақолалар эълон қилинган бўлса-да, илмий биографиялар хануз йук эди. Мазкур ижодкорлар биографиясини мукамал яратиш XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаёт ҳақида чуқур ва тўла маълумот бериш деган маънони аңлатади. Биографик тадқиқот яратиш йўлида фактлардан фойдаланиш, ўрганиш жоиз.

Фактлар лашкарига қўмондонлик қилиш осонмас. Олим обрусининг ошиши ҳам, оёқ ости бўлиши ҳам фактлар билан "тил топиша олиш"га боғлиқ. Факт - ўз феъл-атворига эга бўлган қайсар нарса. У асосий ва ёрдамчи маъноларга эга. Зукко, сипчков олимгагина факт "бўйсунди", асл моҳиятини "очади". Фактларни танлай билмаслик изчил илмий системанинг вужудга келишига монелик қилади. Илмий тадқиқот қимматини фактларнинг кўплиги эмас, энг муҳим фактлар мазмунини ёритиш, илмий-назарий умумлашмалар чиқариш белгилайди. Л.Қаюмов Ҳамзанинг илмий биографиясини яратиш учун кўплаб архив материалларни йиғган, илмий манбалардаги қарашларга муносабат билдирган. Лекин тадқиқотдаги илмий-назарий хулосалар нисбати фактлар ҳажмидан енгиллиги аниқ кўринади. Илмий биография олимдан объективликни, фактлар моҳиятини изчил концепция асосида талқин қилиб беришни тақозо этади. Ҳамза ҳақида илмий биографияда тадқиқотчи симпатияси - ўз объектини бўрттириброк тасвирлашга мойиллик сезилади. Л.Қаюмов "Янги саодат"ни психологик роман дейди, ҳақиқий романчилик Ҳамзадан бошланган деган фикрни илгари суради. Ваҳоланки, барча тадқиқотлар ўзбек реалистик романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий деб кўрсатмоқда.

XXI аср бўсағасида халқ тафаккуридаги янгиланиш сезиляпти. 1996 биз шундай бир юксакликка кўтарилдикки, босиб ўтган тарихий йул ўзининг ютуқ ва камчиликлари билан кўзга яққол ташланмоқда. Матбуот органлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётимиздаги камчиликлар, ютуқлар ҳақида рўй-рост ёзмоқдалар. Воқеликка, ўтмишга янгича нигоҳ билан қарала бошланди. Эскича тафаккур меваси бўлган нарсаларнинг ноқераклиги, номўҳимлиги дарҳол сезилмоқда. 60-70-йилларда яратилган илмий биография-тадқиқотлардаги етишмовчиликлар кўзга аниқ ташланмоқда. Ҳамза, Чўлпон, А.Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйғун, Яшин сингари ўзбек адабиёти вакиллари ижодларини даврнинг барча мураккабликлари адабий-эстетик қарашлардаги зиддиятлар бирлигида кўрсатиш лозимлиги сезилмоқда. XX асрнинг биринчи ярмида ижод этган барча ёзувчилар ҳаёти драматизмга бой, ички зиддиятларга эга. Етук ўзбек ёзувчилар

ри биографиясини яратишда тарихий-топологик принцинга ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ эътибор бериш лозим. Муҳими, шу пайтгача адабиёт тарихи, очеркларида ёзилганидай, 20-йилларнинг адабиётини баҳолашдаги тор қарашлар, 30-40-йиллар адабиётига муносабатдаги юзакиликлар ўзини мутлақо оқламайди. XX аср ўзбек адабиётини баҳолашда ҳозирги куннинг етук илмий-назарий умумлашмаларидан фойдаланиш лозим. Биз воқеа-ҳодисаларни баҳолашда шундай маррага етдикки, бир пайтлар ҳаёт-мамонт курашидай туюлган масалалар ўта оддий, увок, ҳатто кераксиз бўлиб туюлмоқда. Истиқлол даврида ўзбек адабиётида қатл қилинган ёзувчилар ижоди жиддий ўрганилмоқда.

60-йилларда С.Мамажоновнинг Фафур Ғулом ("Шоир ва замонавийлик" (1963), "Фафур Ғулом прозаси" (1966), "Услуб жиолари" (1972), Ҳомил Ёқубов "Адибнинг маҳорати" (1966) ва М.Кўшжоновнинг "Ойбек маҳорати" (1965), С.Азимовнинг Х.Олимжон ("Адиб абадияти"), Х.Абдусаматов ва М.Саматовларнинг Яшин, М.Кўшжонов ва У.Норматовнинг А.Қаҳҳор ҳақидаги тадқиқотлари яратилди: илмий биография яратиш соҳасидаги иш давом эттирилди. 70-йиллар ўзбек адабиётшунослигида илмий биография яратиш бошқача шаклда намоён бўла боради. Машҳур ёзувчи ҳаёти ва ижодини назарий проблематик тадқиқот, мақолаларда ёритила бошланди. Х.Абдусаматовнинг "Эстетика ва ҳаёт" (1976) китоби К.Яшиннинг адабиётшунос-олим сифатидаги фаолиятини ёритса, И.Мирзаевнинг "А.Кодирийнинг ижодий эволюцияси" (1977) асарида улкан ёзувчи ижоди адабиётшунослик муаммолари асносида ўрганилади. 80-йилларда машҳур ёзувчи ижодининг муаммолари бўйича жамоа тадқиқотлар пайдо бўлади: "Ҳамза ижоди ҳақида" (1981), "Фафур Ғуломнинг бадиий олами" (1984), "Ойбек ижодий услуби ва бадиий маҳорати" (1985) ва бошқалар. Х.Абдусаматовнинг "Ҳаёт кўшиғи" (1984), Т.Қораевнинг "Шоир қалби доим навқирон" (1983), "Уйғун маҳорати" (1984) асарлари Уйғуннинг ўзбек адабиётидаги ўрнини кўрсатишга бағишланган. Лекин мазкур ишларда илмий биография яратишдаги талабчанлик сусайиб бораётганлиги сезилмоқда. Масалан, Уйғун ҳақида тадқиқотлар яратилди, лекин Уйғуннинг адабиётдаги ҳақиқий ўрни, етук ёзувчилар даврасидаги мавқеи аниқланди дея олмаймиз. Ҳамза, Айний, Ойбек, Фафур Ғулом сингари санъаткорлар ҳақидаги тадқиқотларни бекаму кўст деб бўладими? Одамлар онги ўсиб, билими чуқурлашиб боравергани сайин машҳур ижодкорлар асарлари янгидан-янги талқинларга дуч келаверади. Муҳими, замонлар ўтиши билан ижодкорлар, шоҳ асарлар ҳақидаги қарашлар ҳам тиниклаша боради. Илмий биография яратишда тадқиқотчи ва тадқиқот объекти масаласи ҳам муҳим роль ўйнайди. Илмий ҳолислик - назарий тадқиқотнинг бош белгиси. Ҳар қандай тадқиқотда ҳам тадқиқотчининг ўз объектига нисбатан симпатияси акс этади: объект билан тадқиқотчи ўртасида яқинлик бўлмаса, жиддий асар пайдо бўлмайди. Лекин тадқиқотчи ҳолисликни ҳамиша юксак тугмоқлиги жоиз. 60-йилларда яратилган илмий биографияларда тадқиқотчи ва илмий объект орасидаги боғлиқлик анча кучли бўлгани сезилади. Ойбек, Фафур Ғулом, А.Қаҳҳор, Яшинлар ўзлари ҳақидаги тадқиқотлар билан танишиш имкониятига эга бўлганлар. Мазкур ижодкорлар тадқиқотчига қайси-

дир йўллар билан таъсир этганлар деган фикрдан тамоман йироқмиз. Лекин тадқиқотчи руҳиятидаги баъзи ҳолатлар илмий ишда акс этган бўлишини инкор этмаймиз. Илмий биографиялар, асосан, 60-йиллардан бошлаб яратилди. Шу пайтгача етук ўзбек ёзувчилари босиб ўтган йўл равон, тинч бўлдими? Аксинча, 50-йилларнинг иккинчи ярмигача ёзувчи кўкрагига шамол тегиши: ҳали вульгар социологизмнинг талаблари, ҳали шахсга сизиниш тазйиклари, ҳали ғарб санъатига сажда қилишдаги айбномалар, ҳали космополитизм масаласи... 60-йиллардан бошлаб яратилган илмий биографияларда ёзувчи босиб ўтган йўлни сал кўтаринки руҳда тасвирлаш, ижодининг мураккаб нукталарини сал текислаб юборишга интилиш ҳоллари сезиларди. Бошқача айтганда, тадқиқотчи илмий биографияни яхши ният билан кўтаринки руҳда яратарди. Иккинчидан, тадқиқотчи тадқиқот объекти билан ниҳоятда яқин эди. Бирон ёзувчининг ижоди, босиб ўтган йўли "йироқдан" аниқ кўринади. Тўғрироғи, объект билан тадқиқотчи аро "масофа" айрим проблемаларга теранроқ, асослироқ назар ташлаш имконини беради. Ниҳоят, учинчидан, илмий биографияларнинг аксарияти диссертация шаклида вужудга келди. Диссертация - илмий даража олиш ниятида яратилган тадқиқот. Илмий даража олиш учун яратилган тадқиқотда ҳолисликдан ташқари ишни маълум гуруҳ кишиларига маъқул қилишдек нозик психологик ҳолат яширинган бўлади. Илмий тадқиқотда концепция терап, ҳаётий бўлса, субъектив ҳолатлар аҳамият касб этмайди. Илмий биографияда тадқиқотчи услубидан келиб чиқадиган хусусиятлар бўладики, улар ишнинг қимматини, ўзига хослигини белгилайди. Лазиз Қаюмов тадқиқотида фактлар сеҳрига маҳлиёлик сезилса, М.Қушшонова бадий компонентларнинг "ички ҳаёти, ҳаракатини" кузатиш устулик қилади. С.Мамажонов ижодкор яратган барча асарларни камраб олишга иятилса, Х.Ёқубов поэтик образлар ранг-баранглигини кўрсатишни ёқтиради.

**Илмий биография** - адабиётшуносликнинг асосий жанрларидан бири. Адабиётшунослик мукамал монографиялар яратиш орқали бой тажриба орттирди, биографик услубни ишлаб чиқди. Адабиётшунослик тараққий этмаган, асарларни катта тиражларда чоп этиш имкони бўлмаган даврларда яшаб ижод этган санъаткорларнинг илмий биографиясини яратиш мушкул кечмоқда. Ҳозирги адабиётшунослик ва танқидчилик биографик жанрнинг кенг ривожланишига ҳисса қўшмоқда. ХХI асрда яшайдиган адабиётшунослар ХХ аср адабиётининг санъаткорлари ҳақида унчалик қийналмасдан илмий биография яратадилар. Биринчидан, истиснодди ёзувчиларнинг барча асарлари нашр этилмоқда. Улар ҳақида адабий-танқидий мақолалар эълон қилинмоқда. "Адабиётимиз автобиографияси" (1973), "Ёзувчи ва давр" туркумидаги тўпламлар чоп этиляптики, булар ҳам тадқиқотчи учун жиддий илмий манба бўлади. Фақат биз ҳақиқий санъаткорларни белгилашда меъёрни унутяпмиз, талабчанликни бўшаширяпмиз. Бундай ҳол турғунлик йилларидан пайдо бўлган асарлардан аниқ сезилди. "Ўзбек адабиёти тарихи"да (1967-1972) ўттиз битга ёзувчи ҳақида портрет мақола берилди ёхуд улар ўзбек адабиётининг ёрқин сиймолари сифатида тавсия этилди. В.Г.Белин-

ский башорат қилиб мана буларни ёзган экан: "Иқтидорсиз эмас" дегани, "иқтидорли" дегани эмас. Зотан, бу барчамизга хос камчиликдир: оппа-осонгина қобилиятни истъёдоод, хатто даҳо даражасига қўтарамиз-қўямиз. Бунга сабаб билимимизнинг етишмаслиги, адабиётимизнинг ёшлиги; ҳали ҳақиқий даҳо ва истъёдоодларга кўникма-мизнинг йўқлиги. Бирор кимса бир-икки мақола ёзди, боринги, тилдан дурустгина фойдаланди, яхшими-ёмонми, фикрини равонгина ифодалади, дейлик. Оғзимиз ҳайратдан ланг очилади-ю: "истъёдоод", "буюк истъёдоод!" дея жар соламиз. Бас, етар бундай бачкана одатлар, ўзимизни мақтовлардан сал-пал тияйлик!" Ҳақиқий истъёдоодни, мангу асарни вақт синовдан ўтказади. Келажак авлод адабиёт-шунослари бизнинг ҳозирги адабиётимизнинг чин истъёдоодларини белгилаши, улар ҳақида теран тадқиқотлар яратишида ҳақиқий хакам - вақт уларга ёрдамга келади.

Илмий биографиянинг объекти - ёзувчи ҳаёти ва ижоди. Лекин машҳур асарлар, адабий жанрлар ва турлар ҳам ўз биографияларига эга бўладилар. "Шоҳнома" (Фирдавсий), "Ҳамса" (Навоий), "Гамлет" (Шекспир), "Мис чавандоз" (Пушкин), "Фауст" (Гёте), "Уруш ва тинчлик" (Л.Толстой), "Жиноят ва жазо" (Достоевский) ҳақида яратилган монографиялар етук илмий биографиялардан қолишмайди. Бизнинг адабиётшуносларимиз "Ўтган кунлар" (А.Кодирий), "Навоий" (Ойбек), "Кеча ва кундуз" (Чулпон), "Сароб" (А.Қаҳҳор), "Абулфайзон" (Фират), "Мирзо Улўғбек" (М.Шайхзода), "Онагинам" (Миртемир), "Улўғбек ҳазинаси" (О.Ёқубов), "Юлдузли тунлар" (П.Кодилов), "Рухлар исёни" (Э.Воҳидов), "Генетика" (А.Орипов) сингари асарлар ҳақида монографик тадқиқотлар яратишлари мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигида биографик услубга асосланган ҳолда "Ўзбек романи" (С.Мирвалиев), "Йиллар ва йўллар" (О.Шарафиддинов), "Ўзбек повести" (А.Аброров), "Ўзбек бадий публицистикаси" (О.Тоғаев), "Ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг тараққиёти" (Н.Владимирова) сингари монографиялар яратилди. Н.В.Владимирова тадқиқотида ҳар бир даврни белгилайдиган ҳикояларни билиб-билиб танлаш, ўша ҳикоялар таҳлил ва талқини орқали ҳам ёзувчи маҳоратини ёритиш, ҳам ўзбек ҳикоячилиги тараққиётининг маълум босқичидаги хусусиятларни очиш кўзга ташланади. Очил Тоғаев публицистиканинг улкан хирмонидан бадий таҳлилга тоб бера оладиган асарларни ажратиб олади, уларни типиклаштириш ва бадий туқима, композиция тузиш нуқтаи назаридан урганади. Тадқиқотда публицистиканинг очерк, фелъетон сингари жанрлари кенг ёритилади. А.Аброров 20-30-йилларда яратилган повестларга характеристика беради. Собир Мирвалиев ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб жанр тарихини яратишга қўл урди. "Ўзбек романи" тадқиқотининг А.Кодирий асарларига бағишланган қисмида танқидчиликнинг роман хусусидаги баҳслари кенг баён қилинади. Сотти Хусайн, Ойбекнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" ҳақидаги фикр-мулоҳазалари китобхонда қизиқиш уйғотади.

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Собрание сочинений в девяти томах, том IX. Москва, "Художественная литература", 1982, стр.702-703.



Тадқиқотчи "Куллар", "Кутлуғ қон", "Қўшчинор чироклари", "Навойи" сингари романларни замонавийлик, жанр нуктаи назаридан урганайди. Ҳар бир бобда муаллиф янги муаммони қўяди, уни ҳал қилишга киришади. Ишнинг сўнги боби 60-йилларда яратилган романлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда изчил муаммо қўзғаташланмайди. Жанрлар тараққиёти ҳақидаги тадқиқотларда узаро яқин жанрлар бўлганлигини исботлашга интилади. Лекин классик адабиётдаги у ёки бу асарнинг конкрет жанр намунаси эканлиги изчил илмий далиллар билан исботланмайди. Мумтоз адабиётга қилинган "саёҳат"да тахминийлик, сиртқи яқинлик билан кифояланиш сезилади. О.Тоғаев: "Ҳамсатулмуғаййирин", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларида ўз даврининг реал кишилари портретларини чизади... Навойининг бу асарларидан қузатган максаллари ҳам ҳозирги замон очерк адабиётининг ғоявий принципага яқин туради",<sup>1</sup> - деб ёзса, Н.Владимирова "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Махмуд" асарларининг тузилиши, қаҳрамон иштирок этадиган воқеалар тасвиридаги сиқиклик, алоҳида фактларни ягона бадиий тўқимага "едириб" юбориш сингарилар, бу асарларни гарчи улар биографик адабиёт ёдгорлиги бўлса-да, портрет новелласи деб аташ имконини беришини айтади.<sup>2</sup> А.Аброров, Н.Владимирова, О.Тоғаев "Бобурнома"да ўзини қизиқтирган жанр хусусиятларини топади. "XVI асрда яратилган Бобурнинг "Бобурнома"си қайси бир ўрта аср Фарбий Европа романларидан ёки тарихий мемуар асарларидан кам аҳамиятга эга?", - деб ёзади Собир Мирвалиев. "Ўзбек романи" асарида С.Мирвалиев ўзбек романи классик адабиётдаги икки маъба - халқ оғзаки ижодидаги дostonлар ва ёзма адабиётдаги дostonлардан усиб чиққанлигини далиллашга интилади. Қўшлаб халқ дostonи ва ёзма дostonлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритади. Бигта дoston поэтикаси орқали романга хос белгилар кўрсатилса, бевосита мақсадга йўналтирилмаган умумий мулоҳазалар қисқарган бўларди.

Асосий муаммони ёритишда тўртта муаллиф ўз йўлидан борган. Н.Владимирова ўзбек адабиётда хикоя жанрининг тараққиёти масаласини ёритишда "Қиёмат" (Фитрат), "Қалвак Махдумнинг хотира дафтарида" (А.Қодирий), "Бошсиз одам", "Ўғри", "Асрор бобо", "Хотинлар" (А.Қаҳҳор), "Хийлаи шаръий", "Ҳажо қабул бўлди" (Ғафур Ғулом) "Ямоқчи кўчди" (Ойдин) сингари асарларни "таянч нукталар" қилиб ташлайди. Тадқиқотчи қўшлаб ёзувчилар, хикоялар ҳақида сўз юритади-ю, асосий хулосаларни етук хикоялар таҳлили орқали ифода этади. О.Тоғаев тадқиқотида назарий масаланинг ўзбек адабиётшунослигида ҳал қилинишига эътибор берилади. Лекин О.Тоғаев асарида етук публицистик мақолаларни тўғри танлай билиш укуви етишмайди: турғунлик йилларида авж олган мадҳиябозлик таъсири сезилади. "Ўзбек по-

<sup>1</sup> Очил Тоғаев. Ўзбек бадиий публицистикаси. "Фан" нашриёти, Тошкент, 1973, 7-бет.

<sup>2</sup> Н.В.Владимирова. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе. Издательство "Фан", Ташкент, 1977, стр.28.

<sup>3</sup> С.Мирвалиев. Ўзбек романи, "Фан", Тошкент, 1969, 46-бет.

вести" асарида 20-30-йилларда яратилган жуда кўп асарлар тилга олинди. Муаллиф повестнинг ҳикоя ва романдан фарқини кўрсатишга кўп куч сарфлайди, лекин масалани изчил, илмий далиллар билан ҳал қилолмайди. Тадқиқотда ноилмий бир ҳолат диққатни тортади: бадийий жиҳатдан буш қиссалар ҳикоя жанрига ўтказиб юборилади. Ваҳоланки ҳикоянинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Шундай ҳикоялар борки, улар бадийийлик нуқтаи назаридан қисса ва романдан қолишмайди. "Ўзбек повести" асарида илмий концепция аниқ сезилмайди. Ўзбек қиссачилиги муаммолари изчил ҳал қилинмайди. С.Мирвалиевнинг "Ўзбек романи" тадқиқотида илмий баҳс, масалани типологик аспектда текшириш сезилиб туради. Замонавийлик, тарихий жанр, тарихий-биографик романлар буйича адабиётшунослиқда айтилаётган фикр-мулоҳазалар кенг ёритилади. Масалани назарий-типологик аспектда олиниши ҳар қандай тадқиқот қимматини оширади. Лекин, "Ўзбек романи" асарида назарий масалаларнинг қўйилиши ўзбек романлари моҳиятини чуқур илмий ёритиб беришга ҳисса қўшдими? Муаллиф "Куллар", "Сароб", "Қўшчинор чироқлари", "Қутлуғ қон" романлари ҳақида қандай янги илмий концепцияларни илгари сурди? "Куллар" романидаги монументализмнинг ютуқ ва камчиликлари нимада кўринади деган саволга жавоб оламизми? "Сароб" ва "Қўшчинор чироқлари" романларининг биринчи ва иккинчи вариантлари орасида қандай фарқлар бор? Собир Мирвалиев "Сароб"нинг биринчи нашри ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Асар жиддий нуқсонлардан ҳам холи эмас эди. Аввало бу камчилик сюжет ва композицион қурилишдаги тарқоқликда, тил ва стиликдаги гализликларда кўзга ташланарди. Энг муҳими, ёзувчи аниқ ижодий идеалини етарли маҳорат билан кўрсата олмаган. Яъни идеал аниқлиги тасвирлашдаги аниқлик билан бир мувозанатда эмас. Баъзан масаланинг салбий томонига берилган урғу ижобий томонга қараганда устунлик қиларди"<sup>1</sup>. Абдулла Қаҳҳорнинг "Қўшчинор" (биринчи варианты) романида ҳам "жиддий нуқсонлар мавжуд"лиги айтилади. Илмий-назарий қарашлар бадий асар поэтикасига назар ташлашга, унинг "ички анатомиясини" ишонарли ёритишга хизмат қилмаса, ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. "Ўзбек романи"да илмий-назарий баҳслар ўзича давом этаверади-ю, муаллиф романлар ҳақидаги анча саёз қарашларни баён этади. С.Мирвалиев тадқиқоти эълон қилинганига 20 йил тўлмасдан "Сароб", "Қўшчинор чироқлари"нинг биринчи ва иккинчи вариантлари хусусида тамоман янги концепция илгари сурляпти. "Ўзбек романи"да "Қўшчинор чироқлари" (янги варианты) ҳақида қуйидагилар ёзилган: "Асарнинг (иккинчи варианты) муҳим хусусиятларидан бири шуки эдики, энди унда ёзувчи фақат ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларни тузатибгина қолмай, балки мазкур асари билан урушдан кейинги дастлабки даврда ўзбек прозаси йўл қўйган камчиликларнинг тугатилишига ҳам йўл очди. Чунки "Қўшчинор чироқлари" романидаги сюжет оқими энди кескин синфий курашлар, кескин ҳаётий қоллизияларда ҳаракатга келади. Қаҳрамонларнинг ички дунёси, психологиясини ҳам чуқур ва реал тарзда очиб берилади. Асардаги

<sup>1</sup> С.Мирвалиев. Ўзбек романи. "Фан" нашриёти, Тошкент, 1969, 179 ва 268-бетлар.

бош қахрамон Сидикжоннинг ҳаёт йўли ижтимоий ҳаёт оқимида курсатилади". С.Мирвалиевнинг "Сароб", "Қўшчинор чироқлари" ҳақидаги фикрлари мазкур романилар бўйича ўтказилган баҳсларга нисбатан изчил позицияни белгилайди. Илмий-назарий тадқиқот бадий асарни ҳаққонли талқин этади, унинг маданий-адабий ҳаётдаги ўрнини белгилайди, узи-кесил баҳосини беради. Ҳозирги илмий тадқиқотлар "Сароб" ва "Қўшчинор чироқлари"нинг илк варианты ғоявий-бадий жиҳатдан сгук, яхлит бўлганлигини, қайта ишлаш натижасида ҳар иккала роман ютқизганлигини тасдиқлаётти. Собир Мирвалиев тадқиқоти эса А.Қаҳҳор романилари ҳақида бошқача таассуротни вужудга келтиради. Айтиб ўтилганидек, С.Мирвалиев тадқиқотида изчил концепция вужудга келмаган. Тадқиқотчи илмий-назарий қарашларни чуқур ўзлаштирмаган деган хулосага келиши мумкин.

70-80- йилларда ўзбек прозаси, хусусан, роман жанри муаммолари ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратилди. У.Норматовнинг "Насримиз уфқлари" (1974), "Насримиз анъаналари" (1978) тўпламларига киритилган мақолаларда ҳикоя, қисса, роман жанри, поэтикасига оид илмий-назарий қарашлар акс этди. Тадқиқотчи насрдаги жараёнларни илмий таҳлилдан ўтказди. А.Каттабековнинг "Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат" (1982) тадқиқотида тарихий романилар шахс концепцияси муаммоси нуқтаи назаридан ўрганилди. Х.Умутов тадқиқотида ўзбек романилари руҳият таҳлили ракурси асосида ўрганилади ("Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романичилиги", 1983). Ўзбек прозасини тарихий-типологик тадқиқ этишга киришилмоқда. Н.Шодиевнинг "Эпос уфқлари" монографиясида Ўрта Осиё ва Қозғистон халқлари адабиётдаги эпопеялар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилади. Олим "Абай йўли" (М.Авезов), "Қон ва тер" (А.Нурпейсов), "Такдир" (Х.Дарёев), "Дадил қадам" (Б.Кербобоев), "Бухоронинг ўн икки дарвозаси" (Ж.Икромий), "Қорақалпоқ достони" (Т.Қайипбергенов), "Қутлуғ қон" (Ойбек), "Ҳамза" (Яшин) сингари асарлар мисолида ўз қарашларини тасдиқлаб боради.

Ўзбек шеърляти ҳақида О.Шарафиддинов, Н.Шукуров, Н.Раҳимжонов, И.Ғафуров, М.Иброҳимов, Н.Каримов, Б.Ақромов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотлари диққатни жалб қилади. Шулардан Иброҳим Ғафуров чорак асрдан бери асосан ўзбек шеърляти масалалари билан шуғулланиб келади. Унинг "Ўзалликнинг олмос қирралари", "Жозиб", "Енар сўз", "Ям-яшил дарахт", "Лириканинг юраги", "Ўттиз йил изҳори" асарлари китобхонга таниш. Унинг "Шеърлят - изланиш демак" рисоласи шу пайтгача ёзганларнинг хулосаси, шеърлят ҳақидаги ўйларининг қаймоғи. Мунаққид танқидчилик даргоҳига кирибдики, шеърлят сеҳрини англашга интилади. У шеърлятнинг бой тарихига шўнғийди, жаҳон поэзиясини узлуксиз ўрнади. Излай-излай И.Ғафуров шундай бир нуқтани топдики, бундан узоқ тарих ҳам, ҳозирги поэзиянинг кенг панорамаси ҳам, эртанги поэзия белгилари ҳам кўзга аниқ ташланади. Иброҳим Ғафуров шеърлятни жонли организм, усини-ўзгаринидаги куч деб билди, ундаги ҳаракатни, рангин товланишларни равшан кўрди.

<sup>1</sup> С.Мирвалиев. Ўзбек романи. "Фан" нашриёти, Тошкент, 1969.

Эзгу ният билан илм даргоҳига қадам қўйган олим ўз ишидан қонқиш ҳосил қилиши, қутилмаган ўхшашликлардан завкланиши керак. Мунаққид қозоқ оқини Жамбулнинг кексаликка бағишланган уладини таҳлил қиларкан, форсий адабиётнинг асосчиси Рудакийнинг "Қарилик марсияси"ни эслайди, хотирасида Хувайдонинг кексаликдан сўзловчи газали жонланади. Эзгулик шоирлар ижодининг мангу мавзуси эканлигидан сўз очар экан, қадимги юнон шоираси Саффо, машҳур Марина Цветаева, Абдулла Орипов номларини ёнма-ён ёзади: "Шеърятда узок ўтмиш, бугун ва келажак бир бугун ҳолда яшайди, ҳаракатда бўлади. Бугун инсон қалбига йўл излаётган энг замонавий шоирлар сафида албатга, Гомер ҳам, Саффо ҳам, Овидий ва Кутулл, Саъдий ва Ҳофиз, Навоий ва Пушкин ҳам, Маяковский ва Есенин, Неруда ва Лорка, Твардовский ва Ғафур Ғулум ҳам бор. Мана шу бирлик шеърятнинг изланишларига зўр самаралар бахш этади".

Иброҳим Ғафуров шеърятдаги замонавийликни теран англайди. Замонавийлик мангу тушунчалар, эзгуликлар, яратувчилик билан ҳам-оҳангдир. Мана шундай концепция шеърят мулкани яхлит ҳолда кўриш имконини яратади. Тадқиқотчи энг қадимги шоирлар асарларидаги замонавийлик ҳақида фикр юритади. Эзулик, яратувчилик руҳи турли замон, турли маконларда яшаган шоирларни замондошимизга айлантиради. Гомер, Сапфоларни замондошимизга айлантриб кўрсатар экан, тадқиқотчи Богбон, Ота, Қуёшсевар сифатида ўзини намоён этган Ғафур Ғулумни шеърятнинг завоқ билмас тахтига утказади. Иброҳим Ғафуров ўзбек шеърятининг илмий биографиясини яратар экан, баъзан баъдий қувваги енгилроқ, жуирок, аммо жараён учун характерли бўлган асарларни ҳам таҳлилга тортади. Мана шундай асарлар таҳлилида танқидчи ижодига хос эхтирос сусаяди, илмий мантиқ тақазосига кўра қалам тебратаётгани сезилиб қолади. Иброҳим Ғафуров - тажрибали танқидчи, синчков тадқиқотчи. Унинг асарларидаги камчиликларни пайқаш қийин. Лекин "Шеърят - изланиш демак" тадқиқотининг поэтикасига зехн солинса, ундаги баъзи баландастликлари, ҳамиша ҳам изчил таҳлил йўсинига риоя қилинмаганлигини сезиш мумкин. Лекин, барибир, "Шеърят - изланиш демак" монографияси янги ўзбек поэзияси биографияси мукамал ёритилган тадқиқот сифатида диққатга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек танқидчилиги биографик услубга асосланган ҳолда адабиётимизнинг етук намояндаларининг илмий биографиясини яратиш соҳасида жиддий ишларни амалга оширмоқда. Адабий жанр ва турларнинг адабиётимиздаги ўрни, шаклланиш йўллари ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Ўзбек драматургияси, болалар адабиёти, адабиётшунослик фанининг шаклланиши йўллари ҳақида айрим жиддий ишлар бажарилган бўлса-да, бу соҳада бажариладиган ишлар ҳали талайгинадир.

---

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Шеърят - изланиш демак. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, Тошкент, 1984, 75-бет.

## АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ ЖАНР ВА ШАКЛЛАРИ

Такриз, адабий шарҳ, муаммоли мақола, бадиа, хотира-мемуар, танқидий-биографик очерк, адабий портрет, илмий биографик тадқиқот сингари жанрлар, тақриз-мактуб, тақриз-бахс, тақриз-рисола, мақола-сухбат, портрет чизгилари, адабий уйлар сингари шакллар ўзбек танқидчилигида кенг қўлланилади. Пайти келиб ўзбек адабиётшунослиги назарияси ишланиб, тарихи яратилса, илмий тадқиқот, муаммоли мақола, рисола сингари жанрлар адабиётшунос мутахассисларнинг ўрганиш манбаига айланди. Ҳозир адабиётшунослик ва танқидчилик ниҳоятда бир-бирига яқин бўлиб қолди. Шу сабабли биз танқидчилик ва адабиётшунослик жанрларини кескин фарқлаб, бир-биридан ажратиб қўймадик.

Танқидчилик жанрларини шартли равишда икки қисмга - адабий жараён ҳамда ёзувчининг ҳаёти, ижоди масалаларини ёритувчи жанр ва шаклларга ажратиш мумкин. Таъкидлаймиз, мазкур бўлиниш ўта шартли, чунки адабий жараённи ёритувчи "соф" жанрлар бўлмаганидай, фақат ижодкор ҳаёти, ижодини очишга хизмат қиладиган жанрлар йўқ.

Ўзбек танқидчилиги жанрлари ҳақида ҳам узоқ тўхталиб ўтириш мушкул. Танқидчилик ва адабиётшунослик адабиёт тарихи билан узвий бирлик ва боғлиқликда ривожланган. Машҳур санъаткорлар адабиётшунослик ва танқидчилик тараққиётига ҳисса қўшганлар. Ўзбек адабиёти тарихида адабиётшуносликка оид асарларни, адабий жараён ҳақида маълумот берувчи тақриزلарни учратиш мумкин. Адабиётшуносликка ва танқидчиликка оид асарлар жанрини биз эндигина белгиламоқдамиз. Навоий, Бобурлар илмий-назарий тадқиқот яратганлигини, "Мажолисун-нафоис" адабий портрет ва портрет чизгиларидан ташкил топганлигини, "Бобурнома"да, Огаҳий, Мунис асарларида хогира, портрет чизгилари жанрлари диққатни жалб қилишлигини, ниҳоят, мумтоз адабиётда биографик асарлар пайдо бўлганлигини англамоқдамиз. XX аср арафасида тақриз, мақола сингари жанрлар вақтلىн матбуотда учрай бошлаганлигини аниқ далиллар мисолида айтиш мумкин. Асримиз бошларида талай газета ва журналлар чоп этилдики, улар танқидчилик жанр ва шаклларининг пайдо бўлиши, ривожланишига ҳисса қўшди.

Ўзбек танқидчилигининг жанрлари ҳақидаги гапни тақриздан бошлаймиз: тақриз адабий-бадий танқиднинг энг қадимий, лекин ҳамisha навқирон жанри. Тақриз - танқидчи қаламининг қайроғи, "Танқиднинг тиконли гули" (И.Фафуров), танқидий баҳонинг изчил улчови, адабий талқиннинг лўнда, сиқик кўриниши. Ҳар бир замон руҳи тақризда акс этади. 20-50-йиллар танқидчилигида, хусусан, тақризда сохта ижтимоий қараш акс этади. Асарнинг қандай ёзилгандан кўра у ким томонидан яратилганлигига эътибор берилди. Тақризчи асарнинг ғоявий асоси, қаҳрамонларнинг қайси синф вакили эканлиги, социалистик реализм услу-

би талабларига қанчалик мослиги сингари масалаларга бирма-бир тўхталиши жоиз эди. Тақризлар ғоявий-эстетик яхлитликдан кўра, анкета саволларига берилган жавобга ўхшаб қоларди. 60-йиллардан бошлаб ўзбек танқидчилигида ғоявий-эстетик таҳлил жонлана борди. Даврдаги янгича руҳ мунаққидлар ижодиди сезилди. "Синчалак", "Муқаддас", "Кадрим", "Қора кўзлар", "Севгим, севгилим" сингари асарларга ёзилган тақриزلарда системали таҳлил, асарнинг бадиий-эстетик моҳиятини очишга ҳаракат сезилади. 70-йилларда ўзбек адабиётининг ютуғи бўлган "Улуғбек хазинаси" (О.Ёқубов), "Юлдузли тунлар" (П.Қодиоров), "Ёдгорлик" (Миртемир), "Сариқ девнинг ўлими" (Х.Тўхтабоев), "Муҳаббат", "Тирик сайёралар" (Э.Воҳидов), "Рўҳим", "Юзма-юз" (А.Орипов), "Ёнаётган дарахт" (О.Матжон) сингари асарлар ҳақида етук тақриزلар босилди. Лекин мазкур асарларнинг ақсарияти алоҳида илмий-назарий тадқиқотга, монографик тақризга лойик эди. Ўзбек адабиёти тарихини ҳаёлимиздан кечирсак, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ҳақида рисола-тақриз ёзилганлигини (Соғги Хусайн), унда адабиётимиз ютуғи бўлган роман бошдан-оёқ қораланганлигини надомат билан эслаймиз. Қашфиёт асар воқеа бўладиган, ўлмас тақризни ҳам тақозо этади. Шоҳ асар шўҳратини етук тақриزلар авлод-авлодга етказганидай, танқидчиликнинг тожи бўлган мақолаю тақриزلарнинг мангу яшашида ўлмас асарларнинг хиссаси буюк. Бизда қашфиёт асарлар унчалик кўп бўлмаганидай, давр синовини енгиб ўтадиган тақриزلар ҳам сероб эмас. "Улуғбек хазинаси" романи яратилгач, танқидчиликнинг диққати шу асарга қаратилади. П.Шермухамедовнинг "Улуғбек хазинаси" ("Ўзбекистон овози", 1973 йил 26 август), Н.Худойбергановнинг "Икки ҳаёт, икки ўлим" ("Тошкент оқшоми", 1973, 14 сентябрь), И.Ғафуровнинг "Роман-тарих ойнаси" ("Ўзбекистон маданияти", 1973, 21 сентябрь) В.Зоҳидовнинг "Тирилган тарих" ("Ўзбекистон маданияти", 1974, 6 август) тақризлари босилди. Мазкур тақриزلарда ғоявий-эстетик таҳлил, ҳар бир мунаққиднинг услуби, ниҳоят, турғунлик йилларининг айрим белгилари акс этди. П.Шермухамедов тақризида роман тили масаласи, Н.Худойберганов мақоласида қарама-қарши образлар қиёси, И.Ғафуров ишида романдаги услубий товланишлар ҳар хиллигига урғу берилди. Мана, Иброҳим Ғафуров тақриздан олинган парчага эътибор беринг: "Улуғбек хазинаси"нинг бошқа қаҳрамонлари ичида романтик либосларга бурканган, алпдай чўнг жуссали, "Навой" романидаги Арслонқул каби мардона қиёфага эга бўлган Қаландар алоҳида ажралиб туради. Бу образнинг сохт-сумбати, турк-тароватида машҳур қаҳрамонлар - Йўлчи ва Отабекдан қўшилган алланима бор. Бу алланима содаликнинг мардоналигида, мардликнинг тиник самимиятига ёрлигидадир... О.Ёқубов бошқа қаҳрамонларни чизганда кўпроқ экспрессив йўлдан борса, Қаландарга келганда унинг қалами эник осойишталик билан кўринади. Адиб Қаландар кўзи билан ромanning бошқа ўринларида учрамайдиган эпик манзара яратади".

Ғоявий-бадий мукамал асарлар ҳақида ижобий тақриз ёзилса, яхши асарни аъло деб улуғланса, унча катта гуноҳ бўлмайди. Ўтқир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссаси етук танқидчилар томонидан юксак баҳоланди. О.Шарафиддинов "Она" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1982 йил, 23-сон), М.Қўшжонов "Онага таъзим" ("Қишлоқ ҳақиқати" газетаси, 1982 йил 66-сон), С.Мирвалиев "Она ҳақида қўшиқ" ("Туркистон" газетаси, 1982 йил, 23-сон), Б.Ғуломов "Меҳр достони" ("Тошкент окшоми" газетаси, 1982 йил, 23-сон) тақризларида "Дунёнинг ишлари" қиссасидаги юксак бадийликни, ҳиссий таъсирлиликни алоҳида таъкидладилар. Танқидчи Н.Худойбердиев "Меҳр ва тасвир" мақоласида "Дунёнинг ишлари" яхши асар эканлигини тан олдию, бироқ уни мақтаб юборилишига, қисса муаллифини ўзбекининг Айтматови, Маркеси даражасига кўтариб қўйилишига қарши чиқди. Н.Худойберганов асарда камчилик бор эканлигини ҳис қилади, лекин у нималарда кўринишини аниқ айтиб беролмайди: "Ёзувчи қундалик ҳаётнинг қандай долзарб масалаларини, анъанавий муаммоларини диққат марказига чиқариб, уларни қандай ёритиб берган? Қиссанинг қайси бобларида мустақил ҳикоялар, ихчам қиссалар мужассамлашган? Ахир, мустақил ҳикоялар, мустақил қиссалар ўз ҳолича мустақил бўлгани дуруст эмасми? Нега энди уларни бир асарга жамлаш зарур бўлиб қолди". Танқидчи "Литературная газета"нинг 1988 йил, 12 октябрь сонида босилган анкета саволларига жавобида яна Ў.Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасини тилга олади, асарни барча ўзбек танқидчилари мақтаганини айтади-да, қиссада кўр-кўрона тасвир устунлигини, онанинг бетакрор қиёфаси яратилмаганлигини айтади. Шунинг учун бу қисса рус китобхони диққатини жалб этмади деган хулосага келади Н.Худойберганов. Ҳақиқат баҳс, тортишувларда юзага чиқади: бадий асарлар ҳақида қарама-қарши фикрлар баён қилинган тақризлар босилиши мақсадга мувофиқ. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида "Бир асар ҳақида икки хил фикр" деган рухн буларди. Лекин бир асар ҳақида босилган икки тақриз чунонам ухшаш, бир-бирига яқин бўладики, икки хил фикрни фарқлаш мушкул бўлиб қолади.

60-йилларнинг иккинчи ярми, 80-йилларнинг биринчи ярми турғунлик йиллари номини олган бўлиб, бу пайтнинг иллатини тақриз жанрига муносабат, унинг адабий жараёндаги ўрнида аниқ сезиш мумкин. Турғунлик йиллари тақризчилигида офаринбозлик, кўтар-кўтарчилик руҳи етакчилик қилди. Ўртача, ҳатто яроқсиз асарлар ҳақида мактов тақризлар босилди.

Тақризчилар *кимнинг асарига*, қандай образ яратилган роман ёхуд қиссага тақриз ёзаётганликларини тўла англаб етдилар. Иброҳим Раҳимнинг "Оқибат" романида Россиянинг ноқоратупроқ ерларида яшаб, меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Романда эса қоладиган воқеа, характерлар йўқ. "Оқибат" босилиши биланоқ Анқабой Қулжоновнинг "Кардошдик мадхи" ("Қишлоқ ҳақиқати" газетаси,

1981 йил 30 декабрь), Очил Тогаевнинг "Оқибатли кишилар" ("Ўзбекистон овози" газетаси, 1981, 20 декабрь), Б.Имомовнинг "Замондошларимиз киссаси" (Тошкент ҳақиқати" газетаси, 1982, 20 январь), О.Худойбергановнинг "Бош мавзуда" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1982, 1 январь) тақризлари эълон қилинди.

Турғунлик йилларида нашр этилган тақриزلарга қараб ўзбек адабиёти ҳақида фикр юритсак, бизда кашфиёт, нодир, муъжиза асарлар тўлиб-тошиб кетади. Бўш асарлар бўш тақриزلарда ҳаваскор танқидчилар томонидан мақталса, уни тушуниш мумкин. Ёмон шундаки, эстетик диди юксак, китобхонни ўз оғзига қаратиб ўрганган танқидчилардан М.Қўшжонов, И.Фафуров, Н.Худойберганов, У.Норматовлар "Наврўз", "Момақалдирок" (Н.Сафаров), "Дегрез ўли", "Чотқол йўлбарси" сингари асарларига мақтов тақриزلар бигдилар. Уртамиёна асарлар кўная боргани, мақтов тақриزلар сони орта боргани сайин танқидчиликда танг аҳвол юзага келди. Танқидчи Рафаэль Мустафин "тақриз - суз билан беришган дора" деган айбномани ўртага ташлади. Устига устак тақризни адабий-бадиий танқид жанрларидан чиқариб ташлашни таклиф қилди. Эмишки, тақриз адабий-тарихий жараёндан четда туриб, услубий асосларга суянмасдан яратиладиган, демакки, илмга алоқаси йўқ жанрмиш" ("Вопросы литературы" журнали, 1985, 10-сон, 76-бет). Айбни ҳийлакор танқидчи, устамон ёзувчи қилсида, жабриши тақриз жанри тортсин: бургага аччиқ қилиб кўрна куйдириш деб шунга айтсалар керак-да!

Тақриз мадҳиябозлик, ошна-оғайничлик касрига қолиб, ёмон отлик бўлди. Лекин у адабий жараёндаги ўрини зинҳор йўқотмади. Турғунлик авж олган паллада Матёқуб Қўшжоновнинг "Давр талаби ва ижод масъулияти. Иброҳим Раҳимга очиқ хат", "Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа", Озод Шарафиддиновнинг "Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси", Норбой Худойбергановнинг "Япроқлар бор, илдизлар-чи?", Акрам Каттабековнинг "Фактлар тўғри. Аммо бадиий талкин-чи?" сингари ярақлаган, теккан ерини чўғдай куйдирадиган тақриزلари пайдо бўлди. Танқидчи борки, кўнлига мана шундай жўшқин, нури тақриз, мақола ёзипни мақсад қилиб қўяди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида, қайта қуриш, ошкоралик шароитида бир қанча ўта танқидий руҳдаги мақола, тақриزلар ёзилди. Танқидий мақола, тақриз адабиётини юракдан севган, умрини ҳақиқат учун курашишга тиккан кишиларгина ярага олади. Шундай "дабдала" қилувчи мақолалар яратилдики, улардан муаллифнинг ғарази, юрагига йиғилиб қолган захари яққол кўринди қолди. Бундай мунаққидлар ўзгани уришга қўл кутардилар-у, ўзлари назар чоҳига қуладилар. Бу ўринда М.Ваҳобовнинг "Тарих ҳақиқатига зидлашиб" ("Правда Востока" газетаси, 1986, 4 декабрь) мақоласини эслаш мумкин. Мақола муаллифи Пиримқул Кодировнинг "Юлдузли тушлар" романида бош қаҳрамон Бобур образи идеаллантирилганлигини, Азиз Қаюмовнинг илмий-биографик асарларида ғовий



камчилик борлигини, бир қанча асарларда миллатчилик кўзга яққол куришиб турганини ёзади. Мазкур мақола сохта ижтимоийлик ва унинг байроқдорлари ҳануз орамизда юрганлигини кўрсатади. Абдулла Қайҳорнинг "Тобутдан товуш", Шухратнинг "Жаннат қидирганлар", Э.Воҳидовнинг "Фузулий ҳайкали қошида", "Ўзбегим", А.Ориновнинг "Биринчи муҳаббатим", "Куз ҳаёллари", "Лайлак", "Жаннат", Ш.Бошбековнинг баъзи асарлари, Ш.Холмирзаевнинг "Оғир тош кучса" ҳикояси сингари ғоявий жиҳатдан "таҳлил" қилиб, улардаги "жиддий хатоликлар"га диққатни жалб қилган мақола, нутқларда вульгар социологизм киёфаси кўринмаган эдимиз?!

✓ **Адабий шарҳ** танқиднинг кўҳна жанрларидан. Лекин адабий танқиднинг бошқа жанрларига нисбатан адабий шарҳнинг мазмуни, моҳияти кескин ўзгарди. Замонавий шарҳловчи вазифасининг мушкуллиги шундаки, у жаҳон адабиётидаги, аниқроғи, дунёдаги энг ривожланган адабиётлардаги ҳолатни яхши билмоғи, илғор тамойиллардан хабардор бўлмоғи, инсонни мукаммал тасвирлаётган санъаткорларнинг изланишларини зийраклик билан кузатиб бормоғи, ниҳоят, жаҳондаги илғор адабиётлар тарихидан хабардор бўлмоғи лозим. Тўғри, адабий шахрни ҳамма адабиётшунос, танқидчи ёзавериши мумкин. Лекин доғишманд, билагон танқидчи, адабиётшунос шарҳида остки оқим, янгрин маъно сезилиб туради. Бундай шарҳлар замонлар ўтиши билан эскирмайди, улардаги ички мазмун, бадий ижод қонуниятлари хусусидаги фикрлар ҳаммаша китобхон диққатини жалб этиб боради. Озод Шарафиддиновнинг "Йиллар ва йўллар" асарини илмий-назарий шарҳ деса бўлади. Шарҳ 1977 йида - турғушлик муҳитида ёзилган. Лекин унда Чўлпон, Усмон Носир ҳақидаги ҳақ гаплар айтилган. Мунаққид Уйғуннинг "Бригадир Карим", "Туласал", "Назир отапинг ғазаби" шеърлари машҳур бўлганини айтилади-ю, китобхон диққатини шоирнинг фасллар гўзаллигини жўшиб куйлаган шеърларига жалб қилади. Мунаққиднинг мана бу гапларига эътибор беринг: "Пейзаж Уйғун учун жонли ҳаётдан узок, сокин манзараларни, сархуш кайфиятни, соф гўзалликни куйлаш воситаси эмас, балки воқеликнинг гўзаллигини поэтик ифодалаш, тасдиқлаш воситаси бўлди". Оддий, тажрибасиз китобхон бу гапларни ўқиб "ҳа, шундай эканда" деб қўя қолади. Танқидчилигимиз тарихидан хабардор бўлган, лирикада яратувчи меҳнат ва меҳнаткаш образи асосийдир деган сохта ақидага маҳкам ёпишиб олиб, "сокин манзара", "сархуш кайфият", "соф гўзалликни" акс эттирган шоирлар бошига не-не қора кунларни солган танқидчилар, ижодкорлар қилмиши ҳақида эшитган, билган одам О.Шарафиддинов ишорасининг маъносини англаб етади. Ҳар бир истеъдодли ижодкор воқеликни тасдиқлашнинг янги-янги оҳорли воситаларини кашф этади. Адабий танқидчи зинҳор, Эркин Воҳидовнинг "Оқсоқол" шеърининг қаҳрамони сингари, ўйлаб чиқарилган, сунъий тартибларни қўлламаслиги жоиз. Матёқуб Қўшжоновнинг "Кайта қуриш ва ўзбек

романи" ("Шарқ юлдузи" журнали, 1988, 1-сон) асарини ҳам назарий шарҳнинг намунаси дейиш мумкин. Ўзбек танқидчилигида бундай назарий шарҳлар мавжуд.

Адабий тур, жинс, жанрлар шарҳларида назарий умумлашмалар етакчилик қилади. У.Норматовнинг "Бугунги адабиётимизнинг таҳлили ва талқини. 1979 йил ўзбек танқидчилиги ҳақида мулоҳазалар", А.Расуловнинг "Ўзбекистоннинг қайта туғилиши" ("Ўзбекистон маданияти", 1978, 9 май) шарҳларида адабий танқид жанрлари, хусусан, тақриз жанри ҳақида фикр юритилади. Ўзбек танқидчилигининг кейинги 20-25 йиллик тараққиётида жанрларнинг маълум муддатдаги шарҳи етакчилик қилади. Наср, назм, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва танқидчилик муаммолари муҳокама қилинади. Бундай тадбир яхши натижа беради. Республикаимизнинг аксарият танқидчи ва адабиётшунослари адабий тур ва жанрларнинг йиллик шарҳ-мақолаларини газета, журналларда чоп эттириб, китоб, тўшамларига киритганлар. Йиллик шарҳ сифати танқидчи савиясига, масалага масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Танқидчи борки, йил бўйи яратилган асарларни битта қўймай санашга, таниш-билиш ёзувчи (шоир, танқидчи, драматург) номини тилга олишга ҳаракат қилади. Бундай шарҳларнинг адабиётга нафи йўқ. Танқидчи борки, бир йиллик шарҳ-муносабати билан босиб ўтган йўлга назар ташлайди - рўй бераётган янгилликни тасдиқлашга, тараққиётга тўсқинлик қилаётган нуқсонни бартараф этишга интилади. Муҳими шарҳловчи адабиётнинг истиқболи масаласига диққатни жалб қилади: кашфиёт асарни чуқур таҳлил қилишга, ижобий тамойилларнинг уфқини ёритишга, ёш ижодкорлар изланишларидаги янгилликлар моҳиятини очишга ҳаракат қилади. П.Шермухамедовнинг "Ҳаёт ҳақиқати" ("Тошкент оқшоми" газетаси, 1969, 17 февраль) И.Ғафуровнинг "Биринчи доvon" ("Мехнат ва турмуш" журнали, 1970, 10-сон), М.Қўшоновнинг "Маъно - маҳоратнинг бош масаласи" прозаси, И.Ғафуровнинг 1973 йил прозаси ҳақидаги "Насримизнинг бугунги тенденциялари", ёш ижодкорлар тўғрисидаги "Хавасда аланга бўлсайди", О.Шарафидиновнинг "Шеъримизнинг янги уфқлари", У.Норматовнинг "Бугунги адабиётимизнинг таҳлили ва талқини" мунозаралари, шарҳларида ўзбек адабиётининг, хусусан 60-70-йиллар адабиётининг хусусиятлари ақс этган. Мазкур шарҳларда жиддий ютуқлар, узоқни қўра олмаслик, йўл қўйилган камчиликлар ҳам учрайди. 70-йиллар шарҳчилигининг хусусиятлари "Маъно маҳоратнинг бош масаласи" мақола-шарҳда кўзга яққол ташланади. Унда мунаққиднинг услуби, савияси, талабчанлиги айни пайтда турғунлик муҳитининг кишиси эканлиги сезилади. Мунаққид Зоҳир Аълам, Омон Мухтор, Шукур Хошимирзаев ҳикояларини нозик таҳлил қилади. "Журъат" (У.Назаров), "Урушнинг сўнги қурбони" (Ў.Ҳошимов) ҳикоялари моҳиятини очишга интилади. Айни вақтда мунаққид М.Хайруллаев, Т.Пўлатов, Х.Қодирӣ, М.Қориев сингари авторларимиз самарали иш қилганлигини"

кестириб ўтади. Турғушлик йилларида ўқилган адабий маърузаларда ўнга хос аъъанавий кириш қисм пайдо бўлди: амалдор, оксоқол ёзувчилар номи, гарчи зарурат бўлмаса-да, бир-бир санаб утилар, улар хизмати таъкидланарди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновдай (бу ерда мунаққиднинг "Шеърят эстафетаси давом этмоқда" шарҳини назарда тутяпмиз - А.Р.) дадил, қатъиятли танқидчилар ҳам замон зайиғига қараб иш юритдилар.

М.Қўшжонов ўз шарҳида Рузимат Отасев, Эмин Усмонов, Х.Шайхов киссаларидаги муҳим нуқталарга диққатни тортади, Рустам Раҳмоновнинг "Ишонч", "Келин" киссаларини қаттиқ таъкид қилади. Романлар шарҳига киришар экан, М.Қўшжонов талабчанлик, изчил илмий мантқиққа риоя қилади: И.Содиқовнинг "Фарғона зулмат кўйида" романининг бадиий яроқсизлигини исботлайди; "Дегрез ўғли" романига ёзилган тақризлар ҳақидаги гапни Мирмуҳсиннинг бу асари хусусидаги мулоҳазаларга буради, ҳамма гап пишабини мана бу хулоса-фикрни айтишга йўналтиради: "Натижада, асар тўқимасида ортикчалик, изчил композицияга "сиғмайдиган" материал пайдо бўлади. Хўш, нима сабабдан асарда композицион халқоблик пайдо бўлди? Ёзувчи романи ёзишга киришадими-ю, айтадиган гапни, маънони, концепцияни изчил белгиламайди. Асарда гап гапга улашиб кетаверади: китобхон бу гапхошиқдан изчил маъно чиқара олмайди. Устига устак қаҳрамоннинг қиёфаси; мақсади кўзга ташланмайди"<sup>1</sup>.

"Дегрез ўғли"дай бўш асарнинг босилиши, муҳими, бундай ҳам асарнинг танқидчилар томонидан мақталганидан хайратланган М.Қўшжонов "Ғолиблар" (Ш.Рашидов) романининг қатор фазилатларини санайди, ёзувчи маҳоратига доир "қузатишларини" баён этади.

М.Қўшжоновнинг ушбу шарҳида деярли барча ўзбек зиёлиларига хос шукропалик туйғуси, пурли чўққиларга маҳлиё бўлиб, эрташги экологик хавфларни сезмаслик, иқтисодий ўпирилишлар рўй берипини англамаслик маълум бўлади: "Мен кейинги икки-уч йил ичида бошқа ёзувчилар сингари республикамизнинг кўп жойларида бўлиб, қилинаётган улугвор ишларни туйвоҳи бўлдим. Тасаввур қилиш мумкинки, бундан 50-60 йил олдин Амударёнинг икки жойидан тўғон тушади, катта электростанциялар қурилади, шу дарёнинг суви 132 метр балоқдликка кўтарилиб "герс" оқизилади, Қарши чўлида бутун бир областга тегиш келадиган экин майдони пайдо бўлади, Чорвоқда балоқдиги 118 метрлик тўғон ва катта электростанция қурилади, Ўзбекистон тилга конига айланади, бутун мамлакатга ёнилғи беради, ниҳоят, фақат ўз тарихи билан донг чиқариб, дунё миқёсида маълум бир сезиларли мавқеига эга бўлмаган бу ўлка йилига беш миллион тонна пахта беради, дейишса ким ипонар эди? Булар улуг ишларнинг энг йириклари ва энг маълумлари" (47-бет). М.Қўшжонов ҳақиқий олим, доно илсон сифатида ўзбек истиқлол адабиётшунослиги ва таъкидчилигига ҳисса қўшмоқда.

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Маъно ва мезон. Фафур Фулом номидаги нашриёт. 1974, 31-бет.

Иброҳим Ғафуровнинг 1973 йил ўзбек прозаси ҳақидаги "Насримизнинг бугунги теңденциялари" шарҳида тарих ва инсон концепцияси масаласида жиддий мулоҳазалар баён этилади. Муҳими, мунаққид ўзи яшаб турган шароитни энг мукаммал, ҳақиқат тантана қилган давр деб билади. Мунаққид: "Биз тарихимизни севамиз дедик. Лекин тарих, унинг қайси саҳифасини очиб кўрманг, даҳшатли фожиалар, драмалар билан тўлик, наҳот биз шу фожиалар ва драмаларни севсак? Йўқ, биз ўша фожиалардан омон чиққан, ўзининг улуғвор ва олижаноб руҳини сақлаб қолган ва доимо адолат тантанаси учун курашган, адолат ва хуррият қачон бўлмасин барқарор бўлишига ишонган халқимизнинг босиб ўтган йўлини, унинг енгилмас соғлом иродасини севамиз", - деб ёзади. Аввало шуки, мунаққид даҳшатли фожиалар, драмаларни узоқ ўтмишда бўлганига ишонади. Ўзи яшаб турган даври мураккаб драмаларга бойлигини ҳаёлига келтирмайди. Иккинчидан, И.Ғафуров тарих билан "халқ босиб ўтган йўл"ни икки нарса деб билади. Учинчидан, "ўша фожиа ва драмаларда" ҳақиқат учун курашганларнинг қони тўкилган. Ҳақиқат ва хурлик учун курашганлар - мураккаб тарихимиз қаҳрамонлари. Тарихимиз, қанча мураккаб, фожиали, драмаларга тўлик бўлмасин, тақдиримиз: унинг фожиалари, суроили онлари борлиғимизни зирқиратади; биз босиб ўтилган йўлга маҳлиё бўлиб, тарихни унута олмаймиз, аждодларимиз тақдирини - бизнинг тарихимиз.

Шарҳ мақолалар адабиётимизнинг тур ва жанрлари бўйича, танқидчилик ва адабиётшунослик, болалар адабиёти материаллари асосида яратилмоқда. О.Шарафиддинов "Шеърятимизнинг янги уфқлари" шарҳида бир йиллик шеърят шарҳланса, "Йўл бошида", "Шеър кўп, аммо шоир-чи?" мақолаларида 80-йиллар ўзбек шеърятининг нури ва соя томонлари асосли ёритилади. "Йўл бошида" шарҳида янги авлод шоирлари ижоди ҳақида мулоҳаза юритар экан, мунаққид шеърятда рўй бераётган янгиларни кўрсатади. Ёшлар шеърятда янги даврнинг илғор қарашлари, инсонни чуқур англаш ва акс эттиришга интилиш очик кўринаётганлиги таъкидланади. "Шеър кўп, аммо шоир-чи?" тадқиқот шарҳида мунаққид ўртача адабиётнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилади. Мунаққид ўртача адабиётнинг пайдо бўлишидаги бир томонга - шоирнинг асар яратишдаги ижодий жараёни ҳолатларига диққатини қаратади. Мақола турғунлик даври авж олган пайтда ёзилган бўлиб, мунаққид ҳали ўша даврнинг асосий белгиларини ёритиб бериши мумкин эмас эди. Мунаққиднинг шеърятдаги ўртамеъначиликка қарши бонг уришидаёқ, катта жасорат, фидойилик сезилади.

У.Норматовнинг "Изланишлар қаңдай кечаётир ва баҳоланаётир", "Адабий танқид - ижтимоий фаолият", С.Мамажоновнинг "Илмий теранлик", М.Қўшжоновнинг, "Баркамол бирлик, миллий колорит, интернационал рух" шарҳларида наср, адабий танқид, адабий алоқалар масалалари қаламга олинади. Мазкур шарҳларда ютуқ ва камчиликлар айтилади, лекин умумлашма кенг хулосалар чиқарилмайди. Мазкур мақолалар турғунлик даври билан қайта қуриш даври оралиғида тузил-

ган бўлиб, муаллифлар айтилиши лозим бўлиб қолаётган катта муаммолар мавжудлигини ҳис қиладилар-у, уларни баралла айтишга журъат қилмайдилар.

**Муаммоли мақола.** Мутахассисларгина адабий-бадий танқид жанрларини фарқлайдилар, уларнинг ўзига хосликлари ҳақида билимга эга бўладилар. Оддий китоблар учун тақризу шарҳ, бадиа-ю танқидий очерк, адабий портрету хотира - ҳаммаси **мақола**. Муаммоли мақола (бахс-мақола, тадқиқот мақола) танқидчилик ва адабиётшуносликнинг таянчи, асосий жанри. У бирон асар поэтикасига бағишланган рисолавий моҳиятда, бадий ижод муаммоси, назария масалаларини ёритувчи илмий тадқиқот кўринишида, сағъаткор ҳаёти ва ижодининг тортишувли нуқталарини очишга йўналтирилган илмий-бахс шаклида бўлиши мумкин. Муаммоли мақолада илмий-назарий моҳият, тадқиқотчи концепцияси муҳим аҳамиятга молик. "Адабий асарда конфликт", "Бадий сюжет" (М.Кўшжонов), "Чулпонни англаш" (О.Шарафиддинов), "Обид кетмон ҳақиқати" (У.Норматов), "Ойбекнинг назарий олами" (Б.Назаров), "Миллий бирлик курашчиси" (Н.Жумахўжаев) сингари илмий-назарий муаммоли-бахсли мақолаларни анчагина учратиш мумкин. Бундай мақолаларда илмий муаммони кенг ва ишонарли ёритиш, олимнинг ўз қарашлари ва услуби, адабиётшунослик илмидаги янги қарашлардан хабардорлиги диққатни торғади. Масалан, М.Кўшжонов мақолаларида мантиқий изчиллик, илмий муаммо моҳиятини очишга интилиш кўзга яққол ташланади. Олим диққатидан кичик далил, кўзга ташланмайдиган увок белги четда қомайди. М.Кўшжонов мақолаларида зўрма-зўракилик, кучаниш сезилмайди. Озод Шарафиддинов мақолаларида ҳаётий ва адабий далилнинг илмий-назарий хулосалар чиқаришга тўлиқ бўсундирилганлиги яққол кўринади. Хақиқий олим далиллар моҳиятини ёритади, уларни курукдан-курук санайверишдан ўзини тияди.

Муаммоли мақолаларда илмий манбалар, бадий асарлардан иқтибослар (цитаталар) кўп учрайди. Иқтибос - ҳаққонийлик далили, илмий хулосани тасдиқловчи восита. Ўз илмий олами, концепциясига эга бўлган олим энг зарур ўринлардагина цитатага мурожаат этади. Иқтибосбозлик зўрма-зўракилик, илмий концепциянинг изчил эмаслигидан далолат. Адабиётшунос И.В.Виноградов фикрича, вульгар социологизмнинг қелиб чиқиши, хатоликлари "цитата тафаккури" услуби самарасидир.

Илмий-муаммоли мақола - ҳар бир миллий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг қиёфасини, имкониятларини кўрсатувчи жанр. Адабиётшуносликнинг теран муаммолари, танқидчиликнинг услуб ва методологияси илмий-муаммоли мақолаларда ҳал қилинади. Ҳар бир мунаққиднинг адабий-тарихий жараёндаги мавқеи долзарб, илмий-долзарб масалаларни кўя олиши, уларни ҳал қилишга киришиши билан белгиланади.

<sup>1</sup> Қаранг. М.Поляков. В мире идей и образов. Москва, 1983, 112-113-бетлар.

БАДИА (Эссе). Адабий-танқидий мавзуларда ёзилган, адабиётшунослик, нафосатшунослик, фалсафа масалалари эркин талқин қилинадиган жанрга бадиа (эссе) дейилади. Бадида адабиётшунослик қошунқоидаларига тўла-тўқис риоя қилиниши, далилларнинг илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган бўлиши кўпам талаб қилинмайди. Бадиа жанрининг Европа адабиётидаги асосчиси француз ёзувчиси - гуманист ва философ М.Монтень бўлиб, 1580 йилда инсон ва жамият тақдири ҳақида мулоҳаза юритувчи "Эсселар" китобини ёзган. Шарқ адабиётида бадианинг тарихи анча қадимдан бошланади. Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий ижодида бадианинг ўзига хос шакллари учрайди. Навоий, Бобур ижодида бадианинг етук намуналари мавжуд. Улар нома, ҳолат, хотира шаклларида кўзга ташланади.

Ёзувчи танқиди кўпинча эссе жанрида ёзилади. Унда ижод ва ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан хулосалар, қарашлар, кузатишлар акс этади. Бадиа ўзбек танқидчилигида адабий ўйлар номи билан ҳам аталади. Асқад Мухторнинг "Ёш дўстларимга" (1971, 1980) китоблари, Пиримқул Кодировнинг "Ўйлар" (1971), Абдулла Ориповнинг "Эҳтиёж фарзанди" (1988), Эркин Воҳидовнинг "Шоир ушбу шуур" (1987) тўпламларини асосан бадиалар танқиди этади. Бадиий асарда ижодкор услуби қанчалар аниқ акс этса, бадида ҳам ёзувчи-танқидчининг бетакрор қиёфаси акс этиб туради. Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хуршид Давронларнинг адабий мақола-бадиалари китобхонлар диққатини жалб этмоқда.

Санъаткорлар ҳақида хотиралар китобини яратишга жиддий эътибор берилган. Хотира кўп томонлари билан бадидага яқин туради. Лекин, хотираларда келтирилган далилларни аниқ ҳақиқат деб олиш ва улардан фойдаланавериш тўғри эмас. Хотира ёзувчилар баъзан ноҳолис қарашларини субъективизмга айлантириб юборадиларки, бу ҳол адабиётшунослик ва танқидчиликка нафдан кўра зарар келтиради. Хотираларда ёзувчи ҳаётининг мушкул, драматизмга бой ўринлари ҳақида кам ёзилади. "Абдулла Қаҳҳор замондошлар ҳоғирасида" (1987) китобида ёзувчи ҳаётининг мураккаб дамлари ҳақида ёзилган. Ҳамид Олимжон ҳақидаги "Сен элимнинг юрагида яшайсан" (1973) эсдаликлар китобида ҳам шоир ҳаётининг мураккаб дақиқалари акс этган.

Саид Аҳмаднинг Фафур Ғулом ҳақидаги "Назм чорраҳасида", Абдулла Қаҳҳор тўғрисидаги "Устоз чироғи", Саида Зуннуновага бағипланган "Хотиралар"и, Незмат Аминовнинг Садриддин Айний, Саид Аҳмад ҳақидаги хотира-эссеси китобхонлар орасида шўҳрат қозонди. Носир Фозилонинг "Устозлар даврасида" (1987), Отаёرنинг "Миремир" (1986) бадиалари ёзувчилар ҳаёти ва ижоди масалаларини бадиий ракурстан ўтказиб берди.

Иброҳим Фафуровнинг "Гузаликнинг олмос қирралари", "Жозоба", "Ёнар сўз", "Лириканинг юраги", Н.Худойбергановнинг "Сени уйлайман, замондош", "Ҳақиқат ёғдулари" тўпламларига кирган мақолалар адабий

ўйлар номи билан китобхонга ҳавола қилинган. Туғри, Н.Худойберганов китоблари кузатишлар, баҳслар, мулоҳазалар, мунозаралар ҳам эканлиги таъкидланган. Пирмат Шермухамедов "Умид муҳаббатдадир"... китобининг жанрини мақолалар, бадиалар, ўйлар деб белгилайди. Қуринадики, танқидчиларимиз бадиа, ўйлар жанри ҳақида изчил тасаввурга эга эмаслар. Адабиётшунос ва мунаққидлар асарларида илмий мантиқ аниқ сезилиб туради. Ёзувчилар бадиаларида адабий танқиднинг санъатлик хусусияти кўзга ярак этиб ташланади. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, Иброҳим Ғафуров илк китобларини адабий ўйлар жанрида ҳавола қилиб туғри йўл туганлигини сезиш мумкин. Мунаққиднинг "Шеърят - изланиш демак", "Ўттиз йил изхори" тўпламларидаги мақолаларида сўз жозибасини ҳис этиш сезилиб туради. Аини вақтда мазкур асарларда илмий концепция китобхонни ром этади. Иброҳим Ғафуров "Мансурлар" китоби билан бадиачилигимизни янги бир шакл билан бойитди.

Адабий фелъетон, мазамат сингари жанрлар ҳам танқидчиликка дахлдор. Мазамат жанри "урғоклик ҳазиллари", "ким қандай ёзар эди" рукнидаги материаллар туфайли бойиб бораётган бўлса-да, адабий фелъетон жанрига сўнгги йилларда эътибор берилмапти.

Адабий-бадиий танқиднинг танқидий-биографик очерк, адабий портрет, адабий эсдаликлар, ижодий-биографик тадқиқот, рисола сингари жанрлари бевосита ёзувчи ҳолати, ижоди масалаларини ёритади. Санъат асари борки, у "ким томонидан, қандай шароитда яратилган?" деган саволни келтириб чиқаради. Такриз, шарҳ, муаммоли мақола, бадиа сингари жанрлар қачон, қандай яратилган, деган саволларга жавоб берса, танқидий очерк, адабий портрет, тадқиқот сингари жанрлар ижодкор шахси, муҳити, истеъдодининг йўналиши сингари муаммоларни қамраб олади.

**Танқидий-биографик очерк** жанри ёзувчи ҳаёти, адабий-ижтимоий муҳити, асарларининг яратилиши тарихи, моҳияти хусусида, ижодкорнинг адабий-тарихий жараёндаги ўрни, қиёфаси ҳақида маълумот беради. Танқидий-биографик очерк фактлар ва илмий хулосалар бирлигидан ташкил топади. Мунаққид ёзувчи ҳаёти, ижоди фактларидан таҳлиллар, тахминлар, қиёслар, мунозаралар орқали илмий хулосалар чиқаради. 50-йилларда Ҳомил Ёқубовнинг Ғафур Ғулум ва Ойбек; Сарвар Азимовнинг Ҳамид Олимжон; Ирина Боролина, Ҳафиз Абдусаматовларнинг Абдулла Қаҳҳор; М.Саматовнинг Комил Яшин ҳақидаги танқидий-биографик очерки яратилди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб танқидий биографик очеркни адабий портрет жанри "сикиб чиқара" бошлади. Аслида танқидий-биографик очерк бўлган "Абдулҳамид Мажидий" (1982 йил, С.Сирожиждинов), "Ҳусайн Шамс" (1973, Дилбар Файзиева), "Ойдин" (1965, С.Мирзаев), "Парда Турсун" (1967, Ориф Икромов), "Ҳабибий" (1977, А.Абдусаматов), "Ҳоди Зариф" (1967, Тура Мирзаев), "Асқад Мухтор" (1966, Очил Тоғаев), "Саида Зуннупова"

(1975, Ҳакима Ҳасанова), "Иброҳим Раҳим" (1974, М.Маҳмудов, Б.Маҳмудов) сингари асарлар адабий портрет жанри сифатида китоб-хонга ҳавола қилинди. "Адабиёт ва замон" (1980), "Ҳаёт кўзгуси" (1984) сингари адабий танқидий мақолалар тўпламида "Адабий портретлар", "Адабий портретга чизгилар" рубрикаси остида танқидий-биографик очерклар босилди. Матёқуб Кўшжоновнинг "Истеъод қирралари" (1975) китоби адабий портретлардан танқил топган. Лекин бу портретлар ҳам танқидий биографик очеркдан унчалик фарқ қилмайди. Нима сабабдан портретларни очерклар деб атаيمиз? Адабий портрет - ёзувчи ижоди, ҳаётининг зиддиятларини ёритиб берадиган, руҳий драмаларини юзага чиқарадиган жанр. Ўзбек адабиётида биронта йирик санъаткор йўқки, унинг ҳаёти драмаларга, зиддиятларга тўлиқ бўлмасин. Чин истеъод табиати курашларни сўғиш, зиддиятларга тобланишидир. Ҳеч бир замон истеъодши осонлик билан тани олмаган. Ҳақиқий санъаткор оламини яратиш учун ҳаёт-мамот жангига киришган: кўпинча жангда ҳалок бўлган. Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат сингариларнинг мураккаб тақдирлари, зиддиятга йўғрилган ҳаётлари ҳаммага аён. Ҳамза, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ҳаётларининг зиддиятлари, мураккабликлари ўз аксини топтоғи жон. Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Мирзақалон Исмоилий, Шўхрат ва бошқаларнинг ҳаётлари фожиаларга тўла. Биз истиқлол кадрига шунинг учун ҳам етишимиз керакки, у босиб ўтган йўлимиздаги зиддиятлар, ноҳақликлар, фожиалар ҳақида бор овоз билан гапириш имконини берди. Сталин шахсига сўғиниш йилларида миллион-миллион кишиларгина эмас, бутун бошли халқ, миллат таъқиб қилинди. Давримизнинг донишманд шоири Давид Қўғилтинов "Вопросы литературы" (1988, 8-сон) журналида босилган "Ҳаётга ҳўжайинлик туйғуси" мақоласида ўз бошига, қалмиқ халқига тушган азоблар, ҳўрликлар тўғрисида дард, алам билан ёзади. Шоирнинг ҳар бир сағрида ўтли зиддият, драматизм барқ уриб туради.

Ёзувчи Тоҳир Малик "Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1988, 1 апрель) мақоласида Мирзақалон Исмоилийнинг ачинарли тақдири ҳақида ёзади. Турғунлик йилларида М.Исмоилийнинг таъқиб қилиниши, ҳўрланиши киши қалбини ларзага солади: «Ҳа, "Фарғона тонг отгунча" романининг биринчи китоби қамоқда ёзилган. Эллигинчи йилнинг ёзида адиб оғасини туپроққа кўйди. Янги йил арафасида ишга йўл олди. Уни ишлаб ўтирган еридан олиб кетишди. Шу бўйи уйига тўрт йилу тўрт ойдан кейин қайтди. Қайтди-ю фарзандлари орасида суюкли кизи Ойзуҳрани кўрмади... Ёзувчи нима гуноҳ қилганини ўзи ҳам билмай тўрт йилу тўрт ой илгинида яшади». Энди диққатингизни Ш.Отабоевнинг "Мирзақалон Исмоилий" адабий портретидан олинган парчага жалб қиламиз: "Урушдан кейинги тикланиш йилларида "Кенг майдонлар" номли (1949) пьеса ёзди. Шундан кейин ёзувчининг' узоқ давом этган ва ажойиб сама-



ралар берган таржимонлик фаолияти бошланди (4-бет). Тақдири худди М.Исмоилийниқига ўхшаган, 50-йилларнинг биринчи ярмида қамокда бўлган Шухрат ҳақида У.Норматов бундай ёзади: "У яна қўлига қалам олиб, шеър машқини давом эттирди. "Ҳаёт нафаси" (1948), "Қардошлар" (1949) шеърлар тўпламини нашр қилдирди, Рустам Бобоевнинг ҳаётини акс эттирган "Рустам", янги ерларни ўзлаштирган ёшлар ҳаётидан "Оила" очерк қиссаларини яратди, урушда кўрган кечирганларини ҳикоя қилувчи "Шинсли йиллар" романини ёзишга киришди. Бу йиллар Шухратга чинакам шухрат келтирган йиллар бўлди, унинг таланти, асосан, мана шу йилларда тобланди, ижодий маҳорати шу йилларда балогатга етди"<sup>1</sup> (таъкид бизники А.Р.). Биз зинҳор на Ш.Отабобоевни, на У.Норматовни айбламоқчи эмасмиз: ўша пайтларда ноҳақликлар ҳақида ёзиш мумкин эмас эди. /Бошқача айтганда, ёзувчи ҳаётини барча мураккабликлар билан акс эттириш, унинг қалбидаги тугёнларни кўрсатиб бериш тақиқланган эди. Замоннинг зайли чин адабий портрет яратишга йўл қўймас эди. Қарангки, худди ўша пайтларда ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган катта кичик ишлар адабий портрет номи билан чоп этилган. Тўғри, ёзувчи ҳаёти, ижодининг зиддиятларини акс эттирган баъзи портретлар ҳам пайдо бўлди. Чунончи, А.Акбаров "Зулфия" (1975) портретида шоира ҳаётдаги шахсий фожиа - Ҳамид Олимжондай жудо бўлишликни ишонарли тасвирлайди.

А.Акбаров Зулфия тақдири билан машҳур киноактёр Жерар Филипдан жудо бўлган Ани Филип фожияси аро боғлиқликни (79-бет) кўрсатади. Озод Шарафиддинов "Истедод жилолари" адабий портретида Абдулла Қаҳҳорнинг ижодкорлик, инсонлик қиёфасини меҳнатсеварликда - одам ўзини ўзи енгизиш жараёнини очиш орқали кўрсатади. О.Шарафиддинов "Ажойиб кишилар ҳаёти" туркумида яратган "Абдулла Қаҳҳор" асарида ёзувчи ҳаётининг драмаларини очиқ ойдин кўрсатади.

А.Қодирийнинг "Москов хатлари", "Йиғинди гаплари" узоқ вақт танқид қилиб келинди. Ваҳоланки, ёзувчи ҳаётни аниқ кўрсатма бўйича ўрганмайди. Унинг қарашларида баланд-пастиликлар бўлиши табиий. Негадир танқидчилик ёзувчиларимиз фақат ўсиб улғайиб борганини, фаришгадай беғуноҳ бўлишга интилганлигини таъкидлайди. Ёзувчини тирик жон, таъсирчан, сертуғу одам эканлигини англаб иш юритсак, тамоман бошқача манзарани кўрган, ижодкорлар биография-сую ижодини янғича талқин қилган бўлардик. 1973 йилда "Адабиётимиз автобиографияси" номли китоб чоп этилди. Унда 24 ёзувчининг автобиографияси берилган. Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Саида Зуннунова сингари мураккаб тақдирли ижодкорлар автобиографиясини ўқиб ҳайрон қоласиз. Мана шу ёзув-

<sup>1</sup> У.Норматов. Шухрат. Адабий портрет. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1969, 6-бет.

чилар ҳаётининг драмалари, қора кунлари ҳақида ҳозир ёзилапти-ку! Ёзувчи ҳаёти ва ижоди очеркини ёзувчи, унинг портретини яратувчи мунаққид ҳақиқатни рўй-рост ёзмоғи, давр мураккаблиklarини тўла кўрсатиши зарур. Мунаққидлар фақат ўз адабиётларини намояндалари ҳақида эмас, қардош адабиётларнинг классиклари ҳақида ҳаминча ёзиллари даркор. Озод Шарафиддинов "Яловбардорлар" ("Ёш гвардия" нашриёти, 1974) китобига ўн бешта ёзувчи-қардош халқлар адабиёти классиклари ҳақидаги танқидий-биографик очеркни киритган. Олим қайси ёзувчи ҳақида очерк яратмасин, унинг ўлмас асарларини таҳлил қилишга, ҳаётининг драматик нуқталарини акс эттиришга, уни буюк санъаткор бўлишига ундаган омилларни кўрсатишга, ниҳоят, мазкур сўз усталарининг ўзбек адабиёти билан боғлиқлиги масаласига эътибор беради.

Шундай қилиб, танқидий-биографик очерк ижодкорни китобхонга таништирувчи, асарлари ҳақида маълумот берувчи, адабий-тарихий жараёндаги ўрнини кўрсатувчи восита бўлса, адабий портрет санъаткор ҳаёти ва ижодини руҳий ҳолати, характери билан боғлиқликда ёритади. Адабий портрет намуналарини ўзбек адабиётида яратилган тақризлар, мемуарлар, ҳолатларда учратиш мумкин. Алишер Навоийнинг "Мажолисун - нафоис" асари ихчам портретлар мужмуасидир. Султон Хусайннинг "Хуб анъори ва марғуб абёти"га бағишланган саккизинчи мажлисни истисно қилганда, Алишер Навоий етти мажлис давомида ҳар бир шоирни икки-уч жумлада таърифлайди: феъл-хўйидаги етакчи белгини айтади, тақдир ҳақидаги зарур маълумотни беради, шеърятдан намуна келтиради. Мана, бир мисол: "Мавлоно Мажнуний - Балхда булур, фақир кишидур, китобатқина қила олурки, ваҳжи маош ҳосил қилғай. Хожа Уккоша мазорида соқундур. Гуё шеър тахайюли учун бўлғайким, варақул-хаёл муртақибидур, андоқки, ҳам мағлуб бўлгон чоғлиқдур. Бу матлаъ анингдурким:

Мохи тобоним иситги қилди бағримни қабоб  
Ой эди, эмди ҳароратин бўлубтур офтоб".

Мумтоз адабиётимизда адабий портрет намуналари бору, бу жанр назарияси, хусусиятлари хусусида алоҳида қўлланма учрамайди. Рус ва Европа адабиётшунослигида адабий портрет тарихи, назарияси ишланган. В.С.Бараховнинг "Литературный портрет" (Ленинград, издательство "Наука" Ленинградское отделение, 1985), Б.Егоровнинг "О мастерстве литературной критики" асарларида адабий портрет жанри ҳақида етарли маълумот берилган. Портрет термини Аристотелнинг "Поэтика" асарида ҳам учрайди. Асли шотинча булиб, кейинчалик эски француз тилига кўчган бу сўз "чизикдан чизикқача, белгидан белгигача" маъносини англатади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томли. Мажолисун-нафоис, 12 том. Фафур Фулом номидаги нашриёт, Тошкент, 1966, 101-102 бетлар.

**Илмий-биографик тадқиқот** - адабиётшуносликнинг асосий жанрларидан бири. 60-йилларга келиб ўзбек адабиётшунослари ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини мукаммал ёритувчи рисоалар яратишга киришдилар. Лазиз Каюмов Ҳамза, Иосиф Брагинский ва Наби Раҳимов Айний; Ҳомил Ёқубов ва Матқуб Қўшжонов Ойбек; Салоҳиддин Мамажонов Фафур Ғулом; М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Кодиров, У.Норматов, М.Султоновлар Абдулла Қахҳор, Сарвар Азимов, Наим Каримов Ҳамид Олимжон; Ҳ.Абдусаматов, М.Саматов, Б.Ғуломовлар Комил Яшиннинг илмий биографиясини яратдилар. Лекин ҳозирги тафаккур, истиқлол замони талаблари нуқтаи назаридан илмий-биографик тадқиқотларни баҳоласак, уларда анча-мунча етишмовчиликлар мавжудлигини англаймиз.

Илмий-биографик тадқиқот яратаётган олим асосан икки манбага суяниб иш олиб боради. Биринчиси, санъаткор ҳаёти, ижодига тааллуқли ёзма манбалар, бадий асар талқини, таҳлили ва баҳолалишига оид назарий асарлар. Бу ишни бажариш учун тадқиқотчи архив материалларидан, кутубхона бойликларидан фойдаланади. Илмий-биографик асар яратишдаги иккинчи манба - жонли, ишончли хотиралардир. 70-йиллардан бошлаб ўзбек адабиёти ёрқин сиймолари ҳақида **хотиралар** яратила бошланди. Танқидчилик жанрларидан бири бўлган хотираларни ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар яратмоқдалар. Шу қушгача "Ҳамза замондошлар хотирасида" (1979), "Айний замондошлар хотирасида" (1978), "Ойбек замондошлар хотирасида" (1979), "Абдулла Қахҳор замондошлар хотирасида" (1987), "Мақсуд Шайхдоза замондошлар хотирасида" (1983), "Миртемир замондошлар хотирасида" (1982), "Ислом шоир-замондошлар хотирасида" (1981) номли китоблар чоп этилди. Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида" китоби икки бор - 1974 ва 1983 йилда чоп этилди. Иккинчи нашр янги боблар, қисмлар билан тўлдирилганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳамид Олимжон ҳақида "Сен элимнинг юрагида яшайсан" (1973) тўплами нашр этилди. "Хотиралар" - қимматли манба, айни пайтда, ҳатто ошириб-тошириб тасвирлашга интилади. "Фафур Ғулом замондошлар хотирасида" асарида шоир ҳаётининг мушкул дамлари, характерининг синов онлари етарлича очилмайди. Драматизмнинг етарли даражада эмаслиги китобнинг кизиқарли бўлишига салбий таъсир этган. Отаёр асарида ҳам саёзлик сезилади: муаллиф Миртемир қалбида битмас жароҳат бўлиб ётган жойларга тегиб-тегиб ўтади-ю, улар моҳиятини ёритишга урғу бермайди. "Шоир бармоқлари титради - ёзолмади. Ичи ёниб, ўзини лоҳас сизди. Инграб юборди. Бу энди хасталик оғриғи эмасди" (76-бет). Китобхон Миртемир қалбидаги беоромлик сабабини англашга чоғланади. Таассуфки, унинг кутгани бўлмайди. Миртемир ҳаётининг зиддиятли томонларини ёритиш ўзбек адабиёти тараққиётидаги мураккабликларни нозик ҳис этишни, шоир ижодига оид манбалар билан тулик танип бўлишни тақозо этади. Отаёр Миртемир ижодининг барча томонлари

билан таниш эмас, дея олмаймиз. Лекин у, асар жанри талабларидан келиб чиқибми, ҳар ҳолда, шоир ҳаётининг илмий-муаммоли томонларига, зиддиятли нуқталарига етарли эътибор бермаган.

Наим Каримов китобларида бадиий тасвир, янги далиллар, ижодкорлар ҳаётининг мураккаб дамлари яхши тасвирланган. "Ҳамид Олимжон" китобида шоир қиёфасини бахт ва шодлик куйчиси сифатида тасвирлаш етакчилик қилади. Муаллиф Ҳ.Олимжоннинг адабий-танқидий мақолаларига нисбатан изчил позициясини билдирмайди. "Ойбек" китобида жуда кўп янги далиллар мавжуд. Муаллиф Ойбек асарларининг муҳокамалари ҳақида қизиқ далилларни келтиради. Лекин асарда китобхонлар учун сирлилигича қолган тушунчалар бор: "Шоҳнинг душмани - шоҳ, гадонинг душмани - гадо", деган сўз бор. Истеъдод юлдузи қанчалик ёрқин бўлса, Г'овкуш кўчасидаги фонарга тош отган болалардек, унга ҳам тош отувчилар шунчалик кўп бўлади. Моцартлар агрофида Сальериларнинг қўланкалари ҳамиша ўралашиб юрган".

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабий танқиднинг жанр ва шакллари кўп масалалар хусусида фикр юритиш имконини беради. Танқид жанрлари яна қанчадан-қанча шаклий кўринишларга эга. Улар ҳақида алоҳида тадқиқот яратиш мумкин.

## М У Н Д А Р И Ж А

Танқидчиликда адабий талқин масаласи .....	3
Эстетик таҳлил сари ташланган илк одимлар.....	13
Сўзда тарих ихтилофи бор (Бадий адабиётнинг ижтимоий-функционал вазифаси). .....	31
Адабий танқидда биографик услубнинг ўрни ва вазифалари .....	49
Адабий танқидчиликнинг жанр ва шакллари .....	60

---

Абдуғафур Расулов

### ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА ТАНҚИДЧИЛИГИ ТАРИХИ КУРСИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Мухаррир: *О.Абдуллаева*

Босишга рухсат этилди 13.01.2000 й. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Тезкор босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 7,9. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,3. Адади 200 нусха. Буюртма № 492

“Университет” нашриёти. Тошкент - 700095, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети маъмурий биноси.

ЎзМУ босмахонасида босилди.